

Guliston ⁴ 2001





Гулари. Мато, мойбўёқ. 2000 й.



*Мусавир Рустам Худойбергенов
ижодидан намуналар*

*Афросиёбда баҳор.
Мато, мойбўёқ. 1996 й.*

"Парвардигори Олам буюк зотларни ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзиде санокли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она-Ватанимиз Оллоҳнинг назари тушган ана шундай заминдир".

Ислон КАРИМОВ

Guliston

4

2001

iyul-avgust

Ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-ommabop
va badiiy bezakli jurnal

MUASSIS:

*O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat ishlari vazirligi*

Bosh muharrir —

Tilab MAHMUDOV

Tahrir hay'ati:

Rustam ABDULLAYEV,

Sa'dulla ABDULLAYEV,

Bahodir ABDURAHIMOV,

Bobur ALIMOV,

Oqilxon IBROHIMOV,

Otanazar MATYOQUBOV,

Mahkam MAHMUDOV

(bosh muharrir o'rinbosari),

Asqar MAHKAM,

Alisher MIRZAYEV,

Ma'pura NABIYEVA

(mas'ul kotib),

Yo'ldosh SULAYMON,

Muhsin QODIROV,

Tursunali QO'ZIYEV

Jurnal 1925 yildan chiqa boshlagan.

Ushbu sonda

Nazar HAKIMOV, Alisher RO'ZIEV. Fuqarolik jamiyati va yoshlar	2
Rasuljon NOSIROV. Milliy g'urur nima?	4
Asliddin PO'LATOV. Ma'naviyat va qadriyat	5
Shahobiddin XOLMATOV. Istiqloq mafkurasi va falsafiy meros	6
Basiriddin KARIMOV. Tabiat va inson	7
Ra'no ASOMOVA. Komil inson orzusi	8
Qo'chqor XONAZAROV. Bizga shajara kerakmi?	9
Bobomurod BOBOYOROV. Milliy totuvlik	10
A.HAYITMETOV. "Aeroplan" (Voqeiy hikoya)	12
Rustam JUMABOEV. Ostona hatlab safarga otlanganda	14
Bahrom TOJIEV. "Yoz yomg'iri"	15
Farida AFRO'Z. Munojot (Turkum she'rlar)	16
Ro'zbi HOJIEVA. Dutor	19
Akram HOSHIMOV. Doni Zokirov va uyg'ur musiqasi	20
Shokir G'AFFOROV. Chorizmning aholini ko'chirish siyosati	21
Sayyora XOLMIRZAEVA. Yana Abdulla Qahhor hikoyalari haqida	22
Faridaxon SAIFNAZAROVA. Yoshlarimiz baxti	23
Qahramon TURSUNOV. Xalqaro madaniy hamkorlik	24
Saidaxbor BULATOV. Ustazoda	25
Dilafro'z QODIROVA. Oro-pardoz mo'jizasi	26
Meli NORMATOV. Ma'naviyatimiz jonkuyari	28
Muzaffar AHMEDOV. Dunyo taniyotgan iste'dod	29
Gulruh TOSHEVA. Sovchilik	32
Farida YahYOYEVA. Ota, onalik mas'uliyati	34
Rahmatilla SAMADOV. Doira zarblari	35
Gulnora ISMOILOVA. Xudoyorxon va general Jo'rabek	36
Numonjon O'RINBOEV. Mahalla - odob maktabi	37
Tilab MAHMUDOV. Pilla (Hikoya)	38
Feruz NODIROVA. Haqiqatga intilib	40
Ma'pura NABIEVA. "O'qituvchi o'qir ekan..."	42
Muzaffar MAMATQULOV. "Hibat ul haqoyiq"dagi haqiqatlar	44
Nilufar DADAJONOVA. Yangi o'zbek adabiyoti	45
Hafiz ABDUSAMATOV. Ezgulik shaydosi	46
Bahodir XUDOYBERGANOV. Qadr (Hikoya)	48
Jaloliddin RUMIY. Masnaviy (Davomi)	50
Kamola OQILOVA. An'anaviy gilamdo'zlik: o'tmish, bugun va kelajak	54
Turob IRISBOEV. "Shaytanat va milliy voqelik"	56
Nilufar SAYDALIXO'JAEVA. Yoshlarning huquqiy tarbiyasidagi ayrim mulohazalar	57
Sirojiddin AHMAD. Hokisoru... dili gulzor	58
Mahkam MAHMUD, Zokir QUTIBOEV. Xoja Ubaydullohning karomati	60
T.MIRZAAHMEDOV. Qovun payrovi	62
Salohiddin SIROJIDDINOV. Kasalxonadagi tomosha (Hajviya)	64

Muqovaning birinchi betida:

R.XUDOYBERGANOV. Sulton Abusaid Mirzo.

Mato, moybo'o'q, 1999 y.

«Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймайди».

Ислон **КАРИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, республикамиз танлаб олган тараққиёт йўли, Ўзбек модели жаҳонда эътироф этилди. Демократик кадриятларни ёшлар қалбига синдириш кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Кучли фуқаролик жамиятини қуришда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ягона мафкуранинг тазйиқида шакланган, маъмурий буйруқбозликка асосланган давлат бошқарув тизимининг тугатилиши ва халқимизнинг кадриятлари, бой тарихи, маданияти аъналарига таянган янги давлатчиликнинг қарор топиши ёшларнинг фуқаролик жамиятини мустақамлашдаги мавқеини янги босқичга кўтаришда кенг имкониятларни очиб берапти. Истиқлолимизнинг 10 йиллигини кенг байрам қилиш, Президентимиз

И.Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор гуруҳлари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқида баён этилган тарихий фикрлари, республика таълим тизимида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар»ни, мамлакатимиз Конституциясини ўрганиш юзасидан махсус курсларнинг ўқитилиши ёшларнинг мамлакатимизда қарор топётган нодавлат ташкилотлари ва жамоатчилик ҳаракатларининг ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва фуқаролар тотувлигини таъминлашда аҳамияти беқиёсдир.

XX аср охирида Ўзбекистон халқлари эришган ниҳоятда катта тарихий воқеа — Мустақиллик аҳолининг барча гуруҳлари билан бирга ёшларга ҳам ўз иродасини, хоҳиш-истакларини, орзу-умидларини эркин ифодалаш, сўз, эътиқод, уюшмалар эркинлигини тўла рўёбга чиқаришга «яшил чироқ»ларни очиб берди.

Мустақиллик йилларида давлат — жамият — фуқаро ўртасидаги ўзаро муносабатларни оқилона уйғунлаштириш давлатнинг бошқарувчилик функцияларини босқичма-босқич жамоат ташкилотлари ва ўзини-ўзи бошқариш органларига олиб беришнинг янги восита ва усуллари жорий қилинмоқда.

Нодавлат ижтимоий ташкилот ва ҳаракатларнинг асосий мақсадини жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини мувофиқлаштириш, уни энг мақбул йўналишга етаклаш ташкил этади. Жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари мамлакат Конституцияси ва қонунларига сўзсиз риоя қилган ҳолда мустақилликни мустақ-

камлашнинг барча соҳаларига доир ўзларининг муқобил дастурларини ишлаб чиқишга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 2500 га яқин нодавлат жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда хоҳиш, ирода, эътиқод, виждон, сўз эркинлиги, ижтимоий ҳаётнинг жамоат ташкилотлари асосида ривожланишининг конституциявий асосларининг яратилиши, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги (янги таҳрир) ҳужжатларнинг қабул қилиниши, Олий Мажлис таркибида демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва Ёшлар кўмиталари ташкил этилиши, жамоат ташкилотлари ва ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янги таҳрирининг тайёрланиши ҳамда Ижтимоий фикр жамоатчилик марказининг ташкил этилиши ҳам фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг мавқеини оширади.

Нодавлат жамоат ташкилотлари ва ижтимоий ҳаракатларсиз аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг ижтимоий манфаатларини тўлиқ ҳимоя қиладиган фуқаролик жамияти қуришни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. «Камолот», «Соғлом авлод», «Умид» ва «Улуғбек» жамғармалари, «Зулфия» ва «Нихол» мукофотлари, ёш ижодкорларнинг «Офарин» шиори билан ўтказиладиган кўрик-танловлари мустақилликнинг 10 йиллиги байрамини кенг нишонлаш муносабати билан талаба ёшларнинг «Мустақилликка менинг ҳиссам» каби ташаббуслари фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида ёшларнинг манфаатларини ифода этади.

Мустақилликнинг 10 йиллигини нишонлаш муносабати билан ёшларнинг жамоат ташкилотларидаги ўрни, мавқеини оширишнинг янги восита ҳамда усуллари юзага чиқишини ёдда тутиш даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракат ташаббускор гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида янги ташкилотни ижтимоий воқеа сифатида жинси, миллати, тили, дини, эътиқоди ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ёшларнинг манфаатларини баб-баравар ҳимоя қиладиган ижтимоий ҳаракат бўлиши эканлигини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз бошлиғи «Камолот» ташкилотини Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий ҳаракати сифатида ташкил этиш ва унга ҳеч қандай мафкуравий

Фуқаролик Жамияти ва ёшлар

Назар **ҲАКИМОВ**,
Алишер **РЎЗИЕВ**,
Қарши давлат университети



вазифалар юкламасликни таклиф қилди.

Ёшларнинг фуқаролик жамияти асосларининг янги шакллари қарор топишида уларнинг ижтимоий ташкилотлари ва ҳаракатларининг ўрни тўғрисида юртбошимиз яхши фикрлар айтган. Янги ташкилот «Давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларнинг ўй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур. Ёшларнинг фуқаролик жамиятини қарор топтиришда тўлақонли фаолият кўрсатиши давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъулиятини теран англаб олишларига, улар чиқарган қарорларнинг халқ манфаатларини ифода этиш даражасини юксалтиришга баракали таъсир кўрсатади».

Ёшларнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги фаолияти турли хил фикр, мулоҳаза, қарашлар, баҳс, мунозаралар, рўй бераётган воқеаларга янгича ёндошувлар асосида амалга ошади.

Шунинг билан бирга ташкилотлар ва фикрлар хилма-хиллиги, хоҳиш, ирода эркинлиги, демократик қадриятларнинг тобора кенг авж олиб

бориши, сиёсий тизимни эркинлаштириш жараёнларини бир томонлама тушунишга, уни суиистеъмол қилишга олиб келмаслиги керак. Ташкилотлар ва жамоалар, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигининг асосини юрт равнақи, Ватан ва эл келажаги ташкил этишини унутмаслик керак. Ёшларнинг фуқаролик жамияти асосларини барпо этишдаги ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар устуворлиги доирасида олиб борилиши зарур. Жамият сиёсий тизимини эркинлаштириш ва фуқароларнинг конституцион бурч ва мажбуриятларга бўйсунishi бир вақтнинг ўзида амал қилади. Бир-бирини ўзаро тақозо этади.


Юртбошимизнинг «Биз учун фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймайди» — деган сўзларини унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ваколатларини жамият ҳаракатлари ва ўзини-ўзи бошқариш органларига бос-

қичма-босқич топширилиш жараёни «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган шиор асосида олиб борилаяпти.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг «Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади» деб айтган доно сабоқларини доимо ёдда сақлаш лозим.

Президентимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор гуруҳи билан учрашувида ёшларнинг ўзини Ўзбекистон деб аталмиш ягона Ватаннинг фарзанди деб ҳис этиши, улар дунёда ягона ўзбек миллати бор, қашқадарёлик, хоразмлик, фарғоналик ўртасида миллий фарқ йўқ, уларнинг барчаси ўзбеклар деган гоёга қатъий амал қилган ҳолда яшашлари зарурлиги таъкидланди. Республикаимизнинг жанубий вилоятларида айрим сабабларга кўра ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва мажбуриятини мустақилликнинг яқин келажакдаги истиқболлари талаблари даражасига кўтаришда ҳалигача баъзи нуқсон ва камчиликлар борлиги айтилди. Давлат ҳаёти ва жамиятни эркинлаштириш истиқболлари ёшларга муносабат тизимини ислох қилиш ва фуқаролик жамиятини қуришдаги фаоллигида янги шакл ва воситалар юзага келаятигандан ҳамда уларнинг кундалик ҳаётимизга тобора кенг кириб бораётигандан далолат беради.





Расулжон НОСИРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

қаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир».

Миллий ғурур (ифтихор, фахрланиш) туйғусининг миллий истиқлол ғоясининг шаклланишига таъсири самарали ва кўп қирралидир. Ифтихор туйғуси кибру ҳаво, манманлик, такаббурлик каби тубан иллатлардан тубдан фарқ қилади. Бобокалон аллома Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида уни куйидагича таърифлайди: «Фахрланиш ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади».

Кўп ҳолларда одамлар муайян миллат вакиллари бўлишларидан фахрланадилар. Буни у ёки бу мил-

ва эъозлайди. Буюк аждодларимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби алломалар жаҳон илм-фани равнақиға беқиёс ҳисса қўшдилар. Ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғонийлар ўзларининг астрономия ва математика соҳаларида қўлга киритган оламшумул ютуқлари билан жаҳонга танилдилар. Кўпчилик олимларнинг эътироф этишича, X аср «Беруний даври» деб ҳисобланади. Шарқшунос олимлар Э.Заҳау ва В.Розеннинг таъкидлашларича, буюк алломанинг асарлари ва илмий тадқиқотларидан ҳозирги асрларга хос руҳият сезилиб туради. Аллома кузатувлар ва тажрибага таяниб, муҳим аҳамиятга молик илғор ғояларни илгари сурди. Куёш ва Ойнинг Ер-заминдаги ҳаётга таъсири, гидрогеология, иқлим, тақвим, модданинг сақланиши каби муаммоларни янги илмий метод ва тамойиллар кўмағида ҳал этишга эътибор

Миллий ғурур нима?

Мафкура ижтимоий онг тараққиётининг ўзига хос мураккаб маҳсулидир. У ижтимоий-тарихий жараённинг ҳосиласи сифатида муайян жамият равнақи ва инсон тажрибаси даражасини ўзида мужассамлаштиради. Жамият ҳаётида кишиларни бирлаштирадиган, истиқбол сари чорлайдиган, унга даъват қиладиган ғоялар, қарашлар, тамойиллар муштараклиги мавжуд. Бу маънавий муштараклик она-Ватанга, хурриятга, жаҳон халқлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашга, диёримизнинг келажағига комил ишонч билан боқишни шакллантиришга хизмат қилади.

Президентимиз И.А.Каримов «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобига ёзган сўзбошида айтганидек, ҳар бир фуқарони «ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу му-

латнинг фарзанди бўлиб туғилишнинг ўзи буюк мартаба экан, деб тушунмаслик лозим. Гап шундаки, ҳар бир миллатнинг қалб тўрида асраб-авайлаб келаётган, арзигудек хизматлари инсониятга, жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси кўз олдида гавдаланади. Улар ўзгалар мушқулини енгил қилганидан, халқлар, элатлар назарида юзлари ёруғ эканлигидан қувонадилар, ҳаётда учраб турадиган қайғу-алам, азоб-уқубатлар (ойнинг ярми ёруғ бўлса, ярми қоронғудир)ни унутгандек бўладилар, иқболлари баланд эканлигидан қаноат ҳосил қиладилар. Бундайларнинг руҳиятида, маънавий дунёсида қабоҳатга, адоватга, бузғунчиликка, ўзгаларга нисбатан кек сақлашга, гердайишга ўрин қолмайди. Бунёдкорлик, ўзидан яхши ном қолдиришга интилиш, сабр-қаноат, меҳр-оқибат, бошқаларга хайрихоҳлик туйғулари камол топади. Чунки фахрланиш инсоннинг ўз қадр-қимматини англаб олиш даражаси ва мартабасидир. Ўзлигини англаган инсонгина бошқаларнинг фазилатларини тушунади

қаратди. Одамлар яшайдиган манзилларнинг координатларининг, маъдан ва металллар солиштирма оғирлигининг аниқлиги даражаси, само ёритқичларининг ҳолатлари, табиий ва сунъий танланиш, ҳайвоният олами ва кишилар ҳаётида рўй берадиган ривожланиш аномалияси, геологик қатламларда содир бўладиган геотектоник силжишлар тўғрисидаги башоратлар Беруний тафаккурининг сержило қирраларидир.

Абу Али Ибн Сино эса олмон олими Ф.Ибервег томонидан «инсониятнинг энг биринчи буюк даҳоларидан бири» сифатида таърифланади.

Беруний ва Ибн Синога хос камолтни орзу қилишнинг ўзи инсон қалбини турли хил нопокликлардан халос қилади, уни эзгуликка, илм лаззатида бахраманд бўлишга чорлайди. Жаҳолат эса маърифатнинг заволидир. Интеллектуал ва ахлоқ-одоб бобида етук инсон маънавиятимиз сарчашмаларига хурмат-эҳтиром билан қарайди, миллий ғоямиз ва истиқлол мафкура-мизнинг илдизлари теран эканлигига ишонч ҳосил қилади. Бундай ки-

МАЪНАВИЯТ ВА ҚАДРИЯТ

шиларнинг имон-этикоди бутун бўлиб, «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» қақриқларга, енгил-елпи ақидапарастликка, мутаассибликка изчил мафкуравий иммунитет ҳимоя жавҳари ҳосил қилган бўлади, миллий манфаатларни кўзлаш, она-Ватан туйғуси, мавжуд маънавий ва моддий қадриятларимизни асраб-авайлаш, янгиларини бунёд этиш иштиёқи шаклланади, инсон ҳаёти барча неъматлардан улуг эканлигини чуқур ҳис қиладилар. Ғурури юксак инсон зулм ва адолатсизликни қоралайди, бағритош одамлардан нафратланади, эл-юртнинг фаровонлигини, тинчлигини таъминлашда фаол меҳнат қилишни ўзининг ягона бурчи ва мақсад-муддаоси деб билади.

Ўзбекистоннинг тараққиёт салоҳияти тўғрисида фикр юритилганда биринчи галда маънавий қадриятлари, интеллектуал бойликларидан мадад олиб ривож топаётган ҳозирги замон фани ва маданиятининг юксалиш даражасини кўз олдимизга келтирамиз.

Ўзбекистон олимлари илм-фаннинг соғлом аънаналарини муваффақиятли давом эттириб, жаҳон андозаси даражасига кўтарилдилар. Математикада эҳтимоллик назарияси ва математик статистика (Т.А.Саримсоқов, С.Х.Сирождидинов), физикада космик нурларнинг юмшоқ компонентлари ва электрон ядро куюнларининг кашф этилиши (У.О.Орифов, С.А.Азимов), аэродинамик механика соҳасида «Рахматуллин тўлқинлари» назариясининг яратилиши (Х.А.Рахматуллин) она-Ватанимизнинг шухратини оширди. Бундан ташқари, энергетика (М.З.Ҳамидхонов, Х.Ф.Фозилов), геофизика (Х.М.Абдуллаев, О.М.Акрамхўжаев, И.Х.Ҳамробоёв), кимё (М.А.Азизов, С.Ю.Юнусов, Х.Р.Русамов) ва бошқа соҳаларда ҳам муҳим илмий аҳамиятга молик кашфиётлар қилиндики, улардан ҳар биримиз қонуний тарзда фахрланамиз.

Хуллас, халқнинг миллий ғурури жамиятда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ислохотлар йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, элим, юртим деб ёниб-елиб яшайдиган баркамол инсонни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга молик эканлиги шубҳасиздир.

Миллий қадриятлар ва маданий мерос ҳақида гап юритишдан аввал «қадрият» ва «маънавият» категорияларининг моҳияти тўғрисида тўхталиб ўтиш мантиққа мувофиқдир. Охирги вақтларда ижтимоий фанларда юқоридаги атамалардан кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари мураккаб мазмунли тушунчалардан илмий тадқиқотлар соҳасида фойдаланишда айрим қийинчиликларга ҳам дуч келинмоқда. «Миллат», «ҳиссиёт», «ижтимоий ва миллий онг», «миллий ўз-ўзини англаш», «миллий маънавият», «миллий қадриятлар», «миллий мафкура» каби тушунчалар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, жамият тараққиёти жараёнида шаклланган ҳар қандай ижтимоий, моддий, маънавий нарса ёки ҳодиса ўтмишда ижобий аҳамият касб этгани учунгина эмас, балки келажак истиқболи учун янги имкониятлар яратиб беришга қодир бўлганлиги сабабли ҳам қадрият деб аталади. Бошқача айтганда, қадриятлар жамият ва маънавий тараққиётнинг зарурий маҳсулидир.

Қадриятларнинг моҳиятини тушунишда ҳар бир тарихий даврнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ривожланиш даражаси, имконият ва эҳтиёжларини ҳам билмоқ зарур.

Қадрият тушунчаси умуминсоний аҳамият касб этганига қарамай, ҳар бир ижтимоий тоифа, миллат, халқ эътиборига хос мезон ҳамдир. Айтиш мумкинки, умуминсоний қадриятлар жаҳондаги барча миллат ва элатлар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг ижобий элементлари йиғиндисидан ташкил топади. Умуминсоний қадриятларнинг ноёблиги ва гўзаллиги ҳам шунда. Инсоният тараққиёти, унинг жамият равнақи — ривожланишининг юқори поғоналарига кўтарилиши жамият вужудга келтирган қадриятлар билан белгиланади. Қадрият деганда биз ушбу инсонлар бирлиги ёки бутун инсоният учун маълум бир қийматга, баҳога, аҳамиятга молик ҳодисани тушунаемиз. Инсоният ўзининг кўп минг йиллик тарихи жараёнида юзага келтирган ижобий нарсаларнинг ҳаммаси асл маъноси билан қадриятлардир. Умуминсоний ва умуммиллий қадриятлар — жамият ёки инсоният ҳаётида, уларнинг ривожланишида алоҳида ўрин тутадиган моддий ва маънавий маданият ютуқларидир.

Қадрият оламини ўрганиш орқали уни ўзгартиришга ҳаракат қиладиган

субъект билан объектив реалликнинг ўзаро алоқа ва бир-бирига таъсири жараёнида намоён бўлади. Қадриятнинг вужудга келиш манбаи меҳнатдир. Инсон интеллектуал ва жисмоний меҳнати орқали такомиллашибгина қолмай, улғайишини рағбатлантирувчи қадриятларни ҳам шакллантириб боради.

Қадрият ҳамма вақт ижобий моҳиятга эга бўлган тушунчадир. Шу сабабли уни инсонлар ардоқлайди, эҳтиёт қилишиб, авлоддан-авлодга ворисликка беради.

Айрим тадқиқотчилар томонидан қадрият ва маданий меросни бир маънода ишлатиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шу боис, кўпчилик тафаккурдан қадрият идеал тушунча сифатида ўрин олган. Мерос ва қадрият категориялари мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин, узвий алоқада бўлишига қарамай, улар бир хил маънони англамайди. Қадрият инсоннинг ёки айрим миллатнинг тараққиётида ижобий роль ўйнаган ва ҳозир ҳам ўзининг шундай имкониятини сақлаб келган ижтимоий ҳодисадир. Қайд қилиш лозимки, мерос ҳам ижобий, ҳам салбий ҳодисаларни ўз ичига олади. Қалин тўлаб келин тушириш, паранжи ёпиниш одати ўтмишдан қолган меросдир. Лекин бу одатларни қадрият деб бўлмайди. Мерос ҳозирги кунда ва келажакда тараққиётга ижобий таъсир этгандагина қадрият бўла олади, қолаверса, қадрият фақат ўтмишдан қолган меросгина бўлмай, бугунги янги имконият ва шароитлар асосида шаклланаётган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳодисалар ҳам қадрият ҳисобланади. Мустақиллик мерос эмас, балки ҳозирги кунда шаклланган қадриятдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қадрият инсоннинг меҳнати, тафаккури, ақл-заковати маҳсулидир. Барча миллат ва элатлар ўзларининг ақлий ва жисмоний меҳнатлари билан манфаат ва эҳтиёжларига мос келадиган моддий ва маънавий қадрият мезонларини яратишади. Қайд қилиш ўринлики, қадриятнинг шаклланиши мураккаб ва зиддиятли жараён бўлиб, диалектика қонунарига бўйсунди.

Қадрият инсонларнинг маънавий ва моддий эҳтиёжини қондириши, такомиллашуви, келажак авлоднинг ижобий ўсишини рағбатлантириш мақсадида яратилган моддий ва маънавий бойликлардир.

Аслиддин
ПҲЛАТОВ.

Истиқлол мафкураси ва фалсафий мерос

Буюк тарихга эга бўлган халқимиз барча тарихий синовларни мустақам бардош билан енгиб ўтиб, аср сўнггида ўзининг асрий орзуига эришди. Бунинг тарихий ҳақиқат эканлиги шундан иборатки, халқимизнинг қалби, онги, руҳияти, ҳаёти ва ижодиётида миллий ўзликни англаш ва эъозлаш, миллий ғурур, миллий бағрикенглик доимо яшаб келган ва уни камолотга етаклаб борган. «Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолизмнинг олтин пойдеворидир, — дейди И.А.Каримов. — Бу пойдеворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб зотлар асос солганлар».

Бугунги кунда миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоя масаласини бутун жамият миқёсига кўтарилиши ижтимоий зарурият ва тарихий қонуниятдир. Бу концепциянинг назарий-методологик асослари, ҳаётга татбиқ этишнинг устувор йўналишлари Президентимиз асарларида, нутқ ва мулоҳазаларида асослаб берилган. Уларда халқимизнинг онги ва қалбига сингиб борувчи маънавий эҳтиёжи ва фаолиятининг асосига айланадиган миллий истиқлол ғояси XXI аср тараққиётининг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи эканлиги кўрсатиб берилган.

Ватанимиз тараққиётининг бугуни ва келажиги, озод ва обод Ватан, эркин ҳаёт ва фаровон турмушга муносиб баркамол авлодни тарбиялаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш — буларнинг барчаси миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоя билан бевосита боғлиқ. «Ҳеч қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди, — деб кўрсатди И.А.Каримов. — Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар, уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади». Дарҳақиқат, халқимизнинг миллий ғояси чуқур тари-

хий илдизлар, жаҳонни ҳайратга солган фани, маданияти ва фалсафий тафаккури билан боғлиқ жараёнлардан бошланади десак, тўғри бўлади.

Буларнинг орасида буюк аждодларимизнинг фалсафий мероси-тафаккур мактаби миллий онг ва миллий ғоянинг маънавий асосидир. Шунинг учун, бежиз эмаски, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли китобда «Мафкуранинг фалсафий илдизлари ҳақида фикр юритганда унинг барча илмларнинг отаси бўлган фалсафа фани хулосаларига асосланиш назарда тutilади», деб таъкидланган.

Миллий ғоянинг фалсафий илдизларини ўрганиш, биринчи навбатда фалсафий меросни чуқур ва атрофлича таҳлил этишни талаб қилади. Фалсафий меросга таянган ҳолда миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғояни тиклаш уни халқ, миллат руҳияти, қалби ва онгига бевосита яқин қилишга кенг имконият беради. Фалсафий мерос диний ва дунёвий таълимотларни ўзаро мужассамлашиб, жамият ва инсон камолоти учун мустақам маънавий замин тайёрлайди. «Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади, — дейилади юқоридаги китобда, — бунга башариёт тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотурудий ва Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий сингари буюк заковат соҳиблари яшаб фаолият кўрсатган даврлар ёрқин мисол бўла олади».

Шарқ фалсафасига энг аввало инсон камолотини улуғлаш хосдир. Инсон камолоти мавзуи ўзининг бутун ботиний ва зоҳирий гўзаллиги билан тараннум этилади. Буюк файласуф Абу Наср Форобий фозил жамият ва комил инсон ҳақида, уни баркамолликка эришиш йўллари ҳақида кўп ва хўб фикрларни баён қилгани маълум. Форобий илм-заковатли одамни миллатнинг олдинги кишиси деб билган. «Файласуфнинг хулқ-атвори, ахлоқи ҳам ўз касбига лойиқ бўлиши керак, — дейди буюк мутафаккир, — шунингдек,

ўз халқининг раъйини ва ўз халқида бўлган энг яхши урф-одатларни қаттиқ тутган бўлиши керак». Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синолар ўз асарларида халқимизга хос олижаноб фазилатларни улуғлаб ёзганлар. Инсонийлик ва эзгулик бу фазилатларнинг асосийси маънавий оламнинг қуёши эканлигини уқтирганлар. Инсонийлик халқни улуғлаш билан бирга, бошқа халқлар билан биргаликда, тинч-тотув, фаровон яшашни ҳам таъминлайди, деб уқтиради улар. «Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, — дейди Форобий, — шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим». Ғоят долзарб ва муқаддас бу сўзлар бугунги кунда ҳам, миллий ғоянинг энг муҳим тамойилини — миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик ғоясини яққол ифодалайди. Дарҳақиқат миллий ғоянинг инсонийлик моҳияти бир ўлкада, Ватанда яшаётган турли халқлар ва миллатларнинг ўзаро дўстлигини, тинч ҳаётини таъминлашдан иборатдир.

Демак, узоқ тарихий жараёнлар замирида шаклландиган миллий ғоя ҳамма тарихий босқичларда халқни, миллатни руҳий уйғоқликка, бедорликка ундаб келган, миллатни бирлаштирувчи, миллий бағрикенгликка чорловчи бир байроқдир. Қайси миллатда миллий онг, миллий руҳ, миллий ғурур, миллий ғоя кучли бўлса у ерда Ватан туйғуси, ватандошлик ҳисси кучли бўлган, она ер улуғланган, унинг озодлиги учун кураш кучли бўлган. Ватанпарварлик ва бағрикенглик, ҳақиқат ва адолат, тўғрилиқ ва эзгулик фалсафий меросимизнинг ноёб хусусияти, мутафаккирларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб келган.

Хуллас, фалсафий меросимиз миллий истиқлол ғоясини ривожлантиришда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шаҳобиддин ХОЛМАТОВ,
фалсафа фанлари номзоди,
Фарғона Кооператив тижорат
коллежи директори



Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши экология муаммоларини ҳал қилиш, инсоннинг табиатга бўлган муносабатларини янги босқичга кўтариш имконини берди.

Экологик аҳволни соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа омилларга боғлиқ. Улар орасида экологик таълим ва тарбиянинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Ҳозирги кунда ғоят катта эҳтиёж бўлишига қарамадан, умумлашган экологик билим берадиган махсус дастур йўқ. Ҳозирча мавжуд аънавий таълим-тарбия тизимида ёшларнинг экологик маданиятини ривожлантириш вазибаларига (маънавий-руҳий, ҳуқуқий, касбий, бадий-нафосат, ахлоқий ва бошқаларга) мустақил ёндошиб келдик. Натижада, экология соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишимизда бир бутунликка, узлуксизликка эриша олмадик, шахс тарбиясида бугун ечилиши зарур бўлган қатор долзарб муаммолар юзга келди.

Талаба-ёшлар экологик маданиятини шаклланишида субъектив омиллар — оила, маҳалла, узлуксиз таълим турлари (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, мактабдан ташқари таълим ва бошқалар), меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, маданий-маърифий уюшмалар ҳамкорлигида тарбиявий ишларнинг таъсирини орттиришга эришиш учун методологик асос зарур.

Бу масалада, биринчидан, талаба-ёшлар экологик маданиятини шакллантиришда, ривожлантиришда таъ-

Шабнат ва мисол

лим-тарбия соҳалари ва даражаларининг ўзаро узвий боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, уларни комплекс-системали ташкил этиш учун асосий эътиборни қуйидагиларга қаратиш лозимдир: 1) экологик таълим-тарбия йўналишини, вазифасини ва мақсадини аниқлаб олиш; 2) экологик таълим-тарбия жараёнининг босқичларига, хусусиятларига дифференциал ёндошиб, нисбатан турғун дастурлар яратиш; 3) экологик таълим-тарбиянинг ҳар бир босқичига мос келадиган усуллар ва воситаларини танлаш; 4) таълим-тарбия йўналишларининг экологик мақсад доирасига интеграциялашувини таъминлаш механизмларини яратиш; 5) ўқитувчининг экологик таълим-тарбия жараёнида турли хил методларни қўлай олиши имкониятига, ҳар бир таълим-тарбия йўналишига, босқичга мос усулни танлаб олишга, таълим-тарбия жараёнида қўлланилаётган усуллар индивидуаллиги ва комплекслиги катта аҳамиятга эга; 6) таълим-тарбия соҳасини экологик талаблар асосида ислоҳ қилиш ва унинг ҳар бир йўналишига, босқичига ўзига жор ёндошув асосида бу жараёни моделлаштириш мумкин бўлади.

Иккинчидан, таълим-тарбия жараёнини янги замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиб, жом андозалари талабларига мос методологияга асосан ривожлантириш учун: 1) дарснинг экологик илмий-назарий даражасини юксалтириш; 2) дарснинг педагогик-дидактик даражасини ошириш; 3) дарс жараёнида кўргазмалар, куроллар, техник воситалар ва компьютерни қўллаш даражасини ошириш; 4) дарсни жонли мулоқот шаклида ташкил этиб, талабаларнинг мустақил экологик ижодий тафаккурини, эркин фикрлашини ривожлантириш; 5) дарс жараёнида тест, мисол ва масалалар, бошқотирмалар, амалий иш ўйинларини кенг қўллаш.

Учинчидан, экологик таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий-маданий кадрларнинг устуворлигига эришиш учун: 1) тур-

ли мавзуларда давра суҳбатлари, семинар-мулоқотлар, реферат танловлари, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш; 2) талабалар даврасига ижодкорларни, фан ва санъат арбобларини, Олий Мажлис ноибларини, ҳуқуқ-тартибот органлари масъул ходимларини, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасининг кўзга кўринган намоёндаларини, маҳалла фуқаролар йиғини вакилларини мунтазам равишда таклиф этиш; 3) театр, музей, юртимизнинг диққатга сазовор тарихий обидалари ва табиат қўнига саёҳатлар уюштириш; 4) талабаларнинг мутахассислик соҳалари бўйича корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар билан амалий экологик ҳамкорлигини йўлга қўйиш; 5) халқимизнинг тарихан бой маънавий-маданий экологик меросининг илғор-ижобий халқ педагогикаси аъналаридан самарали фойдаланиш; 6) экологик таълим-тарбия жараёнида мустақиллик тафаккурини, мантиқий фикрлашни ривожлантириш орқали шахснинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва шу қабилида.

Бу борада олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан, дарсдан ташқари вақтларда олиб бориладиган маънавий-маърифий-тарбиявий ишлар савиясини ошириш билан талаба-ёшларда: 1) ўз халқининг экологик тарихини билиш; 2) буюк ўтмишдошларининг экологик хизматларини англаб етиш; 3) мустақилликнинг экология хавфсизлигини таъминлаш масъулиятини англаш; 4) юксак экологик ахлоқий сифатларни қарор топтириш; 5) миллий экологик удумларга, кадрларга ҳурмат; 6) экологик ҳуқуқий маданият ва тафаккурни шакллантиришдек мақсадларга қаратилмоғи лозим. Юқорида санаб ўтилган йўналишларни ўзида қамраб олган экологик тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, ҳаётга кенг татбиқ этиш таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Басириддин КАРИМОВ,
ТМИ «Ўзбекистон тарихи»
кафедраси доценти.



Комил инсон ғояси — ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.

Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ таназзулга маҳкумдир. «Юксак фазилатли, комил инсонларни тарбиялаш миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир», дейди Президент И.Каримов.

Юртбошимиз «Миллий мафкура келажак пойдеворидир» деган нутқидида «Келажакимиз пойдевори бўлган миллий мафкура давлат мафкураси эмас, балки комил инсонни шакллантиришга хизмат қилувчи мафкура бўлмоғи керак», деб таъкидлайди.

Чунки комил инсон ўзида миллий аъёналар, қадриятлар, юксак маънавий фазилатларни мужассам этган бўлади. Ҳар томонлама етук, баркамол инсон мустақил, келажаги буюк давлатнинг пойдеворини қура олади. Жаҳон психологияси фанида шахс тўғрисида ўнлаб назариялар, қарашлар, ёндошувлар мавжуд бўлишига қарамай, инсон камолоти юзасидан ҳанузгача бир фикрга келинганича йўқ. Худди шу боис психологияда шахсга оид бир қатор терминлар, тушунчалар, атамалар қўлланилиши аъёна тусига кирган, жумладан, шахс, одам, инсон, киши, субъект, индивид, индивидуаллик, комил инсон, шунингдек, унга тааллуқли руҳият типи, типологик хусусиятлар шулар жумласидандир. Шахснинг камол топиш босқичларини қуйидаги даврларга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ: муртақлик (эмбрионал), одам (индивид), инсон, шахс, субъект, комил инсон. Шахснинг камолоти муртақлик давридан бошланади. Вужуд ва ақлнинг соғломлиги, табиий эҳтиёжлар меъёрида қондирилиши жисмо-

КОМИЛ ИНСОН ОРЗУСИ

ний ўсишнинг жадал бориши учун пухта негиз юзага келтиради, бинобарин, комилликка дастлабки асос солинади. Ҳомилалик босқичи бўлғуси шахс учун муҳим аҳамият касб этиб, жисмоний баркамолликнинг, нерв системаси, бош мия катта шарлари, ҳиссий билиш, тана аъзолари пайдо бўлишининг ва ўсишининг манбаи вазифасини бажаради. Шахс камолотининг навбатдаги босқичи одам (индивидлик даври) туғилгандан то унда нутқ пайдо бўлгунга қадар вақт бирлигини қамраб олади. Мазкур даврда шахслараро муносабатга киришиш, микро ва макро муҳит хусусиятлари ҳамда ҳолатларига боланинг шахсий реакцияси, улардаги ўхшашлик ва фарқни ажрата билиш унинг ўсишини билдиради. Инсонлик даврида ўзини ўзи англашдан бошланиб, жисмоний, ақлий ва ижтимоий камолотга эришув жараёни билан тугалланади. Ушбу давр инсоний хислатларни этник гуруҳ аъзоси сифатида мукамал эгаллаш билан бошқа тараққиёт паллаларидан ажралиб туради. Бу даврда миллий урф-одатларга, хулқ-атвор қридаларига, муомала мароми, ижтимоий қадриятларни эгаллаш, ўйин ҳамда фаолиятнинг бошқа турларини ўзлаштириш негизда миллий ва умумбашарий фазилатлар, индивидуал-типологик хусусиятлар шаклланади. Шахс камолотининг навбатдаги даври ўсмирлик палласидир. Ўсмирлик даврида инсонга берилган табиий имкониятлар рўёбга чиқади, ижтимоийлашув, жисмоний ўсиш жадаллашади, натижада етукликка пухта шарт-шароитлар яратади. Табиатга, жамиятга ва шахслараро муносабатга нисбатан шахсий позиция вужудга келади. Бунинг натижасида мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш, хулқ-атвор ва фаолиятни амалга ошириш имконияти тугилади. Бу ҳолат-инсоний фазилатлар, хислатлар, сифатлар ва хусусиятлар таркиб топиши ёки топмаслиги муҳимдир. Инсон камолотининг шахс даври етукликнинг муайян босқичи ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётда алоҳида аҳамият касб этади. Шахс даври бир неча тараққиёт босқичларини акс эттириб, ўспиринлик ва ёшликни қамраб олади.

Шахснинг ижтимоий хислатлари субъектнинг салбий ёки ижобийлигини билдиради. Бу тафовутлар қуйидагиларда намоён бўлади: хулқ-атворда, фаолиятда, муомалада мустақиллик устуворлигида; ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида

шахсий мавқега эгаликда; илғор инсонпарварлик ғояларини илғари суриш ва оригиналлиги, ностандартлиги, инновацион эканлиги билан ажралиб туришликда; ғояларни қарор топтиришда объектив ва субъектив тўсиқларни енгишда. Субъектнинг энг муҳим кўрсаткичи — бу профессионализмга эришув ва ижтимоий-сиёсий, ғоявий етукликни намоиш қилишидир. Бу етук инсонликнинг асосий даври бўлиб, бундай камолотга эришган субъектлар номдор мутахассислар, фан ва техника, жамоат арбоблари, ижодий-тарихий фикрловчилар, адолатли сиёсатчилар, давлат раҳбарлари сифатида фаолият кўрсатадилар. Шунинг учун ушбу вазият оммавийлигига эришиш жамият тараққиётини тезлаштириб, фидойи, толиқмас кишилар сафини кенгайтиришга хизмат қилади. Миллатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, ахлоқий қиёфаси кўп жиҳатдан етук инсонларнинг дунёқараши, билимдонлик савиясига боғлиқдир. Ҳозирги замон психологиясида комил инсон муаммосининг ўрганилиши, таҳлил қилиниши бевосита миллий мафкурани кишилар онгида шакллантириш муаммоси билан боғлиқдир. Шахс камолоти қонуниятларини билмай туриб, унинг онгига ва қалбига миллий ғоя, миллий мафкура, миллий урф-одатлар, қадриятлар, аъёналарни сингдириб бўлмайди деб ўйлаймиз. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам, «Миллий мафкура — келажак пойдевори» мавзусига бағишланган учрашув, суҳбатларда ҳам, Президентимиз комил, ҳар томонлама етук, мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш энг долзарб масала эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Шахс камолотининг тараққиёт босқичларини билиш, ўрганиш оила, боғча, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий таълим, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини, у ерда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятини таъминлайди. Миллий ғоя, миллий мафкура етук комил инсонларни вояга етказиши учун яхши ният, эзгу сўз, яхши амалиёт — феъл мусаффолиги бирлиги-га эришиш зарур.

Раъно АСОМОВА,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти катта ўқитувчиси

Табииyki, ҳар бир киши фақат бошқаларнинг тарихий ва оламшумул хизматларини билиш билан чекланишни истамайди, ўз аждодларининг бу борадаги улушларини ҳам билгиси келади. Балки, деймиз ҳар биримиз, ўтмишимизни безатиб турган улуғ инсонлар қаторида менинг ҳам аждодим бўлгандир? Балки, менинг аждодларимнинг ҳам миллатимиз, юртимиз, Ватанимиз учун арзирли меҳнатлари синггандир? Бундай тафсилотлар қанчалик кўп юзага чиқарилса, қанчалик кўпаникланса, шу даражада кўпроқ миллатимизга, юр-

Кўчқор ХОНАЗАРОВ

Бизга шажара керакми?

тимизга, Ватанимизга тегишли тарихий маълумотлар маълум бўлади, бизнинг Ватанимиз тўғрисидаги билимлар кўпаяди. Иккинчидан эса, ҳар биримизда ўз тарихий илдиэларимизни билиш, аждодларимиз билан ғурурланиш ҳиссини кўтаради ва мустақамлайди, ўз аждодларимиз хотирасига арзирли хизмат қилиб, уларнинг номини янада улуглашга интилиш каби ички бунёдкор кучни юзага келтиради.

Биз ҳар бир фуқароимизни шундай тарбиялайликки, у фақат миллати билангина мағрурланиб қолмасин, балки шу миллатга мансуб ўз аждодлари билан ҳам мағрурлансин. Афсуски, бу борада очилмаган кўриқ мавжуд, десак янглишмаймиз. Истибдод мафқураси умуман ўтмишни синчиклаб ўрганишни хуш кўрмас эди. Тарихни ёритиш ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат қилмоғи зарур эди ва шу сабабдан тарихчилар фақат унга хизмат қилсагина маъқулланарди. Ана шу боисдан, масалан, асримизнинг 60-йилларида яратилган тўрт жилдли «Ўзбекистон халқлари тарихи» асарининг тўрт жилдидан учтаси чоризм Ўрта Осиёни забт этгандан кейин ўтган 100 йилга бағишланган ва фақатгина биринчи жилди 1865 йилгача бўлиб ўтган уч минг йиллик тарихимизга ажратилган эди. Чунки, дейиларди у даврда, Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан, ўзбекларнинг ҳақиқий

тарихи бу ўлка Россияга қўшиб олингандан кейин бошланади. Биз шажарамизни тиклаб, аниқлашга ботинмасдик, зероки аждодларимиз орасида бирор савдогарми, руҳонийми, юзбошими чиқиб қолгудек бўлса, ўз бошимизга ўзимиз галва орттирардик ва зотимизда «эксплуататор» ва «ёт унсур» бўлгани учун не балоларга қолган бўлардик.

Тарихимизнинг бақувват, асрларни бир-бирига улаб турган минглаб-миллионлаб алоқаларининг ҳар бири ҳар биримизнинг шажарамиз эканлигини англаб олайлик.

Шажаралар, сулолалар ва силсилалар билан шуғулланиш оддий иш эмас. Бу муаммоларни ўрганадиган қатор махсус фанлар бўлиб, улар жаҳон фанида «генеалогия» деган ном билан юритилади.

Мустақиллик шарофати билан биз ҳам бу муҳим масала билан шуғуллана бошладик. Тарихчиларимиз орасидан шажарашунос, сулолашунос ва насабшунос олимлар етишиб чиқмоғи давр талабидир. Бу борада оз бўлса-да ўрнак ва ибрат бўларли ишлар мавжуд. Мен биринчи навбатда Ватанимизнинг атоқли олимларидан бири, файласуф Омонулла Файзуллаевни кўзда тутаман. Кунлардан бир кун бу инсон мен билан суҳбатда «Мен ҳаётимдаги асосий вазифамни бажариб бўлдим. Шу билан фахрланаман» дедилар. «Бу фикрингизни қандай тушунса бўлади?» дедим. «Мен, — деди Омонулла, — аждодларимиздан ўтган ва асрлар давомида авлоддан-авлодга топширилган шажарамизни «Фан ва турмуш» ва «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналларида чоп эттиришга муваффақ бўлдим. Мен елкамдаги оғир юкни тегишли ва жиддий жойга топширдим. Энди бу нарса илмий журналларимиз орқали тарих фанида ёзилиб қолди». Омонулла Файзуллаев аждодларининг шажара дарахтини белгилаб берувчи бу муҳим аҳамиятга эга ҳужжат 1991 йилда «Фан ва турмуш» журналининг 10-сонидан чоп этилган. Омонулла Файзуллаев ёзишича, унинг аждод-авлодлари яшаб ўтган давр 44 поғона ва ҳозир яшаб турган 45-46-47 авлодлардан иборат бўлиб, шажаранинг бошчиси Сайид Султон Бақриддин буюк бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмий замондошидир. «Ҳа, бир инсоннинг фарзандлари 1200 йил яшамокда» деб ёзади мағрурона муаллиф. Бу сулоланинг 1200 йил давомида юртимизга, халқимизга нақадар катта меҳнат қилиб берганлиги ҳақида ёзиш алоҳида мавзудир. Лекин, сўз орасида айтиб ўтайликки, бизнинг

замондошларимиз шоир Хислат (1880-1945), атоқли олим, манбашунос Ҳамид Сулаймон (1910-1976) бу сулоланинг вакиллари.

Юқоридаги фикрларни ўқиб, баъзи журналхонлар, «Ҳа, биз Омонулла Файзуллаев бўлолмаймиз. Биз фақат буваимиз билан бувимизни билламитиз, холос» дейишлари ва шу сабабли бизнинг таклифларга бефарқ қарашлари мумкин. Менингча, бундай хулоса билан чекланишга зинҳор йўл қўймайлик. Ўзбек халқининг ҳозирги аҳволининг ўзига хос томони шундан иборатки, бир томондан биз уч минг йиллик тарихимизни ўрганиб, тикламоқдамиз, ва иккинчидан эса, тарихимизда биринчи мартаба ўзимизнинг мустақил миллий давлатимизни яратиб, ўз ҳаётимизнинг янги зарлавлари саҳифасини ёза бошладик. Биз ўзимиз ўз шажарамизнинг бошловчиси, асосчиси бўлайлик! Ким бундай олижаноб ишни бажаришни бизга таъқиқлайди?! Аждодларимиз орасида минглаб миришкор боғбонлар, забардаст кетмончи деҳқонлар, тенги йўқ қосиблар, усталар, қурувчилар, чорвадорлар ҳақида Қашкар, Ёрқент, Фулча, Урумчи, Тўқмоқ, Хирот, Марв, Ашхобод, Оқ Мачит, Авлиё ота, Оренбург ва бошқа юртлар билан тижорат қилган тадбиркор савдогарлар тўғрисида Самарқанд, Бухоро, Хива, Ҳўқанд ва бошқа шаҳарларда бунёдкорлик билан шуғулланган ўнлаб, юзлаб меъморлар, шоирлар, хаттотларга тегишли бебаҳо маълумотлар ўз ўзидан йиғилиб, ҳар биримизнинг ўзимиз, зотимиз, аждод-авлодларимиз тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларимизни бойитади, ўтмишимиз ва ҳозирги ҳаётимиз ҳақида тарихчилар ихтиёрига ҳақиқий олтин хазина яратиб беради.

Мен ишонаманки, яхшилаб ўйлаб кўрсак, ҳар биримиз, шажарамизни тузарканмиз, айна вақтда, тарих ҳақиқати ҳам катта ва сўнмас хизмат қилиб берамиз.

Бу бурчни бажаришнинг бир шарт бор: шажарани ишлаш, аниқлаш умумдавлат, умуммиллий вазифаларни бажаришга ва биринчи навбатда ўзбек миллатини жипслашга, давлатимиздаги барқарорликни мустақамлашга хизмат қилиши керак. Орамизда «менинг шажарам ундай-бундай» деб ўзича гердайдиган, ҳар қадамда «таги»ни, насл-насабини эслатиб турадиган ва ҳар бир вазиятда ўз «уруги» вакилини тикиштирадиганлар оз эмас. Шажаранинг, сулоланинг, насл-насабнинг асл баҳоси, асл қиммати уларнинг миллат бирлигига, жамият тараққиётига хизмат қилишидадир.

Буюк файласуф Форобий «Хар бир инсон ўз табиатига кўра шундай яратилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоғи учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж тугилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди», — деб ёзади.

Бугунги кунда, илмий тилда ушбу

ларни вақт уйдирмадан иборат эканлигини кўрсатди.

«Совет халқи» деган социал бирликни яратмоқчи бўлганларнинг ҳам асосий мақсади, бошқа миллат ва элатларнинг миллий қиёфасини йўқотиб, уларни руслаштиришни назарда тутишган эди.

Бунинг учун эса давлат сиёсати «интернационализм» ниқоби остида қуйидагиларни амалга ошириб улгурилган эди: хом ашё ва малакали иш кучи йўқ жойга улкан корхоналар қуриш бу ҳудудларга ҳукрон миллат вакиллари кўплаб кўчириб бориб ўрнаштириш орқали, Бир мисол: Латвия республикасида 1940 йилда латишлар умумий аҳолининг 95 фои-

ёқлама ёритиш ва ўтмишнинг фақат қора томонларини бўрттириш авж олиб кетди; халқларнинг миллий қадриятлари ва урф-одатларининг кўпчилиги эскилик саркити сифатида баҳоланиб таъқиқлаб қўйилган эди. Қонунларда эътиқод эркинлиги мавжуд дейилган бўлса-да, амалда улар чеклаб қўйилган эди; собиқ Иттифоқда яшовчи кўпгина халқлар миллий давлатчилик шаклига эга бўла олмаганлар. Айрим халқлар ўзларининг аънавий яшаш жойларидан бошқа минтақаларга мажбуран кўчириб юборилган.

Қалмоқлар, қорачойлар, болқорлар, месхети турклар, немислар, чеченлар, ингушлар, қрим татарлар, греклар, курдлар бошига ана шундай қисмат тушди.

Миллий манфаатларни писанд қилмаслик, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усули, иқтисодиёт ва мафкура соҳасида йўл қўйилган кўпол хатолар миллий масаладаги муам-

Миллий

жамоаларни белгилари, катта-кичиклигига қараб, уруғ, қабила, элат ва миллат каби кишилар умумийлигининг тарихий шаклларига ажратамиз.

Тирикчилик ташвиши ва ташқи душманлардан сақланиш истаги бир ота-онадан тарқалган қон-қардошларнинг бирлашуви оқибатида шакланган жамоа уруғ дейилади. Бир неча қондош, тилдош уруғларнинг уюшмасидан эса қабила шакланган. Элат эса тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган қабилалар иттифоқидан таркиб топган бирлики билдиради. Миллат кенг тушунча бўлиб, кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий, турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги демакдир. Миллат бир неча элатлар ва қабилалар уюшмасидан таркиб топади. Масалан, ўзбек миллатининг шаклланишида 92 та туркий қабилалар замин бўлганлигини эслаш kifofa.

Тил — миллат кўзгуси, маънавиятнинг бирламчи асоси. Тил халқ сиймоси билан сайқал топади, илм-фан даҳолари эса ўз асарлари билан тилнинг бойлиги, бетақорлиги ва гўзаллигини бойитиб, унга янгича руҳ ва мазмун ато этади.

Ўрта Осиё қадимдан кўп миллатли бўлиб шакланганлиги билан ажралиб туради. Унинг бой табиати, унумдор ерлари, қулай иқлим шароити турли халқлар ва элатларни ўзига жалб қилиб турган. Турли даврларда бу ерларга келган миллий гуруҳлар вақт ўтиши билан маҳаллий халқ таркибига сингиб, унинг миқдорини ошириб борган. Собиқ Шўролар давлатида миллатлар синфий белгилар асосида бўлиб ташлангани, ҳар бир миллатда икки миллат, ҳар бир маданиятда икки хил маданият бор деган назария-

зани ташкил этган бўлсалар, 1988 йили бу рақам 49 фоизга тушиб қолган эди. Бу хавфдан ташвишга тушган латишлар собиқ Иттифоқ таркибидан биринчилардан бўлиб, парламент йўли орқали миллий мустақилликка эришдилар.

Ҳудудларни бир-бирига иқтисодий қарам қилиш орқали. Бунда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун унинг бир қисми бошқа республикада, иккинчиси бошқа республикада тайёрланарди. Мақсад ҳудудларни бир-бирига шундай боғлаш керак эдики, улар бир-бирларисиз мустақил кун кўра билмасин; аўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, ҳудудларни саноатлаштириш оқибатида курама аҳолини юзага келтирди. Бу ҳол аҳолини байналминналлашувини тезлаштириб, кўплаб «интернационал» оилаларни юзага келтирди. Бундай оилаларда туғилган болаларнинг аксарияти рус тили орқали мулоқот қилишарди. Натижада, ғарб маданиятига кўркўрона эргашадиган, ўзининг маданияти, тарихини билмайдиган кишилар тоифаси шаклланди; миллат етакчиларини, илм-фан ва миллий адабиётнинг йирик намояндаларини жисмонан йўқ қилиш ҳам уларнинг режасига кирар эди. Расмий ҳужжатларнинг деярли барчаси рус тилида юритилар, миллий зиёлилар ҳам рус тили орқали мулоқот қилишга мажбур эдилар; ўтмиш тарихини сохталаштириш оқибатида миллий тарихни бир

моларни чигаллаштириб юборди ва охир-оқибатда миллий низолар рўй бериб, кўплаб хунрезлик ва қон тўкишларга сабаб бўлди. Тоғли Қорабоғ ва Фарғона водийсидаги воқеалар бунинг ёрқин мисолидир.

Собиқ Шўролар даврида миллий муносабатлар соҳасида ўтказилган кўпол сиёсатнинг салбий оқибатларини бартараф этиш эндиликда ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатлар зиммасига тушди.

Қадимдан ҳамқору ҳамфикр бўлиб келган бу халқларни яқинлаштиришда, уларнинг қарашлари ва мақсадларига мос келувчи мазмунан бой, янги муносабатларни шакллантиришда Ўрта Осиё ҳамдўстлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Президентини томонидан илгари сурилган «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси ҳам бу ҳудудларда яшаётган халқлар маданияти ва маънавиятини мазмунан бой янги босқичларга кўтаришни, ижодкорлик ва бунёдкорлик ишларини ҳамкорликда амалга оширишлари учун мустаҳкам замин яратишни мақсад қилиб қўйган.

Мустақил Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ миллий соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳуқуқий йўл билан ҳал қилиш чораларини кўриб, миллатлараро тотувликни таъминлашга асосий эътиборни қаратди. Чунки ўтказилаётган ислохотлар, янгиланишларни ижобий ривожланишига миллий барқарорлик мустаҳкам

тотувлик

замин бўлиб хизмат қилади.

1989 йил 21 октябрда «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши, 1995 йил 22 декабрда унинг янги таҳрири эълон қилинганлиги она тилимизни ривожлантириш учун кўйилган асосий қадам бўлди. Бу қонун ўзбек тили билан бир қаторда Ўзбекистон ҳудудидаги барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари, анъаналарини ривожлантириш учун шароит яратиб беришни назарда тутди.

Ҳозирги кунда миллий гуруҳлар зич яшаётган ҳудудларда таълим-тарбия ишлари уларнинг тилларида олиб бориладиган мактаблар, синфлар ва болалар боғчалари фаолият кўрсатмоқда. Масалан, бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида 627 та қозоқ мактаби мавжуд. Тошкент, Ангрен, Навоий, Гулистон, Нукус шаҳарларида олий ўқув юртлари қошида эса қозоқ мактаблари учун мутахассислар тайёрланадиган махсус факультетлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон телевидениесида эса қозоқ тилида «Дидар», «Замандас» кўрсатувлари намойиш этилмоқда, «Ўзбекистон» нашриётининг «Асл мур» бўлимида эса қозоқ тилида китоблар чоп этилмоқда. Республика-мизда «Нурли жол» газетаси чиқиб турибди.

Ўзбекистонда яшаётган фуқароларнинг тенглиги ва эркинлиги принципи 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб кўйилган. Асосий Қонунимизда «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади», — дейилади. Шунингдек, фуқароларга тенг сайлов ҳуқуқининг берилиши, барча фуқаролар ирқи, миллати, тили, дини, жинси ва жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенг деб эълон қилиниши, уларни давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун катта имкониятлар яратади. Бу қондалар халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келиб, Ўзбекистон қонунларининг демократик руҳдалигини ва жаҳон амалиётидаги илғор ютуқларни ўзида мужассам этганлигидан дарак беради.

Биз келажаги буюк давлатнинг пойдеворини қурмоқдамиз. Ана шу пойдеворнинг энг мустаҳкам қатлами-ни халқлар дўстлиги ва миллатлар-аро барқарорлик ташкил этади. Шундай экан, ўтмишнинг аччиқ сабоқларини эсдан чиқармаган ҳолда, жаҳоннинг илғор тажрибаларидан фойдаланиб, шу юрtdа яшаётган ҳар бир фуқаро қалбида ягона Ватан туйғусини шакллантира олсак, шубҳасиз, марра бизникидир.

**Бобомурод
БОБОЁРОВ**

БАҲОУДДИН НАҚШБАНДИ ВА КОМИЛ ИНСОН ҲОЯСИ

Баҳоуддин Нақшбанднинг ахлоқий-фалсафий таълимоти, ҳаёти, тутган ўрни инсон ва жамиятни маънавий камолотида янги даврни бошлаб берди. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанднинг таълимоти бугунги кунда ҳам ўз ахамиятини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов шундай деганлар: «Узоқ йиллар мобайнида мустамака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди».

Баҳоуддин Нақшбанднинг таълимоти она замин қадриятларидан бўлган бой меросдир. Ундаги инсонпарварлик, маънавий поклик, огоҳлик, юксакликка чорловчи фикрлар мустақил Ўзбекистоннинг истиқлоли йўлида ҳалол меҳнат қилаётган халққа, комил инсон даражасига кўтарилиши лозим бўлган келажак авлодга қиммат-баҳо хазинадир.

Н.Комилов тасаввуф таълимотидаги комил инсонийликни қуйидагича талқин этади: комил инсон инсонлар жамияти ичида етишиб чиқадиغان мўътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

Комиллик сифатларини Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида махсус санаб ўтади: «биринчиси тавба; иккинчиси — ҳалол луқма билан қаноатланиш; учинчиси — ўз меҳнати билан кун ўтказиш; тўртинчиси — шариатга риоя қилиш; бешинчиси — тариқат одобини сақлаш; олтинчиси — барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига кўполлик қилмаслик; еттинчиси — чучук тилли бўлиш; саккизинчиси — раҳмдил бўлиш; тўққизинчиси — саҳий бўлиш; ўнинчиси — мард бўлиш; ўн биринчиси — хушхулқ, халимлик бўлиш; ўн иккинчиси — ризо, розилик билан кун ўтказиш; ўн учинчиси — сабрли бўлиш; ўн тўртинчиси — садоқатли, вафоли бўлиш, ўн бешинчиси — риёзат чекишдан

кўркмаслик; ўн олтинчиси — фавқулодда хислатларга эга бўлиш.

Шу тариқа, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекслари ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар одамнинг орзу-армони деб қаралган.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ҳар ким ўз кўл кучи билан ҳалол луқма топмоқ, кўнгил эса Оллоҳ ёди билан бўлмоқ ғоясига асосланган. Зеро, Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил баёру даст ба кор», яъни кўнгил ёр (Оллоҳ) ёди билан, кўл эса иш билан банд бўлсин, деган шиори бутун мусулмон оламига машҳурдир.

Ривоят қилинишича, Ҳирот шоҳларидан бири Ҳазрати Баҳоуддин шарафларига зиёфат уюштирибди.

Лекин шоҳ зиёфатига қатнашган Баҳоуддин дастурхондан ҳатто нон ушоғини ҳам олиб оғизларига солмабдилар. Бунинг сабабини шоҳ сўраганда: «Жанобларининг касблари не?» дебдилар.

Шоҳ ҳайрон бўлиб: — «Ҳазрат, мен шаҳоншоҳман! Касбим шу!» — деб жавоб берганда, Баҳоуддин Нақшбанд:

«Шоҳлик касб эмас, Довуд алай-ҳиссалом темирчилик қилиб кун кўрган. Сизнинг дастурхонингиздаги ноз-неъматлар пешона тери билан топилганда эди, ҳалол ҳисобланарди. Узр, бизга бу дастурхондан овқат танаввул қилмоқ жоиз эрмас», — деб шоҳ зиёфатидан чиқиб кетган эканлар.

Баҳоуддин Нақшбанд қишлоғидан кичик бир ер олиб, унга мош ва бугдой экиб, деҳқончилик орқали ҳаёт кечирган.

Хонадониди ҳеч қандай уй жиҳозлари бўлмаган, унинг ўрин-кўрпаси бўйра бўлган. Ҳеч қандай хизматкор сақламаган.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотида маънавий етуқликка, қаноатга, ҳалол яшашга, нафсдан нари бўлишга чақиради. Шунингдек у инсониятдан, жамиятдан юз ўғирмасликка, тарки дунё қилмасликка даъват этади.

Каромат ҚИЛИЧОВА,
Низомий номидаги ТДПУ
ўқитувчиси

«АЭРОПЛАН»

(Воқеий-ҳикоя)

Муҳандисе топаю эгнима

қанот ясатай,

Учуб ҳавосида, қушлар эро

ўзумни қотай.

(Алишер Навоий)

Маҳалламиздан сал нарида Рухилла ака деган киши яшарди. Унинг ҳовлиси билан орамизда экин майдони бор, шу туфайли борди-келдимиз камроқ эди. Унинг биттаю битта ўғли — Амир билан бирга ўқирдик. Бизнинг дала еримиз уларнинг уйига яқин, ёзда кўпинча Амирларнинг ҳовлисида ўйнар эдик.

Рухилла ака асли Тошкентнинг Шайхонтохур даҳасидан, йигирманчи йилларнинг бошларида шу ердан уйжой қилган. Унинг боғи одамларнинг оғзида, бозорда унинг олма ва ноки олдига тушадиган мева бўлмас эди. Рухилла ака шу ерга яқин бир идорада ҳисобчи бўлиб ишлар, бироқ тиркичилиги асосан шу боғдан эди.

Унинг хотини — Мазида кеннойининг эса маҳаллага чурқ этган овози чиқмас, эрига яхши қарар, болаларни доим чўғдай ясаиб кўярди.

Лекин Рухилла ака одамлар билан кўп элакишмас, бўш вақтида китоб ўқишни афзал кўрар, ўқишдан чарчаганда эшиги олдида тўлиб оқиб турадиган ариқ бўйида ҳордиқ чиқарар эди. Рухилла аканинг китоблари кўп, Абдулла Қодирий асарларини ўқиш таъқиқланган вақтда мен «Утган кунлар» романини унинг кутубхонасидан олиб ўқиган эдим.

Маҳаллада уни исми билан чақиршса ҳам, орқасидан ҳамма уни «Аэроплан» деб аташар эди. Одамлар: «Аэроплан»нинг уйи қаерда?, «Аэроплан»нигига борган эдим, бир маслаҳатли иш билан» дер эдилар. Бунга ҳамма, унинг ўзи, оила аъзолари ҳам кўникиб кетишган.

Аммо биз ёшлар бунинг сабабини билолмасдик. Амир билан домино ўйнаб ўтирганимизда, бунинг сирини ўғлидан билмоқчи бўлдим. Лекин ҳеч юрагим бетламади. Рухилла ака ўзи хушбичим, мулоҳазали, ширин сўз одам, чап бетидеги алифга ўхшаш кичкина бир тиртигини айтмасангиз, фариштасифат одам.

Уруш тугагач, мен мактабни битириб, Шайхонтохурдаги бир илмий ташкилотда хизмат қила бошладим.

60-йилларнинг ўрталари. Шайхонтохур гавжум. Ҳар куни бозорга яқин ердаги ошхона ва кафеларда тушлик қилардик. Гоҳо шу атрофдаги ёши улуг одамлар билан учрашиб, бу туманнинг тарихи ва одамлари хусусида ҳам суҳбатлашиб қолардик. Бир куни чойхонада Рухилла акани шахсан биладиган, ёши ҳам у билан тенг, табиати ҳазил-мутуйбага мойил, ўзи ҳам шайхонтохурлик бир одам билан учрашиб қолдим. У киши шу ернинг тарихи билан боғлиқ кўп нарсани билар, хотираси ҳам ўткир экан.

— Сиз шу ноҳиянинг табаррук кимсаларидан кўринасиз. Айтингчи, «Аэроплан» деган фаройиб бир одамни биласизми ёки эшитганмисиз? — дедим.

— Рухилланими? Ҳозир у Жўрабек Қорасувда туради! Ўшами? — деди.

— Ҳа! Худди ўша киши! — дедим мен ниҳоятда кўнониб. Қария бир кулиб кўйди-да: — Э! Бунинг қизиқ тарихи бор! — деди ва сўзлай кетди.

Маълум бўлишича, биз билган ва ҳозир жуда мўмин-қобил бўлиб юрган Рухилла ака ёшлигида гоят шўх бўлган экан. Қачон қарамасин, одамлар уни гоҳ сув шовиллаб оқаётган нов устида, гоҳ бирон дарахт тепасида, гоҳ эски деворларнинг тик қиррасида юрган ҳолда кўрарканлар. Рухилланинг ҳовлиси Қориёғди маҳалласига яқин, у ердаги жарнинг уёғидан буёғига ўтиш, сакраш унга оддий бир ўйин ҳисобланаркан. Бир вақтда эса Рухилла Бўрижарга бориб, дарахтдан-дарахтга сакраш машқини ўтказган экан.

Кейинчалик у ўртоқларини Қоровултепага олиб бориб, уларни 5-10 газ баландлиқдан пастга «учиш» бўйича ўргатишга киришган. Шунда бир ўртоғининг оёғи синиб, то у тузалгунча Рухилла ҳаммадан гап эшитган экан.

Отаси Самадилла Қори ўғли мактабни битириши билан мадрасага берган, ундан яхши домла қори чиқишини умид қилган. Рухилла ўқишга астойдил киришиб кетган. Бир куни у домласи билан бир масала юзасидан гап таллашиб қолибди.

— Нега қушлар, ҳатто пашша, майда чивинлар ҳавода учиб юрадию одам жуда ақлли бўлса ҳам ҳавога кўтарилма олмайди?

Домла:

— Азал тақдирда Оллоҳ таоло улар-

ни учадиган қилиб яратган. Бу уларнинг қобилиятидан эмас, Яратганнинг куч-қудратидан! — деб жавоб берган. — Табиат кўйнидаги ҳар бир жонивор шундай яратилганки, бирининг ўрнини иккинчиси боса олмайди.

Рухилла домланинг жавобидан қониқиш ҳосил қилган. Лекин Рухилла унга яна савол бераверган...

1910-1915 йиллар... Тошкентда, шу жумладан, Шайхонтохурда бир қанча янги усул мактаблари очилган. Мадрасаларда муллавақчаларнинг диний фанлар билан бир қаторда дунёвий илмларга ҳам иштиёқлари баланд бўлган.

Рухилла баъзи жаридаларни Шайхонтохурдан тополмас, кўнкуда бориб, шаҳарнинг янги қисмидан топиб келар эди. Бир танишининг кўмаги билан у машҳур гимназия кутубхонасига аъзо бўлиб, баъзи ноёб китобларни ўша ердан топарди.

У Қозонда нашр этилган бир газетада: «Агар инсон қирқ кун овқатни тузсиз истеъмол қилса, у ҳавода бемалол учиб юриши мумкин», деган гапни ўқиб қолади. Маълум муддат бу гапга ишонмай юради. Бироқ бу гапни у миясидан чиқариб ҳам ташламайди. «Наҳот кўпчилик ўқийдиган газетада нотўғри гапни ёзишса!» — деган андишага ҳам боради.

Орадан маълум вақт кечгандан сўнг эса Рухилла: «Бу гапни амалда синаб кўриш керак!» деган фикрга келади ва буни пинҳона синаб кўришга киришади. У тузли емаклардан ўзини тийиб, хужрасида танҳо овқатлана бошлайди. Онасига эса:

— Ойижон, менинг бироз мазам бўлмай қолди. Қорним оғриб, қувватим камай бошлади. Докторга борган эдим, у тузли овқат емай тур, деди. Шунинг учун менга ёпиб берадиган нонингизга туз солмасангиз. Илтимос! — деди.

Онаизор ёлғиз ўғлининг гапини қайтаришга мажози борми. Шу-шу у ҳам намаксиз нон ея бошлади. Хужрада бирга истиқомат қиладиган талаба Абдусамад биринчи бўлиб унинг овқатланишида сирли ҳолат юз берганини сезиб қолди. Рухилланинг ҳаёт тарзида юз берган бундай ажаб-товур ҳолат секин-аста ошқор бўлиб, кунларнинг бирида кечга томон унинг хужрасига Кайковусда турадиган Душан домла деган тоғаси келади.

— Жиян, — дейди тоғаси, — газетага ҳар нарсани ёзаверади. Бировнинг мушуги йўқолса ҳам, бировнинг кучуги қўшнисининг қизини тишлаб олса ҳам. Одам қирқ кун туз емай осмонга учадиган бўлса, аллақачон одамзотнинг оёғи ойда бўларди. Кўй, бунақа васваса гапларни!

— Тоғажон, мен учаман! деб ҳеч кимга айтганим йўқ. Лекин ҳар қандай гапнинг тўғри-нотўғрилигини си-наб кўриш керак-ку!

Уларнинг суҳбати ярим кечагача давом этган.

Шаҳарда ўғли хусусида тарқалаётган шов-шув гаплардан ташвишга тушган ота, хотинининг қистови билан, Рухиллани ниятидан қайтариш мақсадида мадраса маъмуриятдан ёрдам сўраб мурожаат қилди. Рухиллага насиҳат берди:

— Иним Рухиллажон! Инсон ҳар бир ишни ақл тарозусида ўлчаб, муддао-си амалга ошишига ишончи комил бўлгандан сўнг унинг амалиётига қадим қўймоғи жойиздур. Баъзи гапларга кўра, сизда ўқиш ҳаваси пайдо бўлган. Қадимда айрим юнон усталари (Дедал билан Икар) эгниларига қанот ясаб, баъзи насронийлар ёғочдан қанот боғлаб учган, деган гаплар қулогимизга чалинган. Ўзимизда ўтган бир-икки жавонмардлар ҳақида ҳам шу тоифа гаплар юради. Аммо биз шубҳали ишлардан ўзимизни тиймоғимиз даркор.

Рухилла сиполик билан Эшонхон домлага жавоб қилади:

— Инсон ўз табиатида кўра уча олмаса ҳам, бирор восита ёрдамида ўқиши мумкин. Ҳозир Оврупода бу борада жуда қаттиқ ҳаракат бор. Бир вақтлар илм-фан ривожланган бизнинг мамлакатимизда эса ҳозир бу соҳада жимжитлик. Шоиримиз Тавалло жаноблари кўяниб:

Олиб келинг аэропланингизни,
Эшак арабамиз билан урушти-рамиз, — деган эди.

Йиғинда ҳозир бўлганлар Рухиллага бирон айб кўйиш у ёқда турсин, аксинча, унинг ниятини маъқуллагандай бўлишди. Мадраса маъмурияти ундан ҳар эҳтимолган қарши машқ давомида бирон қор-ҳол юз берса, даъвоси йўқлиги тўғрисида тилхат олди. Келаси чоршанба куни эрта билан соат 10 да мадрасанинг катта кўчага қараган тарафидан сакраб, у ноёб машқ ўтказадиган бўлди.

Сентябрь ойининг қоқ ўртаси. Мадраса олдида тумонат одам тўпланган. Чунки домлалар Рухилланинг ҳаракатини қанча пардалашмасин, халқ орасида: «Бугун Шайхонтохурда одам учармиш!» деган гап ҳамма ёққа ёйилиб кетган эди.

Қошлари зулукдек, юзи оппоқ, қирра бурун, соқол-мўйлабига ҳали устара тегмаган Рухилла, бошида зар



А.Абдуллаев. А.Ҳайитметов портрети. Мато, мойбўёқ

дўппи, қизғиш рангдаги ялангқават тўнини кийиб айвонда кўриниши билан оломон ҳаяжонланиб, бир тўлқинланиб кетди. У мадрасанинг энг тепасидан сакрамоқчи эди. Эшонхон домла уни олдин синов учун пастроқдан, аниқроғи, энг пастки қаватдаги айвондан сакрашга кўндирди.

Рухилла шиддат билан айвондан ўқдай отилиб чиқиб, ўзини қуёшга қараб отди. Устидан енгил тўнининг бари икки ёққа очилиб, унинг икки кўли остидан қанот ўсиб чиққандай, Рухилла эса афсонавий қуш — Семурғ қиёфасига киргандай бўлди. Айни вақтда у жуда тез пасайиб, оқ, қизил атиргуллар очилиб турган гулзорнинг ўртасига, пушта устига юзи билан йиқилди.

Одамлар беихтиёр «воҳ!» деб юборишди. 14-15 ёшлардаги бир қиз эса ўздан кетиб қолди. Бир неча киши унинг юзига сув сепа бошладилар. Ўртоқлари ва бошқа муллаваччалар югуриб, унсиз чўзилиб ётган Рухилланинг олдида боришди. Ҳамхужраси Абдусамад дарҳол унинг кўксига қулогини тутди.

— Тирик! Тирик! Юраги уряпти! —

деди.

Кўпчиликнинг юзига қизил югурди. Рухилланинг гулзорга йиқилиб тушганини кўриб, Эшонхон домла мадраса деворининг ёнида ерга ўтириб қолган эди. Унинг тириклигини эшитгандан кейингина ўзига келди ва ўр-нидан тура бошлади...

Рухилла рус касалхонасида бир ойча ётиб, чиққан ўнг кўлини тузатиб, юзининг шилинган, тилинган жойларини асл ҳолга келтириб, уйига қайтди. Ўнг бетидаги алифга ўхшаш чизиқ эса шу воқеадан эсдалик бўлиб қолган эди.

Шундан кейин Рухилла отасининг мадади билан Жўрабек-Қоровулдан ер сотиб олиб, уй-жой қилган, уйланиб, бола-чақа орттирган.

Рухилла аканинг устидан кулган ёки масҳара қилган одамни кўрмаганман. У етмишинчи йилнинг ўрталарида ҳаётдан кўз юмди. Эсимда, маҳаллий қабристонда дафн маросими ўтказилар экан, қутилмаганда бизга яқин тайёрагоҳдан кўтарилган самолёт ва-гиллаб қоқ устимиздан ўтиб кетди. Шунда баъзилар бир-бирига маъноли қараб кўйишди.



Остона ҳатлаб сафарга отланганда...

Инсонийлик маданиятининг юксак чўққиларига интилаётган ҳар бир халқ ўз тарихи, маънавий меросини чуқур ўрганмоғи ва ундан истиқбол учун манфаатли жиҳатларни зукколик билан жам этмоғи ва ўз ҳаётида ўринли қўллаш билмоғи лозим.

Бугунги кунда миллий-тарихий аъёналарга қизиқиш ниҳоятда катта. Бунга асосий сабаб, биринчидан, жамиятнинг миллий аъёналарга нисбатан алоҳида муносабати шаклланаётганлиги, яъни миллий аъёналаримиз қайтадан тикланиб, уларга бўлган эҳтиёжнинг англаб етилганлиги бўлса, иккинчидан, тарбия жараёнида умуминсоний қадриятларга таяниш заруриятидир.

Илғор аъёналар, урф-одатлар ижтимоий ҳаётда, кундалик турмушимизда, меҳнат жараёнида, илмий ва бадиий ижодда, оила ва таълим тарбия муассасаларидаги фаолиятимизда, шахсий хулқ-атворда ўзига хос ижтимоий меъёр вазифасини ҳам ўтайди.

Аъёналар ва урф-одатлар барқарор бўлишига қарамай янги давр, янги тузум эҳтиёжларига мувофиқ ўзгариб ҳам боради.

Барқарорлашган аъёна идеаллар билан бирликда реал, сезиларли

моддий кучга айланади, ижтимоий психологиянинг ростлагичларидан бири бўлиб қолади, алоҳида шахсларнинг ҳам, умуман, гуруҳнинг ҳам фаолиятига жиддий таъсир кўрсатадиган жамоа ҳаётининг мезонига айланади.

Мустақиллик шарофати туфайли миллий ўзлигимизни тобора тугалроқ англай бошладик.

Табиийки, ҳар бир халқнинг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, аъёналари, тили ва тарихи мавжуд. Мана шу хусусиятлар ва тарихий тажрибаларга асосланган ҳолда ҳар бир миллатда миллий онг, миллий қиёфа шаклланади. Айни пайтда таълим-тарбияни жорий қилишда ҳар бир халқнинг этник ва миллий хусусиятларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Аммо шундай замонлар бўлдики, биз жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшиб келган маърифатли миллат эканлигимизни унутмайдик.

Энди биз ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда бир томонламаликдан қутулиш, ёшларни юксак маданиятли ва баркамол шахс сифатида тарбиялаш учун амалий чора-тадбирларни белгилашимиз лозим. Бунинг учун, энг аввало, Шарқ халқларига мансуб бўлган аъёналарни, урф-одатларни илмий жиҳатдан ўрганиб, улардан тарбиявий восита сифатида фойдалана билмоғимиз лозим.

Аъёналар ижтимоий психологик ҳодиса сифатида кишининг ғояларини, дидини, эҳтиёжлари ва дунёқарашини, ишонч-эътиқодини ва шахс фаолиятини белгилайди. Масалан: қадим-қадимдан остона ҳатлаб узоқ сафарга отланганда "сенинг шаънинга гард юқтирмай қайтайин", деган маънода остона ўпилиб, гарди кўзга суртилган. Сафардан қайтилганда ҳам остонанинг хурмати бажо келтирилган. Оилада вояга етаётган фарзандлар катталарнинг бу хатти-ҳаракатларига дастлаб ақллари ет-маса-да, кейинчалик бу маросимнинг моҳиятини тушуниб етадилар.

Демак, бевосита улуғлар амалга оширган хатти-ҳаракатларни ўзлаштириш орқали бола тарбияланади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, маросимлар ғоявий-тарбиявий, ахлоқий-норматив, эмоционал-психологик вазифаларни бажаради.

Чунончи, ҳар бир миллат «уят» тушунчасига ўз ижтимоий шароитидан келиб чиққан ҳолда баҳо беради. «Уят» тушунчаси ниҳоятда нисбийдир. Жанубий Америкадаги қадимги хиндлар бир умр яланғоч юрганлари сабабли кийим кийишдан уяладилар. Турк аёллари эса юзларининг пастки қисмини кўрсатишдан уялишади. Ўзбек миллий урф-одатларимизда эса (уятнинг содда кўринишлари)

дастурхонга катталардан аввал қўл узатиш, катталар, меҳмонларнинг гапини бўлиб ёки бўйи етган қизни ўз отасига тик боқиши каби хатти-ҳаракатлар уят ҳисобланади. Бу ерда уят тушунчаси хатти-ҳаракатларни назорат этиб турувчи туйғу сифатида намоён бўлади. Аъёналар қондасидан четга чиқиш одамда уят туйғусини ишга солиб, унинг фаолиятини бошқаришда асосий омил ҳисобланади.

Ҳар қандай тарбиявий таъсир, ҳар қандай ташқи таъсир ўтказиш кишилар эҳтиёжи билан мос келгандагина самарали бўлади.

Шахсни фаолиятга ундовчи омил бу мотивдир. Мотив эҳтиёжларнинг бир кўринишидир. Маълумки, эҳтиёжлар инсон ҳаёт фаолиятининг маҳсус дастури ҳисобланади. Бу дастурнинг асосида инсоний зарурат ётади, мазкур зарурат қандайдир муносабатга қаратилган бўлиши мумкин, ҳар қандай зарурат қондирилмагунча, инсон доим фаол ҳаракат қилади. Эҳтиёжлар дастури шу эҳтиёжни қондириш учун қандай фаолият кераклигини белгилаб беради. «Ҳашар» аъёнасини олайлик. Ҳашар жараёнида кўпчилик билан бажарилган меҳнат кишиларга жўшқинлик, хуш кайфият бағишлайди. Бу эса ўз навбатида ишни пухта, сифатли бажарилишини таъминлайди. Ҳашарда кимдир маслаҳатчи бўлса, кимдир раҳбарлик қилади, яна кимдир ўзини нимага қодирлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Ҳашарда қатнашиш орқали кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро мулоқотга киришиш эҳтиёжлари қондирилади, бундай ҳолатлар ҳазил-мутойиба, олқиш, дуолар шаклида амалга оширилади.

Бугунги кунда энг асосий масалардан бири ёшларнинг сиёсий онгини ошириш, маънавий дунёсини, маданиятини юксалтиришдир. Ёшлар маънавий етук, маданиятли, эътиқодли, тафаккури юқори шаклланган бўлса, улар тезроқ ўзлигини англайдилар ва ижтимоий фаол кишиларга айландилар.

Халқимиз ҳаёт тажрибаси давомида шаклланиб келган аъёналар халқ педагогикасининг ноёб дурдоналаридан ҳисобланади. Бундай аъёналар такомиллашиб, бойиб бормоқда ва ҳозирги шароитда янгича моҳият касб этмоқда. Биз аъёналарнинг педагогик моҳиятини авлодларнинг воқислигида, халқ эришган энг яхши нарсаларнинг сақланишида, тажрибанинг авлоддан-авлодга ўтишларида, тарбия ва таълимнинг маҳсус тизимида кўрашимиз.

Рустам ЖУМАОЕВ,
академик Б.Фафуров номидаги
Хўжанд давлат университети
катта ўқитувчиси

Табиятнинг ўзига яраша ажойиб сиру синоатлари, жумбоклари бор. Уларнинг моҳиятини баъзан тушуниб, баъзан эса идрок қилмай ҳайратдан ёқа ушлаб қолган инсонлар: «Тавба! Барча нарсалар Яратганнинг ўзигагина аён. Табиатда эртага қандай ҳодиса бўлишини ҳамма ҳам билавермайди!» дейишлари бежиз эмас. Иссиқ ёз кунларининг ўртасида беҳосдан шамол туриб, бир зумда ҳаммаёқни чангу тўзонга чулғаб, сўнг бирданига шаррос ёмғир қуйиб юбориши ҳам ана шундай воқеалардан бири десак янглишмаймиз. Аммо она-табиатнинг ўз ўртасидаги бундай «ҳазили»нинг ўзига яраша таровати, одамларга тақдим этгучи қувончу шодликлари, эзгуликлари бор-

ки, уларни асло инкор этиб бўлмайди. Масалан мен, «гумбургумбур» момақалди роғу чақмоқлари билан уч-тўрт, баъзан ўн-ўн беш дақиқада бутун борлиққа сув сепиб, «чангини бостириб», ёзнинг беаёв саратонидан «хафа бўлиб», губорга чулғаниб, сувсизликдан чанқаб «ютоқиб» турган жамики дов-дарахларни яшнатиб юборгучи табиат саховатидан нолиган кишини кўрмаганман. Аксинча! Болаларнинг қийчувлашиб, шодон қулиб, ирғишлаб ўйинга тушганларини, кексаларнинг эса «Бу ҳам худонинг меҳрли, иноятли куниди!» деб алқаганларининг гувоҳи бўлганман...

Юқоридаги фикр-ўйлар, болалик хотиралари шууримда жонланишига сабабчи бўлган бадий рангтасвир асарининг муаллифи Ўзбекистон халқ рассоми, академик Акмал Икромжонов эканлигини таъкидлаб, унинг мўйқалами сеҳридан жило топган «Ёз ёмғири» номли ижод намунаси хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Зеро ҳар қандай тасвирий санъат асари ҳам кишида бунчалик кенг, чуқур ва ёрқин таассуротлар қолдиравермайди. Мазмун ва шакл, ранглар уйғунлашган композицияда пухта тасвирий воситалар ёрдамида ўзига хос «дастхатли» услубда шундай таъсирчан ифодаланганки, у томошабин-санъат ихлосманди қалбига тез етиб боради, бадий завқ, чексиз ҳайрат ҳиссини уйғотади. Мазкур асарда ёрқин акс этган оддий, аммо сермазмун воқеани кўз олдингизга келтирсангиз сиз ҳам бунга амин бўласиз...

...Анҳор қирғоғининг нариги томони қиялик, ўрқач-ўрқач дўнгликлардан, бу томони эса паст, кенг кумлоқ сайхонликдан иборат. Ана шу ерга чўмилишга келган бир тўп ўсмир болалар копток ўйнаётганликлари тасвирланган. Осмонга ирғитилган тўпни боши билан уришга чоғланган ўсмирлардан бири ҳам, худди у билан юқорига сакраш бўйича мусобақа ўйнашга интилган бошқа икки тенгдош болалар ҳам муаллақ тасвирланган. Уларнинг ҳар бирининг гавдаси, қўлларининг ҳолати, юз-кўзларидаги маъноли ифодалари турлича, ўзига хос, табиий, ишонарли акс эттирилган. Тасвирнинг ҳар бир бўлаги яғона, яхлит композиция асосида узвий-

«Ёз ёмғири»

ликда кўрсатилган. Учала бола тезкор — кескин ҳаракатда эканлиги яққол сезилади. Энг юқорида оппоқ, «кўз ёшлари» қуйилаётган кулранг парк булутларга бурканган, айрим «ола-қуроқ» ерларида қуёш нурлари мўралаб тушаётган осмон фонидаги копток ҳолати гўё худди шу топда ўзи кўринмай турган офтоб ўрнида қабул қилинади. У саҳий қуёш янглиғ, уч соғлом дўстини, муштарак руҳият ва кескин ҳаракатларни ўзаро уйғунлаштириб турувчи рамзий белги вазифасини ўтаётган композиция маркази ҳамдир. Чунки ўсмирларнинг бир-биридан қолишмай шу тўп сари интилаётганлиги фикримизни тасдиқлайди. Қисқача қилиб айтганда, асардаги ҳар бир образнинг воқеабанд композицияда тутган ўз муҳим ўрни — мавқеи бор. Бу сифатлар тасодифий бўлмай, балки истеъдодли, ўз ижод маҳсулига ўта талабчан мусаввир изланишлари ва маҳоратининг самарали натижасидир...

Табиатнинг оний лаҳзалари манзараси ҳам жуда табиий ва жозибали чиққан. Бир зумлик ёмғирни олиб келган булутлар, улардан қуйилган сув томчиларида ҳосил бўлиб жилоланган камалакнинг рангин бўёқларда товланиши, узоқда, нариги қирғоқда адл қоматларини кўз-кўз қилиб турган «беқасам тўн» тераклар, кўкимтир товланаётган

уфқ умумий кўринишни мазмунан тўлдириб, асарнинг мағзини очиб беришга хизмат қилган. Айниқса, мато сатҳининг чап, пастки қисмида тасвирланган, машина камерасини тезлик билан чаққон филдиратиб кетаётган, чиниққан жуссали иккита боланинг қиёфаси ҳам жуда ўринли топилганки, уларга қараб туриб: «Ёшлик шундай бир даврки, у худди ёз ёмғири сингари тез, беқарор, учқурлик билан ўтиб кетар экан...» деган фикр беихтиёр хаёлингизга келади. Ана шундай ўз жойини топган ҳар бир унсур гўзал ранглар мажмуи орқали акс эттирилган бўлиб, кўз олдингизда гавдаланаётган воқеанинг моҳиятини янада оширишга хизмат қилган...

Истеъдодли, таниқли мусаввир Акмал Икромжонов табиат ва инсон, экология мавзуларига оид жиддий, долзарб асарлар туркумини бундан 22 йил муқаддам ярата бошлаган эди. Ажойиб, нафосатли, дилтортар тасвирга эга бўлган рангтасвир намунаси «Ёз ёмғири» эса ана шу узоқ изланишларнинг самарали натижаларидан бири эканлиги билан ҳам кадрлидир.

Баҳром ТОЖИЕВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» кафедрасининг катта ўқитувчиси



Фарида АФРЎЗ

Тўножот

Туркум

Анталҳодий, анталҳақни зикрин
 айтсам,
 Ходий бўлсанг эди, йўлдин ростқа
 қайтсам,
 «Хув» зикрини тилга олиб, наъра
 тортсам,
 Қўлим тутиб йўлга солғил,
 анталҳодий.
Қул Хожа Аҳмад Яссавий

I
 Икки дунё сарвари,
 қодир Худо, ё ху, дўст,
 «Лавҳи Махфуз» гавҳари,
 ҳозир Худо, ё ху, дўст.
 Дилга тушди сўз ишқи,
 бел боғладим, оҳ, дедим.
 Оллоҳ, ҳар иш ўзингдан,
 ўзинг жонга жо, дедим.
 Ўн саккиз минг оламнинг,
 ибтидоси Сўз дурур.
 Сўздан сўзга қайтарлар,
 Интиҳоси Сўз дурур.
 Ҳар савдога солар Сўз,
 Сўз дурур олий даҳо.
 Жон жонингни олар Сўз,
 Сўз дурур дорилбаҳо.
 Эй, Оллоҳим, мадад бер,
 айла имдод, бер, нажот.
 Сўз қонимда сайраган —
 дил қушимга бер, қанот.
 Қирқ йил сенга йиғладим,
 бир сўз бергил, бер, тўзим.
 Қирқ йил айтдим айтганим,
 энди айтай ўз СЎЗИМ!

II
 Ишқинг олди мендан мени,
 Менга сен кераксен, сен...
Юнус Эмро

Минг йил танҳо кездим ой каби,
 Минг йил бўлди кўнғил бесабр.
 Эшигиндан оқдим сой каби,
 Шарқирадим, шошдим... Бекадр.

Энди дарвеш кулоҳин кийиб,
 Хотиралар изин ўчирдим.
 Олиб кетдим дилни қулфлаб,
 Бу юртлардан ўзни кўчирдим.

Нима бўлса — бўлади энди,
 Сенсизликка кўнмайди юрак.
 Ишқинг — ҳаёт, томирга инди,
 Энди сира ўлмасам керак.

III
 «Ақл кетди, сабр кетди, кетди жон,
 Бу не савдо, не азобу не фиғон?!»
Фариддин Аттор

Узоқ йўлдан келдик иккимиз,
 Мен туфроқни қирқ ёрган чечак.
 Бир-бировга етмас илкимиз,

Сен ёмғирсан — жонлари ҳалак.

Хотиралар харобот элас,
 Жуда оғир ул сўзни айтмоқ.
 Осон эмас, йўқ, осон эмас,
 Борса келмас йўллардан қайтмоқ.

Икки йўлдан келдик иккимиз,
 Икки дарвеш, икки ишқ талаб.
 Бир мазорга бирга чўқдик биз
 Бир юракка бирга ўт қалаб.

Ажратай, деб, гирдубод талар,
 Чарс ёрай, деб чарсиллар чақмоқ.
 Фақат жаллод қўлидан келар
 Бир вужудни иккига бўлмоқ.

IV
 «Қайси уйнинг шамъидир у,
 қайси жойда хонаси?
 Ўртади жонни, сўранг,
 кимнинг эрур жононаси?»
Ҳофиз Шерозий

Кеч кузакнинг беҳиларидай,
 Қайдан келди бу насим, ифор.
 Қайда эдинг, қирқ йил йиғладим,
 Қирқ йил кутдим, кўзларим нигор.

Кеч кузакнинг боғлари жаннат,
 Хур-паридир, ғамлар бегона.
 Олмазорлар тугар дуварак,
 Жонсиз шоҳлар берар нишона.

Бу не ўзи, қандай уйғониш?
 Қирқ йил кўрган тушнинг ўнгими?
 Ё ҳазонлар ичра йўқолган,
 Ишқнинг тонги ёки сўнгими?

Бу қандайин савдо, бешафқат?
 На тўзим бор, на қолди сабр.
 Севмоқ — гуноҳ! Гуноҳ бор фақат
 Ва дунё бор! Сену Мен. Қабр.

V
 «Тир ўзим, камон ўзим,
 Пир ўзим, жавон ўзим,
 Ошиғи жовидон ўзим,
 Ман на ўзим, на ман ўзим».
Жалолиддин Румий

Ошноларим баридан кечдим,
 Ташлаб кетди улар ҳам бир-бир.
 Мисли карвон, итлар ақиллар,
 Ит тилида гаплашмоқ оғир.

Оҳ, нақадар азоб, осонмас,
 Одамзодга одамдай юрмоқ.
 Вужуд ичра бу жонга оғир
 Қум соатнинг кунини кўрмоқ.

Бас, таваккал қилдим, Кибриё,
 Бошим узра қаноат сочди.
 Этагимдан тортиди ҳидоят,



Қалбим ичра қалб кўзим очдим.

Оҳ, нақадар ҳузур бу ҳилқат,
 Оломонсиз, кимсасиз дунё.
 Танҳо қолдим, танҳо бўлмадим,
 Ёлғизининг ёридир Худо.

VI
 Бўлмаса Ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
 Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун...
Алишер Навоий

Токи осмон бош узра паноҳ,
 Токи руҳдир нур ичра огоҳ,
 Қолгунича бир нафас, бир оҳ,
 Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи шабнам гул яноғида,
 Токи исминг дил титроғида,
 Кўзинг нури кўз қароғимда,
 Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи томчи тошга интизор,
 Токи юлдуз кўкдаги гулзор,
 Ойни кучиб тунлари бедор,
 Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи сирга тўла куртаклар,
 Токи хаёл сенга етаклар,
 Минг бир кеча айтиб эртақлар,
 Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи танда жон эрур омон,
 Токи ишқдир жон ичра жонон,
 Кел, ёнимга, эй, Шайхи Санъон,
 Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

VII
 Биз азал олиҳа,
 Сўз шефталари,
 Дилларни музайян
 этмак коримиз.
 Шаҳарлар тиклаймиз
 шариф Сўз билан,
 Булоқлар очамиз

Қиличлар санчилган қақроқ ёбонга,
 Даволай оламиз юракларни биз,
 Ҳар лаҳза минг пора шифо Сўз билан.
 Сўз қафас ичинда бўлгай жонимиз,
 Сўз маҳрами кўнгил, кумридек нолон,
 Пинҳона элтамиз асроридирким,
 Ибодат келтириб тан кўрғонига,
 Сўз билан тиловат гўё садосиз.
 Одамзод қалбига қиламиз Ҳаққа.
 Истаб чин мардумга омонлик истаб,
 Сўз мулки қасрига аҳиллик, нажот.
 Шарбатлар тутармиз, посбонлар кўйиб,
 Сўз билан тавалло аждаҳоларга.
 Сўз билан зикр этар қилар Набий ҳам
 Худонинг даргоҳи авлиёуллоҳ.
 Фақат Сўз мангудир, Сўздан мунаввар,
 фақат СЎЗ уйғоқ!

* * *

Балки давраларда кулганим
 гул кийганим, гуллаганим, ростдир,
 куйлаганим, куйдирганим, гул бўлганим ростдир,
 Аммо, кул бўлганим ростдир,
 Сизсиз
 Ҳеч кимман!
 Билдим!

Билдим, худди тонглар отгани каби,
 Қуёш ҳорғин ботгани каби,
 Осмонда ой шўрлик, бенаво,
 Овлоқда охулар ётгани каби,
 билдим!

Ўн гулимдан ўн гулим очилди, сўлди,
 Япроқларим сарғайиб сочилди, сўлди,
 Ишқ деганга кафанлар бичилди, сўлди.
 Эссиз.
 Сизсиз
 Ҳеч кимман!
 Билдим!

Билдим, қаноатнинг манзили Худо,
 Билдим, саодатнинг тунлари ялдо,
 Томирда ишқ деган алам уйғонса
 Бошинга балодир, балодир, бало,
 билдим!

Эҳтимол, сочларим шабнамга ювдим,
 Тонг чоғи, гул чоғи, дил чоғи сармаст.

Ҳар тола домига кўнгилни илдим,
 Ҳушсиз.

Сизсиз
 Ҳеч кимман!
 Билдим!
 Билдим, йўллардадир йилларим
 жони,
 Бу улуғ Танграмнинг узун арқони,
 Бу менинг Ишқимдан бир оҳдир
 сўзон
 Ки ёқиб юборар оҳир дунёни...
 Билдим.

Билдим, сояларда жон бор, алам бор,
 Билдим, тоғларни-да дийдалари
 бор,
 Бу шўрлик дунёнинг қисмати дир хор,
 Сўзсиз.
 Сизсиз
 Ҳеч кимман!
 Билдим!

Билдим, армонларнинг умри узоқдир,
 Пояндоз солинган йўллар тузоқдир,
 Билдим, хиёнатнинг йўли чароғон,
 Билдим, бўйнимдаги маржон-
 фироқдир,
 Билдим...

Балки, давраларда кулганим
 гул бўлганим ростдир,
 Куйлаганим,
 Осмонда ой каби кул бўлганим ростдир,
 Сизсиз, тул бўлганим ростдир!..
 Сизсиз
 Ҳеч кимман!
 Билдим!..

* * *

Отам эккан олманинг
 Шохларида дур маржон.
 Бир дарахтча бўлмаган
 Отам қайда, отамжон?!

Отам курган кўрғоннинг
 Устунлари бус-бутун.
 Бир пахсача бўлмаган
 Умр нечун, жон нечун?!

Отам сочган уруғнинг,
 Ҳар бирида жуфт ҳаёт.
 Бир майсача бўлмаган,
 Қисмат, сендан минг фарёд.

Отам айтган ҳикматлар
 Яссавийдан қолган у...
 Мен ўтарман. Ҳикматлар,
 Отам руҳидек мангу.

* * *

«Меҳрибоним, мен сизни топдим...»
 Хазонрез боғларнинг, кузли, аёзли,
 Хувилдоқ тунлари ёмғир, шамолли,
 Хўрликдан ивиган умидлар ичра,
 мен сизни топдим.
 Топдим, деразамга какликлар кўнди,

Сайради, сайрадим жон чиқар қадар.
 Дўл ёққан қаҳратон ёлғиз кечалар
 Бебахор гулладим, барг ёздим
 самар.
 мен сизни топдим.

Меҳрибоним,
 Бу не кўргилиқдир, бу қандай савдо?
 Бу ширин жонимдан ўкинмай
 тондим,
 Бу не саодатдир, бу нечук ғавго,
 Ўз қонимни ўзим ичдим-да, қондим,
 мен сизни топдим.
 Топмасам, кўзларим йўлга тўқардим,
 Ҳар зарра тупроқни сизлаб
 ўпардим,
 Бу ёруғ дунёда нурсиз, бенаво
 Изиллаб-изиллаб, излаб ўтардим,
 Маҳрами асрорим,
 Маҳрами жоним,
 Мен сизни топдим.

* * *

Бошқача яшайман эртадан бошлаб
 Бурчу сарҳадига ўтлар тушмасму!
 Энг аввал кетаман ўзимни ташлаб.
 Атрофим чоҳ туби янглиғ қоронғу.
 Бир коса зардобга айланганда ой,
 Тун қизи бошидан юм-юм тўкилиб.
 Турибман оёғим ости жиққа лой,
 Тиловат қиламан етти букилиб.
 Санамваш тераклар оқ сийнасида,
 Номаҳрам бўсаннинг доғлари ўчиб.
 Саргашта бодларни кучиб осуда,
 Менинг кўз ёшимдек бормоқда
 қуриб.

Олисида Кўқоннинг тор кўчалари,
 Тарсиллаб ёрилар ёдимдек менинг.
 Муттаҳам дунёнинг оч кўппаклари
 Этагим йиртай, деб, ириллаб
 келдинг...

Афрўзман,
 Дилсўзман,
 Эй, хонасўзлар,
 Фитна шаробидан масту аластлар,
 Билмайсиз, бир аёл юз йилки
 бўзлар.
 Билмайсиз, эй, ҳатто тўпигдан
 пастлар.

Бошқача яшайман эртадан бошлаб,
 Эртага сочимни ташлайман сочиб.
 Остона қошида кўзларин ёшлаб
 Чечаклар гуллайди тунлар ёзгириб.
 Сен қайдан билардинг, нодон
 гулларим,
 Бу ишқнинг захарли лаззатларини...
 Бу савдо Ҳавонинг ишқидек қадим,
 Мен буздим Одамнинг
 сарҳадларини.

* * *

Ўкинма,
 Оллоҳнинг қудрати чексиз,
 Сен билан менга ҳам топилар паноҳ.
 Кўнгилми, сўрама, ҳали ҳам эрксиз,
 Гуноҳдан гапирма!

Тўкилма,
 бўғзимни ёндирган калом,
 Сенсиз ҳам дунёлар остину устун.
 Тириклик тонгига салом қил, салом,

Йироқдан гапирма!

Ситилма,
қаноат, чок-чокларингдан,
Изтироб кўйлаги пора-порадир.
Кўнгилдан сўз очил, кўнгилдан
сўйла,

Фироқдан гапирма!

* * *

Менинг сочим қаро эди, қароларга
бойландилар,
Адоларга, сазоларга, жазоларга
бойландилар.

Етти осмон, етти иқлим, етти қабат
замин аро,
Малоиклар, фаришталар, саболарга
бойландилар.

Тилимнинг болими ёки юзимнинг
холими ёхуд,
Бу икки хол ила бошим
бойландилар.

Хама истар бу очунда, фақат бир ёр,
фақат бир ёр,
Хама «Ёрман!» деди, аммо,
хатоларга бойландилар.

Сенга жонин қилиб қурбон Фарид
Афрўз қилур фарёд,
Жисм хоку бу хайли дун матоларга
бойландилар.

* * *

Сенсиз ўтган умрим менинг
саробларга ўхшайдир,
Қирқ йил қурган қасрим эй, воҳ,
харобларга ўхшайдир.

Сенинг ёдинг майхонадир, кунлар
ўтар мастона,
Ҳижронингда ичган заққум
шаробларга ўхшайдир.

Сенга ёрлар, сумансолар, кеча-
кундуз дилоромдир,
Менга эса махрами жон азобларга
ўхшайдир.

Тонглар отар, кунлар ботар, ҳазон
билмас баҳорингда,
Сен йўллаган абри найсон
гулобларга ўхшайдир.

Сабр қайда, тўзим қайда, жунун жону
жаҳонимдир,
Томирларда оққан қонмас,
зардобларга ўхшайдир.

Бу савдолар бари бекор, осмон
яқин, ер ҳам юмшок,
Ишқдан бошқа бари ёлгон,
хубобларга ўхшайдир.

Ки ҳасратда куйиб ўтди, неча хофиз,
неча мутриб,
Фарид Афрўз бу дарди дил боб-
бобларга ўхшайдир.

ВАТАН қасида

Ватан,
Байроғинг бир бора ўполганим йўқ,
Мадҳингни ёд билмам, уқолганим
йўқ,
Кўнглимни, меҳримни тўқолганим
йўқ,
Жонимсан, жонимда бир оҳсан,
Ватан!

Бирор бор урушда қатнашолмадим,
Ҳали бир душманинг
қақшатолмадим,
Жаҳонда ҳеч юртга ўхшатолмадим,
Кўзларим нурисан, қароғсан, Ватан!

Баъзан ишим юрмас, хору хазонмен,
Баъзан шоду комрон, баъзан
гирёнмен,
Дунё бир ён эрур, мен ҳам бир
ёнмен,
Нима топган бўлсам огоҳсан, Ватан!

Омадим келмаса сенда не гуноҳ,
Не ажаб, бошимда тожу гоҳ кулоҳ,
Лабда гоҳ табассум, гоҳ бўғизда оҳ,
Томирим титратган титроқсан,
Ватан!

Эҳтимол, қўл юпқа, уст-бош
юпунрок,
Биримиз осмонмиз, биримиз
туфрок,
Биримиз муттаҳам, кўрнамак, олчок,
Барчанинг бошида паноҳсан, Ватан!

Келдик, бир ниҳолинг жуфт
айладикми?
Ё ханжар ё қалам, тиг қайрадикми?
Рост узра ёлғонни ямламадикми?
Сен бунга кафилсан, сўроқсан,
Ватан!

Ер юзи турфа хил сеҳрга тўла,
Иста етти осмон-фалакни бўйла,
Хоҳ «Дугоҳ», хоҳ «Сеғоҳ», «Чоргоҳ»ни
куйла,
Сен — хофиз, сен — мутриб,
машшоқсан, Ватан!

Гарчи шеърлар битдик, гоҳ баланд,
гоҳ паст,
Гоҳ куйладик маҳзун, гоҳида
сармаст,
Ижобат бўлгайми, илтижо - нафас,
Шеърсан, таронасан, туроқсан,
Ватан!

Отамнинг бошида қайроғочларим,
Кўқонда-Жомъеда синч, оғочларим,
Шоирим, валийим, ялавочларим,
Туфроғим ичинда туфроқсан, Ватан!

Карбало ҳокининг тўзонинда сен,
Муслиму муҳсиннинг фиғонинда сен,
Шоҳларинг, пирларинг жон жонинда
сен,
Фурқатим, гурбатим, фироқсан,
Ватан!

Онамга айланган тутларинг ҳаққи,

Камларинг, кўстларинг, бутларинг
хаққи,
Туморинг, дуторинг, удларинг хаққи,
Балою қазодан йироқсан, Ватан!

Адл тулпорига жиловдор бўлдинг,
Дашту сахро бўлдинг, қору зор
бўлдинг,
Гоҳи голиб бўлдинг, гоҳи хор
бўлдинг,
Гўшларин зог еган Широқсан,
Ватан!

Милтираб-милтираб бир кун
сўнармиз,
Яхшию ёмонга балки кўнармиз,
Марқад, мозорларинг ичра
дўнармиз,
Байтул ҳазанларда чироқсан, Ватан!

Меҳримнинг тахтида мизғиган
болам,
Кўнгил бешик ичра, бешиқда жон
ҳам,
Сени болам дея бағримга олсам,
Бағримда абадий уйғоқсан, Ватан!

Товоним тагида сойларинг бийрон,
Ҳар нигоҳ, ҳар қадам боғларинг
ларзон,
Тоғларинг, даштларинг чамандир
ҳар ён,
Жаннатим, Кавсарий булоқсан,
Ватан!

Нодира, Увайсий ҳасратлар дилда,
Хувайдо, Ҳазиний ҳазратлар дилда,
Қуръону ҳадису ҳайратлар дилда,
Томирда-қонимда тўлғоқсан, Ватан!

Чумоли жонида бир нуқра ундир,
Бу замин, бу замон гарчи кукундир,
Фақат сен борсанки, тўқис
бутундир,
Замину замондан огоҳсан, Ватан!

Этни ажратолмас ҳеч ким
тирноқдан,
Мангу озоддирмиз куллик-қийноқдан,
Юзимизни чайдик Кавсар булоқдан,
Этсан, сўнгақдирсан, тирноқсан,
Ватан!

Турон туфроғида ёвқур ва ёвар,
Бугун бор, эрта ҳам борсан муқаррар,
Мен сени дегайман маҳшарга қадар,
Гарчи ғариб, гарчи бебоксан, Ватан!

Макка манзилларинг кўзлаган
жонмен,
Чўли Ироқ ичра «Чўли Ироқ»мен,
Оломон ичрамен, яккамен, тоқмен,
Кўнгилнинг Каъбаси — даргоҳсан,
Ватан!

Тўғриси, сен ҳақда шеър битмоқ
азоб,
Қирқ беш йил инграндим, жимжит,
беитоб,
Пойингга йиқилдим чечақдек шу тоб,
Сочларим гуллатган бир оқсан,
Ватан!



Музыка меросимиз тарихини ўрганар эканмиз, бу ҳодиса кўп асрлик тадрижий тараққиёт даврини ўз ичига олганининг гувоҳи бўламиз. Форобий «Музыка тўғрисидаги катта китоб»да чолгулар хусусида алоҳида бўлим ажратган. Алишер Навоий ва Бобур замонасида ҳам ҳар бир миллий созимизга катта эътибор берилгани маълум. Навоийнинг машҳур «Маҳбубул-қулуб» асарида музыкага бағишланган боб бор. Дутор ҳақидаги илк маълумотлар эса ал Хусайнийнинг (XV аср) музыкага доир рисоласида ёритилган. Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида музиканинг инсон руҳини юксалтириши, соз ижроси ҳақида бундай дейди: «Фаҳм-фаросатли созанда-

нинг ёқимли ижроси ҳатто тошкўнгил одамни ҳам мафтун қилади. Хусусан, ўзи чалиб, ўзи куйласа, кўнгил мулкига кўзгалон солади».

Фитрат «Ўзбек классик музыкаси ва унинг тарихи» асарида ушбу созга шундай изоҳ беради: «Бунинг дастаси 7,0-7,5 дециметр гача бўлиб, косаси 2,0х4,5 гачадир. Пардаси баъзи ўринларда ўн уч, баъзи ўринларда ўн тўрттадир. Пардаларнинг озлиги учундирким, мақом куйлари дутор билан чалинмайдир, чалинмоқ мажбуриятида қолинса, куйнинг пардаларини ўзгартиб, дуторда бўлган пардаларга қаратиб чалинади».

Дутор ўзбек халқ музыкаси, мақомларнинг чолғу қисмларини ижро этишга мослаштирилган қадимий соз-

лардан. Етук созандалар ижросида дутор сози якканавозлик ижрода ҳамда ансамбль таркибида қўлланилган.

«Шашмақом»нинг барча шўъбачалари ва уфорларини ҳамда халқ куйларининг барчасини дуторда чалиш мумкин.

Муסיқашунос олим Исҳоқ Ражабов қадимги дуторнинг дастаси ҳозиргига қараганда калтароқ, косаси эса чолғусидан каттароқ бўлганлигини таъкидлайди.

1918 йилдан эътиборан Туркистон халқ консерваторияси қошида дутор синфи ўз фаолиятини бошлайди. Бу ерда таниқли созандалар Абдусоат Воҳидов, Давлат Охун Қодировлар илк қалдирғочларга дутор сирларини ўргатиб, устозлик қиладилар. Шогирдлар сафида етук санъаткор бўлиб етишган Юнус Ражабий ва Ориф Қосимовлар ҳам бўлган. Уларнинг санъатимиз ривожига қўшган бекиёс хизматлари барчага маълум.

1928 йилда Самарқандда муסיқа ва хореография илмий-тадқиқот институти ташкил этилиб, унинг дутор синфига таниқли созанда Абдураҳмон Умаров етакчилик қилади. Мухтор Ашрафий эса нота ёзувидан фойдаланган биринчи дутор созандалардандир.

1928-29 йилларда таниқли созанда ва бастакор Юнус Ражабий ташаббуси билан миллий соз устаси Усмон Зуфаров ясаган дутор Ўзбекистон радиоси миллий чолғулар ансамбли таркибига киритилади. Дутор сози якканавоз концерт чолғуси даражасига кўтарилади.

1936 йилда Ҳамза номидаги Тошкент билим юртида дутор созини янги услубда ўрганиш бўйича махсус синф ташкил этилади. 1948 йилдан Тошкент Давлат консерваториясида дутор чолғуси бўйича олий даражада таълим жараёни бошланди. Дутор синфига истеъдодли ёшлар жалб этилади. Абдусамат Илёсов, Боқижон Раҳимжонов, Мирсодиқ Эргашевлар мазкур синфнинг илк битирувчиларидан бўлдилар.

Янги йўналишдаги таълим соҳасида ва юқори малакали созандаларни тарбиялашда консерватория қўшган ҳисса бекиёсдир.

Ҳозирги кунда ушбу даргоҳда Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Алиматов, доцентлар Боқижон Раҳимжонов, ўқитувчи Малика Зиёевалар ёшларга ушбу соз сирасорларини ўргатмоқдалар. Турли йиллар давомида консерватория ўқитувчилари томонидан «Дутор садолари», «Дутор садоси», «Дутор наволари», «Чаманзор» каби тўпламлар нашр этилди.

Рўзби ҲОЖИЕВА



Далқ артисти Дони Зокиров ўзбек мусиқаси тарихида машхур созанда, композитор, дирижёр ҳамда жамоат арбоби сифатида ўз ўрнига эга. У ўзбек халқ мусиқаси билан бир қаторда уйғур, тожик халқларининг мусиқасини катта ҳурмат билан ўрганишга ва улардан ўз ижодида унумли фойдаланишга ҳаракат қилган.

1950 йиллари Тошкент радиоси қошида фаолият кўрсатаётган уйғур ансамбли хонанда ва созандаларидан бир неча уйғурча кўшиқни ўрганиб, нотага туширади. Мазкур жараён унда уйғур халқ ва мумтоз мусиқасига катта қизиқиш уйғотади ва у тез орада яна бир неча кўшиқни ўрганиб, уларни ҳам нотага ўтказилади. Бу изланишлар натижасида композиторнинг «13 уйғур халқ куйи ёзуви» номли тўплами вужудга келади. Ушбу тўпلام «Санам», «Фигон», «Уйғурча лирик кўшиқ» ва бошқалардан иборат. Тўпلامга киритилган кўшиқ-

лар мазмунан ранг-баранглиги, тимсолларининг бойлиги билан ажралиб туради. Айниқса, санам жанридаги шўх ижро этиладиган жўшқин тўй маросими кўшиқлари, лирик ва лапар характеридаги мунгли кўшиқлар эътиборга молик. Шакл жиҳатидан буларнинг барчаси асосан бир қисмлиқ, куплет шаклида яратилган.

Тўпلامдаги кўшиқлар матни кимдан ёзиб олингани ҳақида маълумот учрамайди, шу боис бу кўшиқлар тўғрисида батафсил фикр юритиш қийин, уларни аниқлашда бироз мушкуллик пайдо бўлади. Назаримда бу қийинчилик турли сабабларга кўра юз берган бўлиши мумкин: биринчидан, композитор ўзи учун янги бўлган куйни тўғри илғамаганидан, иккинчидан, ижрочи халқ куйини бузиб айтиб берганлиги эҳтимолдан холи эмас. Бирок, бу камчиликларга қарамай тўпلام 50-йилларда Ўзбекистонда яшаб, ижод этган уйғур халқининг мусиқий фольклорини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Композитор 1962 йилнинг июль ойида яна аввалги тўпламига эътибор қаратади. Дастлаб, баъзи бир кўшиқларни танлаб олиб, шулар асосида «Рапсодия — попури» асарини ёзишни ният қилади. Кейинчалик композитор бу режадан бироз чекиниб, «Рапсодия — попури» ўрнига «Уйғурча фантазия» асарини яратади. Фақатгина аввалги режадан «Уйғурча лирик кўшиқ» асаригина тушириб қолдирилади. Композитор ушбу асар устида уч ярим ой мобайнида ижодий иш олиб боради. Уйғур фольклор мусиқасининг таби-

Дони Зокиров ва уйғур мусиқаси

атини чуқур ҳис этгани учун халқ куйларини янада жозибалироқ янги-ратишда турли хилдаги ёрқин гармоник ва тембра бўёқларни излаб топади. Фантазиянинг ҳар бир қисмида таъсирчан тимсоллар ярата олади. Фантазиянинг биринчи қисми бироз мотамсаро характерга эга бўлса, иккинчи қисми охишта, лирик характерга эгалиги билан ажралиб туради. Учинчи ва тўртинчи қисмларда эса жўшқин, шўх, рақс характери кўрамаиз. Д.Зокиров уйғур фольклорининг ифодавий воситалари куй тузилишининг ўзига хос таркибий табиатини катта маҳорат билан кўрсатиб беришга эришади.

Хулласи калом, Ўзбекистон композиторлари ижодида фольклор мусиқасига бўлган қизиқиш нақадар катта. Янги авлод композиторлари ҳам ўз ижодларида фольклор мусиқасидан тўлақонли фойдаланишлари мақсадга мувофиқ.

Акрам ҲОШИМОВ,
М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг катта ўқитувчиси



Қоши ёсинму,
дейин,
Кўзи қорасинму,
дейин.

Илгари Туркистон ўлкасига Россиядан аҳолини кўчириш сиёсатининг моҳияти ва оқибатлари буюк давлатчилик руҳида талкин этилар эди. Бухоро, Хива ва Қўқон давлатларининг анчагина ерларини босиб олган чор ҳукумати 1865 йилда Туркистон областини, 1867 йилда эса Сирдарё ҳамда Еттисув областларидан иборат Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилди.

Марказий Осиёни босиб олиш жараёнидаёқ чоризм Хитойга чегарадош ҳудудлардан туб аҳолини аста-секин кетказиб, бу ерларда сибир казакларидан деярли 10-12 минг нафарини жойлаштирди. Шу аснода савдогарлар, тadbиркорлар, хунармандлар ва қашшоқ кишилар ўлгага кўчиб келиб қишлоқ ва шаҳарларда жойлашар эдилар. 1880 йилларда Туркистондаги фойдаланишга яроқли барча ерларни Россия давлатининг мулки деб эълон қилинди. Кўчириб келтирилганлардан ортиб қолган ерлар «Муҳожират фонди»га берилди. Маъмурият муҳожирлар учун туб аҳоли ҳисобига анча имтиёзлар ва қулайликларни яратди. Кўчиб келган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосига 10-15 десятина ҳосилдор ер берилган. Кейинчалик ер етишмовчилиги сабабли бу кўрсаткич 7 десятинадан камайтирилди. Кўчиб келганлар ҳар қандай солиқ ва тўловлардан 5 йилга, ҳарбий хизматдан 15 йилга озод қилинган. XIX асрнинг 80-90-йилларида Оренбург — Тошкент ва Краснодарск — Ашхобод — Самарқанд темир йўлларининг қурилиши чоризмнинг савдо-саноат доираларига Туркистон бойликларидан кенг фойдаланиш имкониятини берди ва рус, умуман нарсоний аҳолини ўлгага кўчиришни жадаллаштирди. 100 дан ортиқ темир йўл станциялари яқинида ва атрофида кўчиб келганлар учун 560 посёлка барпо қилинган.

Туркистон аҳолиси ҳар йили метрополиядан кўчиб келаётган 70-100 минг аҳолини қабул қилишга мажбур бўлган. Лекин XX асрнинг бошларидаёқ ер йўқлиги маълум бўлса ҳам муҳожирлар оқими тўхтатилмади ва ҳатто камайтирилмади.

Япония билан урушда мағлуб бўлган Россиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи кескинлашди, сиёсий танглик ҳам пайдо бўлди. Оқибатда ҳукумат руҳсатисиз, ўзича кўчиб келувчилар Туркистонда кескин кўпайди. Масалан, биргина Қашқардан Фарғона областига (асосан Жалолобод, Ўш, Ўзган, Андижон, Марғилон

Чоризмнинг аҳолини кўчириш сиёсати


шаҳарларига ва уларнинг атрофидаги қишлоқларга) 1904 й. — 14556, 1905 й. — 13337, 1907 й. — 25056, 1909 й. — 12725, 1911-1912 йилларда 53637 қочоқ келди.

Натижада 1916 йилга келиб Туркистонда фақат рус, украин, белорус аҳолисининг сони 350 мингдан ошди. Улардан ташқари 250 мингга яқин озарбайжон, армани, яхудий ва бошқа кўчириб келтирилганлар ва қочоқлар яшаган. Энг кўп шарқий славян аҳоли Еттисув (деярли 117 минг киши) ва Сирдарё (97 минг киши) областларида жойлашган эди.

Собиқ совет даврида Ўзбекистон

ва бошқа республикаларга славян аҳолини кўчириш анча кенг мақсадда ва мунтазам равишда давом этди. Бу нарсга туб аҳолини руслаштириш, миллий қадриятларидан узоқлаштириш каби салбий тенденцияларни яратди. Фақат мустақилликка эришилгандан кейин турли салбий оқибатлар аста-секин бартараф этила бошланди ва миллий қадриятларимиз тикланди. Халқимиз орзу-умидлари рўёбга чиқди.

Шокир ҒАҒҒОРОВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент



Тилими тилни ёради...

Ҳикоя жанрининг ўзига хос хусусияти унда тасвирланган воқеа-ҳодисалар жараёнида инсон характери очилишининг имкониятларини кўрсатишдир. Характер яратиш — бадиийликнинг бош масалаларидан ва шартларидан бири. Бадиий асарнинг ғояси персонажларда ўз аксини топади, персонаж қилмишларини кузатиш орқали муайян ғояни англаймиз. Бошқача қилиб айтганда, характер адабий асарда мазмуннинг мағзи бўлиб хизмат қилади, китобхон асарнинг мазмуни билан характер қилмишлари орқали танишади.

Характер — турли хусусиятлари аниқ кўриниб турган, индивидуал жиҳатлари кашф этилган, мукаммал образдир. Инсон характери унинг нутқида, маълум шароитда ўзини тутишида, атрофдаги воқеа-ҳодисалар ва инсонларга бўлган муносабатида, рухий кечинмаларида ва хатти-ҳаракатларида кўринади. Машҳур Австрия адаби С.Цвейг айтганидек, «Инсон характери унинг ҳал қилувчи

хулосага келади. Кўрамызки, кичкина бир ҳикояда характернинг ўтмиши ҳам, ҳозирги ҳам, истиқболи ҳам бемалол тасвирланиши мумкин экан.

Ҳикояда характер яратилишининг йўллари кўп.

Биламизки, ҳар қандай бадиий асар қандайдир конфликт асосида курилади. Конфликтнинг ривожи ва ечими асарнинг ғоявий мазмуни билан узвий боғланиб кетади. Конфликтлар, одатда, характерларнинг бевосита тўқнашувлари ёхуд характерларнинг вазияту шароит ила тўқнашувлари асосида юзага келади.

Шу нуқтаи назардан А.Қаҳҳорнинг «Мастон» ҳикоясига мурожаат қиламиз.

Авалло, «ҳикоя — ҳаётдан олинган тугалланган бир эпизод, ёхуд кайфият, вазият ва ҳаракат бирлиги» (Ж.Лондон) бўларкан, бу унсурлар «Мастон»да борми?

Ҳа, бор: икки қиз бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа йўл олишади. Йўл чўл ўртасидан ўтаркан. Улар кечга

ланаётган бу икки қаҳрамон 30-йилларнинг типик аёллари эдики, ёзувчининг улар суврати-ю сийратини тасвирлашида нафақат икки хил характерни, балки ўша замонни кўрамыз — унинг моҳиятини англаймиз.

Умуман, ҳикоя жанри ҳақида яна шундай маълум ва машҳур таъриф бор: «Ҳикоя маълум бир ижтимоий муҳиту ахлоқни фавқулодда кенг планда акс эттирадиган кичик жанрдир». Характер ҳақида ҳам тахминан шундай таъриф мавжуд: «Характер бу маълум бир ижтимоий шароит яратган инсоний-ижтимоий ахлоқни ўзида акс эттирувчи шахсдир».

Гап шундоқ экан, А.Қаҳҳор ҳақиқатан ҳам 30-йиллардаги ижтимоий шароит ва ижтимоий ахлоқни ўзида акс эттирган икки типик характерни ҳикояга олиб кирган, деб дадил айта оламиз.

Ҳикоянинг характерли хусусияти шундаки, адиб асардаги қаҳрамонларнинг биронтасига ҳам ўз муносабатини билдирмайди: уларни

Яна Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳақида

дақиқалардаги хатти-ҳаракатларида яхши намоён бўлади».

А.Қаҳҳорнинг кўпчилик ҳикояларида инсоннинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, характернинг эволюцияси кўрсатилади, биз характер суратинигина эмас, сийратини-тақдирини ҳам кўрамыз. Ёзувчининг «Тўйдаги аза» ҳикоясини олайлик. А.Қаҳҳор ёш хотини олдида ликиллаб юрган қари олимнинг ўтган ҳаётию келажагини тасвирлайди. Мухторхон домла илгари жуда доно ва дилкаш одам бўлган, бутун маҳалла уни «отахон» деб ҳурмат қиларкан. Лекин қариянинг барча «тоат-ибодати» бир ноқис қилиғи туфайли елга совирилади. У ёш қизга уйланиш кўйиға тушиб, ўзини ёш қилиб кўрсатишга урина бошлайди ва эл олдида кулгиға қолади. Буям кам: мўйсафид бу борада ортиқча зўриққани учун ўлиб қолади. Тавба, домланинг ўлгани ҳам бировни ачинтирмайди ва китобхон тахминан: «Шундоқ бўлгандан кейин шундоқ бўлади-да», деган

қолишади. Шунда мингашиб келаётган отлари қоқилиб йиқилади-да, ўлиб қолади. Қизлар эса аросатда қолишади. Ана шунда шаҳарга кетаётган арава учраб қолади, ундаги йигитлар қизларни қишлоққа яқин обориб қўйишади.

Вазият — шу, кайфият — шу, ҳаракат ҳам — шу: ҳаётдан олинган тугал бир парча.

Энди қизларнинг характерига назар солайлик.

Уларнинг характерлари ташқи суратлари орқалиёқ яққол намоён бўлади: Турсуной паранжига ўраниб олган жувон, оёғида махси, нукул атрофга жовдираб қарайди. Отда ўтирибди ҳамки, Мастоннинг белдан маҳкам қисиб олган. Мастончи? У юбка-кофта кийган, оёғида ағдарма этик, атрофга дадил боқади ва отни бемалол бошқариб боради.

Мастон ўқиган, оқ-қорани таниган қиз. Турсуной — ўқимаган, эриу тўрт девордан бошқа нарсани кўролмайдиган келинчак.

Айтиш лозимки, ҳикояда тасвир-

тасвирлайди, холос. Тасвирлаганда ҳам суратию сийратини омухта қилиб тасвирлайдики, муаллифнинг қаҳрамонларга бўлган муносабати беихтиёр равишда китобхоннинг уларга муносабати билан қўшилиб кетади: аниқроғи, бир бутунликни ташкил этади.

Тагин бир нарсани унутмаслик керак: Абдулла Қаҳҳор нафақат ажойиб адиб, балки ўз даврининг бутун бошли адабиётшунос ва танқидчиларига-да, ўзига хос устоз эди. Характер яратиш санъатини ҳам, асарда конфликтнинг аҳамиятини ҳам аъло даражада билар эди.

Шу ўринда Лев Толстойнинг ушбу сўзларини эсламай бўладими: «Ёзувчи ижод техникасини — санъат назариясини шу қадар яхши билмоғи керакки, у тўғрида ўйлаш эҳтиёжини сезмасин. Балки унга — назарияга янгиликлар қўша олсин...»

Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА,
филология фанлари номзоди

Ўзбекистон Президентининг янги асрнинг илк йили — 2001 йилни «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилишида катта ҳикмат бор. Зеро, «Соғлом авлод йили»да улгуролмай қолган юмушларимизни яқунлашда ҳамда ўсиб келаётган навқирон авлод истиқболи ана шу ҳикматда намоён бўлади. Республика ҳукумати, шахсан Президентимиз фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун изчил сиёсат олиб бормоқдалар. Хусусан, «Оила йили» ўз ўрнини «Аёллар йили»га бўшатиб берди. Сўнгра «Соғлом

ҳазратларига итоатли, садоқатли, адолатли қилиб тарбиялаган, хусусан Мирзо Улуғбек тарбиясига катта эътибор берган: Мирзо Улуғбек ўз сабоқларини доимо духоба жилдли дафтарга ёзиб борган. Бир куни соҳибқирон сарой аъёнлари орасида уни имтиҳон қилмоқчи бўлади. Бибиҳоним унинг иқтидори, билимини синаш мақсадида дафтарни беркитиб қўяди. Улуғбек дафтарни қидиради, аммо тополмайди. Охири бир кечада барча сабоқларини бошқа дафтарга кўчиради. Имтиҳондан муваффақиятли ўтади. Шундан сўнг Бибиҳоним ян-

ҳам аямай жазолашидир.

Юртимизда ёшларни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳсинга сазовордир. «Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон!» кўшиқ фестивали айна муддао бўлди. Президентимиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббускор гуруҳи билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқларида шундай деган эдилар: «Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган

ЁШЛАРИМИЗ БАХТИ

авлод йили»да тер тўқдик. Бу йил эса «Оналар ва болалар йили»ни муносиб яқунлаш учун интилоқдамиз. Аср бошида шундай бўлиши табиий: учинчи минг йилликнинг бош вазифаси ҳам баркамол авлодни вояга етказиш экан, бу йўлда ҳеч иккиланмай барча ўз хиссасини қўшмоғи лозим. Чунки оилада онанинг ўрни ва мавқеи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Онанинг алласига қулоқ солганмисиз? У ҳеч қачон алласида биронта ёмон сўз ишлатмайди. Унинг биринчи бор гўдагига тутгани меҳру муҳаббат. Биринчи айтган сўзи тинчлик, омонлик, биринчи фарзандига ато этгани кўзидаги зиё. Истиқлолимизнинг илк кунларидан биз аёлларга, демакки, оналарга катта иззат-икром кўрсатилмоқда. Бу иззат-икром ўз навбатида фарзандларимизга, демакки, эртанги кунимизга бўлган умидимиздир. Оналари соғлом, болалари баркамол юртнинг эртанги куни нурафшон бўлади. Бу асрлар синовидан ўтган ҳақиқат. Соҳибқирон Амир Темур фарзандлари тарбиясига катта эътибор берганини бир эслайлик. Соҳибқироннинг шахсан ўзи шахзодаларнинг илм олиши, тарбияси, ҳарбий салоҳиятининг ўсишини назорат қилиб турган. Оилада шароб ичиш ман этилган. Айниқса, ўғиллари, набираларининг жисмонан бақувват бўлишига эътибор қаратган. Оқила Сароймулкхоним — Бибиҳоним ҳам бу ишда фаол иштирок этган. У малика ва шахзодаларни соҳибқирон



ги дафтардаги ёзувларни духоба жилдли дафтардагиларга солиштиради. Буни қарангки, Улуғбек на биронта сўзда, на биронта белгида хато қилмаган экан. Бу ҳикоят биз учун ҳар жиҳатдан ибратлидир. Зеро, авлодларимиз фақатгина жисмоний эмас, балки маънавий соғлом, тафаккури кенг, саботли бўлиб улғайиши керак.

Амир Темур ҳазратларининг яна бир ибратли тарбияси — бу келинларни ўзи танлаши, уларни ниҳоятда эъзозлаши, аёлларни ранжитса, ҳатто ўз фарзандларини

ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат-марказида турганлигини яна бир марта уқтириб ўтмоқчиман. Барчамиз бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган бир ачиқ ҳақиқатнинг маъно, мазмунига етиб боришимиз зарур. Бу ачиқ ҳақиқат шундан иборатки, агарда кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизни қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиатимиз ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади».

Демак, ёшлар доимо диққат-марказимизда турмоғи, уларнинг мақсади ва иродасини аниқ мақсадларга йўналтирмоқ зарур.

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, биздан кўра билимдон, энг муҳими биздан кўра бахтли бўлишлари шарт. Буни шиор сифатида дилимизга маҳкамламоғимиз зарур. Аслида оналар ва болалар йилининг ҳам, «Камолот» жамғармасини қайта ташкил қилинишидан кўзда тутилган мақсад ҳам шу.

Фаридахон САИФНАЗАРОВА,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент

Халқаро маданий ҳамкорлик



Истиқлолга эришган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва ҳукуматимиз давлатимизни жаҳон ҳамжамиятига кенг кириб бориши, дунёнинг барча давлатлари билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий алоқаларни кучайтиришга катта эътибор бера бошлади. Бу муносабат Фарбий Европадаги энг йирик давлат — Франция билан дўстона ҳамкорликни ўрнатишда ҳам кенг кўламада ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Унинг асосини 1993 йилда имзоланган «Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома» ташкил этади.

Ўзбек-француз алоқалари асрларга тақалади. Бу тўғрида юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов, жумладан, шундай деганлар: «Бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимизни ўрганишда француз шарқшунослари «кашшофлик» қилганлар ва ажойиб натижаларга эришганлар». Мавлумки, соҳибқирон Амир Темур ва қирол Карл VI даврида иккала халқ ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган эди.

XX асрга келиб, Франция давлатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олди ва ўзаро дўстона ҳамкорлик йўналишини тутди. Бу ўринда юртбошимиз Ислон Каримовнинг 1993 йил ва 1996 йиллардаги мазкур мамлакатга сафарлари жуда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Президентимиз ташриф чоғида «Ўзбекистон Франция халқига зўр эҳтиром ва ҳурмат билан қарайди. Ўзбеклар ва французларни эзгулик, меҳмондўстлик, қувноқлик, тинчлик ва фаровонликка интилиш каби муштарак хусусиятлар яқинлаштиради», деб айтди.

Президентимиз 1994 йил 16 августда «Пари-матч» журналининг мухбирлари Катри Брасс ва Рикардо Корриаслар билан учрашувда таъкидлаб ўтганларидек, тараққиётнинг француз ва ўзбек тизимлари ўртасида умумийлик борлигига ҳаммамиз гувоҳ бўламиз. Бинобарин, ҳуқуқий давлат ва фуқаровий жамият қуриш вазифаси ўзга давлат тажрибасини танқидий англаш ва ўзлаштириш, унинг ижобий томонларини жорий этиш, кундалик ҳаётимизга тадбиқ қилишни талаб қилмоқда — фақат шундагина биз ижтимоий фаровонликка эришишимиз мумкин.

1996 йил 17 апрелда Халқаро дипломатия Париж Академиясида И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда қатнашган Франция пойтахтидаги энг йирик оммавий ахборот воситаларининг вакиллари юртбошимиз китобининг оламшумул аҳамияти, унинг халқаро муносабатларга таъсири ва ўзбек-француз маданий алоқалари нақадар ривожланганлигини таъкидлаб ўтдилар.

90-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам ҳамкорлигимиз давом эттирилди ва биз маданиятларимизнинг яқинлашувига гувоҳ бўлдик. Масалан, ЮНЕСКО ташаббуси билан ташкил этилган ва соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги бағишланган «Темурийлар давридаги фан, маданият ва таълимнинг юксалиши» ҳафталиги Францияда Ўзбекистон ва унинг раҳбарининг юксак обрўйи борлигини яққол кўрсатди. Амир Темурнинг Европани мўғул истилочиларидан озод қилишдаги ўрни ҳақида мароқ билан тарихий далиллар асосида айтиб ўтилди. Тадбирда юртбошимизнинг қатнашганлиги француз жамоатчилигига катта таъсир кўрсатди. Ҳафталик давомида И.А.Каримов машҳур темуршунос олим Лусьен Керенга «Шухрат» орденини топширди ва бу иккала мамлакат ўртасида маданий ҳамкорликни кучайтиришга янги замин яратди.

1997 йил январь ойида Парижда «Ислон, Франция ва Европа: келажакимизни қандай қураимиз?» мавзuida халқаро форум ўтказилди — унда, айниқса, жаҳон маданиятига муслмон динининг таъсири билан биргаликда миллий маданиятни дунё ҳамжамиятига кенг равишда интеграциялаш мақсадида халқаро доирада Европа ва Марказий Осиё ўртасида ҳамкорлик қилиш ниятлари билдирилди.

1997 йил июнь ойида Сорбонна комплексида жойлашган ва 13 та университетни бирлаштирган Париж Академиясида И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда маданий ҳамкорлик борасидаги куч-ғайратларни бирлаштириш ҳаётий зарурат эканлиги, шу соҳада аждодларимизнинг энг яхши анъаналарини тиклашга қаратилган хилма-хил алоқалар муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон ва Франция мамлакатлари ўртасидаги маданий ҳамкорликни мустаҳкамловчи бир қатор чоратadbирлар амалга оширилди. Жумладан, Парижда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини тантанали

нишонлаш айниқса диққатга сазовордир. 1998 йилда «Наврўз» арафасида Париждаги халқаро анжуманлар марказида «Ўзбекистон билан учрашув» бўлиб ўтди. 2000 йил апрель ойида Тошкентдаги ёшлар театрларининг халқаро фестивалида француз труппалари ҳам қатнашди. 2000 йил ноябрда французлар билан ҳамкорликда мустақил Ўзбекистон археологлари Челак туманидаги қадимий Кўктепа қалъасидан Сак маликаси қабридан ноёб буюмларни топишди, улар миллий тарихимиз ҳақидаги тасавурларимизни бойитибгина қолмай, Ўзбекистон чиндан ҳам башариятнинг энг қадимги бешикларидан бири эканлигини тасдиқлади. Француз маданияти кунларининг Ўзбекистонда, ўзбек маданият кунларининг Францияда ўтказилиши бу мамлакатлар маданий алоқалари кенгайишида катта аҳамият касб этди. Масалан, Тошкентда Марказий Осиёни ўрганиш Француз маркази ва «Альянс Франсез» ташкилотининг фаолият бошлаши, Самарқанд ва Бухорода «Француз маданияти маркази»нинг ташкил этилиши, Бухорода француз тилига ихтисослаштирилган 29-ўрта умумтаълим мактаби ва Бухоро давлат университетининг француз тили кафедраси ана шундай ҳамкорлик натижасидир.

Маънавий ҳамкорликка буюк ўзбек алломаларининг асарларини таржима қилиш ва нашр этиш ёрқин мисол бўла олади. Жумладан «Бобурнома» асари минглаб француз ўқувчилари қўлига етиб борди. Ўзбекистон ва Франция театр, мусиқа, рассомчилик фестиваллари ҳамда декадалари ўтказилмоқда. Француз олимлари «Шарқ тараоналари» халқаро анжуманида иштирок этмоқдалар ва «Шашмақом»ни ўрганишга ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Ўзбек ва француз шаҳарлари ўртасида биродарлашган алоқаларни ўрнатиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Франция Республикасининг Президенти Жак Ширак юртбошимизга қараб «бизнинг муносабатларимизнинг ижобий ривожланиши Сизнинг ўз мамлакатингизни дунёга, хусусан Европага очиш истагингиз туфайли мумкин бўлиб қолди», деган сўзлари ҳаммани эсида. Дарҳақиқат, кўнгли очик ўзбек халқи Буюк ипак йўлини тиклаш ниятини кўзлаб ва Амир Темур ўғитларига таяниб, Европанинг барча мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Қаҳрамон ТУРСУНОВ,
«Маънавият ва маърифат»
жамоатчилик маркази Бухоро
шаҳар бўлими мудири

Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти совриндори Тошпўлат Арслонқуловнинг таваллудига 120 йил тўлди. Ўзбек ганчкорлик санъатининг машхур усталаридан бири, устазода Арслонқулов 1882 йили Тошкент шаҳрида ганч ўймаkori оиласида туғилади. Унинг отаси Арслонқул Назаров ўз даврининг машхур усталаридан бири эди. Унинг ота-боболари ҳам ганч ўймаkori бўлишган. Арслонқул Назаров ўғлини 12 яшарлигидан хунар ўргатиш учун ўзи билан олиб юрди ва ганчкорлик санъатининг сирларини, нақш композициялари тузишни, уларни ўйиб, ўзига хос пардоз бериш йўллари яхшилаб ўргатиб борди. Отаси Тошпўлатга аста-секин оддий ҳамда мураккаб вазифалар топширди ва у баъзи композицияларни ўзи мустақил тузди. Ота-бола Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Фарғона каби шаҳарларга бориб, ганч ўймаkoriлик ишларини бажардилар. Бу шаҳарлардаги маҳаллий бойларнинг меҳмонхоналарини, саройларини ажойиб ганч ўймаkoriлик ишлари билан безадилар. Уларнинг номлари кўпгина шаҳарларга танилди. Улар хонани ўйма гулли намоёнлар, тоқчалар, китоба ва бошқача ишлаб, четини занжира ва рута ислими ҳамда геометрик нақшлар билан ишлар эдилар. Хонага нур ва ҳаво кириб турадиган жойларини кўпинча ганч панжара билан ўйганлар. Ўйма ганчлар ўзбек уйларининг зебу зийнати ҳисобланган. Ўша вақтларда безаган биноларнинг баъзи бирларигина сақланиб қолган. Ота-бола XIX асрнинг охирларида тошкентлик Юсуп Давидовнинг уйидаги айвон ва меҳмонхонани ганч ўйма билан безаганлар. XX аср бошларида дипломат А.Половцев Тошкентда яшарди. А.Половцев Туркистон археологияси ҳаваскорлари тўғараги аъзоси бўлиб, у Шарқ маданиятига жуда қизиқар эди. Шунинг учун у ўзига европача уй қурдиради. Бино баланд айвон, меҳмонхона, ётоқхона ва бошқа хоналардан ташкил топган. А.Половцев ўзбек халқи санъатини яхши биладиган этнограф М.С. Андреевни безак ишларига бошлиқ қилиб тайинлайди. Бу бинони безашга Тошкентдан, Қўқондан ва Бухородан ганч ўймаkorлари, наққошлар таклиф этилади. Шу усталар ичида Уста Арслонқул ота ва Тошпўлат Арслонқулов бор эди. М.С. Андреев ганчкорлик ишларини усталарга тақсимлаб беради. Ниҳоят, 1902-1903 йилларда европача қурилган уй ўзбек миллий безагида безаб битказилган. Уйнинг айвони, катта зали ва ётоқ-

Устазода



хонаси жуда жимжимадор қилиб безатилган. Айниқса Тошкент ганчкорларининг ишлари ўзига хос характерда эди, уларнинг ўйма нақш композициясида катта шобарг ва тўп барглари йирик жимжимадор қилиб безатилган бўлиб, ўйма чока пардоз берилган. 1910 йилда архитектор А.Бурмейстер уста Тошпўлат Арслонқуловни ўз қурилиш ишларига жалб қилади. Тошпўлат Арслонқулов кўпгина замонавий бинолар, маданият саройлари, театр, клуб, ҳукумат уйлари ва тураржойларни безади. 1929 йили Тошкентда Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри қурилади. Ундаги безак ишларида Т. Арслонқулов қатнашади. 1936-1938 йилларда Москвадаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасидаги Ўзбекистон ва Туркманистон павильонларини безашга Ўзбекистондан ганч ўймаkorлар, наққошлар ва ёғоч ўймаkorлар жалб этилади. Кўргазмада ганч ўймаkorларидан Уста Ширин Муродов, Шамсиддин Ғофуров, Уста Усмон, Тошпўлат Арслонқулов ва бошқалар қатнашадилар. Тошпўлат Арслонқулов ажойиб ганч ўймаkorлик иши билан ўз ҳиссасини қўшади.

1947 йили Тошкентда машхур архитектор А. Шусев лойиҳаси бўйича Навоий номли опера ва балет катта театри биноси қуриб битказилди. Театрнинг 6 та залини Тош-

кент, Самарқанд, Термиз, Хива ва Хоразмдан келган ганч ўймаkor усталари безадилар. Тошпўлат Арслонқулов ўз шогирдлари билан Тошкент залини безади. Тошпўлат Арслонқулов фақат биноларни безашда қатнашибгина қолмай, жуда кўп шогирдлар ҳам тайёрлади. У ганч ўймаkorликда олган бутун тажрибаларини ёшларга ўргатди. 1952 йилдан бошлаб П.П. Беньков номли республика бадий билим юртида ганч ўймаkorлигидан дарс берди. Кўпгина бўлажак усталарга ўз тажриба ва маҳоратини ўргатиб, И.Зайнутдинов, Тиркашев, И. Романов, С.Беохин, В.Зафаров каби шогирдлар тайёрлади. Тошпўлат Арслонқулов Тошкент шаҳрида 1962 йили вафот этди. Т. Арслонқуловга халқ амалий санъатини ривожлантиришда қўшган ҳиссаси учун 1944 йили Ўзбекистон халқ рассоми деган унвон берилди. 1948 йили Тошпўлат Арслонқулов А.Навоий номли опера ва балет катта театрини безашда қатнашгани учун Давлат мукофотига сазовор бўлди. Моҳир ганч ўймаkori ўзбек халқи қадимий санъатининг миллий аъналарини давом эттириб, ажойиб санъат асарлари дурдоналарини қолдирди. Устанинг ноёб ўйма нақшлари ёш ганч ўймаkorларига мактаб вазифасини ўтамоқди.

Саидахбор БУЛАТОВ

Оро-пардоз мўъжизаси

Ясан-тусан қилиб, гавдани, юзни, сочни, қош-кўзларни парваришlash аждодларимиз томонидан оро-пардоз деб аталган. Оро — бу мавсум, тўй-ҳашам ва байрамларга, меҳмондорчиликларга мос либосларни танлаб, тиктириб кийиниш, шунга яраша пойафзал ишлатиш, тана ва чеҳрага ярашиб туришини кузатиш бўлса, пардоз деганда юзга, қош-кўзларга, қўлларга, бармоқларга эстетик жиҳатдан кўркам, табиий ва сунъий бўёқлар бериш, турли тақинчоқлар тақиш тушунилади. Оро-пардоз биринчи галда хотин-қизларга тааллуқли, албатта. Утмишда хонлар саройларида маликалар ва бегойимларга хизмат қилувчи машшоталар фаолият кўрсатган. Келинларга пардоз беришга нафақат юқори табақалар орасида, балки оддий халқ орасида ҳам жуда катта эътибор билан қаралган. Биргина ўсма кўйишининг ўзи бир қатор маросимларни ўз ичига олувчи бутун

бир бадий-эстетик силсиладир. Ҳайит кунлари олдидан хино кўйишни айтмайсизми! Қўлларга-оёқларга, баъзан танага рамзий белгилар билан, яхши ниятлар тилаб хино кўйишда қиз-жувонлар бир-бирлари билан бахslashанлар.

Аммо барибир оро-пардоз нукул хотин-қизларга хос санъат деб бўлмайди. Ўзбекистоннинг шаҳарлари ва қишлоқларида турли кишилар, айниқса, бойваччалар олифта кийинишга, ясантусанга катта эътибор беришган.

Оро-пардоз ҳатто болаларга ҳам дахлдор бўлган. Яхши кунларда уларнинг ёшига қараб кийинтириш, қизалоқларнинг сочларини пилталик қилиб ўриш, ўғил болаларнинг дўппиларига жиға тикиш шундан далолат беради. Халқ орасида «Онангни отангга бепардоз кўрсатма», деган нақл бор.

Оро-пардоз санъат аҳли: созанда, хонанда, рақс усталари, масҳарабоз ва қизиқчилар, халқ цирки намояндалари ҳаётида муҳим ўрин тутган. Улар томошабинлар олдига гаройиб либосларига турли тақинчоқлар тақиб, ҳатто чолғу асбобларига зеб берган ҳолда чиқишган. Халқ актёрлари, масҳарабозлар ва қизиқчилар эса ўз томошаларида оқ, қизил, қора бўёқлардан фойдаланиб кулгили тимсол яратганлар.

XX асрда дунёга келган янги ўзбек театрида Оврупо театрининг бу соҳадаги тажрибасидан ҳам фойдаланилган.

Дастлабки даврларда оро-пардоз билан мохир актёрлар, режиссёрлар, рассомлар шуғулланишган. Бора-бора бу иш гримёр, вижажист ёки пардозчи номини олган махсус мутахассислар елкасига юкланган.

Ҳўш, театр санъатида оро-пардознинг вазифалари нималардан иборат?

Саҳна асари кўпчиликнинг машаққатли меҳнати натижаси ўлароқ юзга келади. Асар муаллифи, режиссёр, актёрлардан ташқари унинг яратилишида либос ва декорация рассомлари, мусиқачилар, грим усталари ва яна бир қанча саҳна ходимлари қатнашадилар. Аммо спектаклнинг асосий, ҳал қилувчи омили бу актёрдир. У айнан ўзи яратадиган образ орқали асар ғоясини ва режиссёр мақсадини томошабин қалбига етказди. Ўринли топилган пардоз эса актёрга нафақат ижодий кўтаринкилик ҳаёда этади, балки образни очишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Саҳна декорацияси воқеалар кечаётган муҳитни, либос шу муҳитдаги персонажнинг ташқи қиёфасини яратса, пардоз қаҳрамоннинг феъл-атвори, ички ҳолатларини очишга кўмаклашади.

Саҳна пардозининг яратилиш тарихи асрлар қаърига, диний маросимлар даврига бориб тақалади. Санъаткорлар қадим-қадимдан ҳар хил бўёқлар суришган. Айниқса, Шарқ театрида пардоз санъати юқори даражада ри-

вожланган. (Оврупо театрида эса саҳна пардозини фақатгина XVIII асрнинг бошида юзга келди. Нега деганда, аввал пардозга талаб бўлмаган. Очиқ майдонларда, амфитеатрларда қўйилган томошалар учун фақат ниқоблар ишлатилган.) Япон, хинд, хитой театрларида ҳозир ҳам аънавий унсурлардан воз кечмай, ниқоблар ва турли рамзий маъно берувчи ранглардан истифода қилинади. Ранглар мутаносиблигига алоҳида аҳамият берилди. Оқ ранг ёвузлик ва жоҳиллик, кўк — куч ва адолат, қизил — ростгўйлик маъноларини англатади.

Театр санъатининг тобора ривожланиши ниқоб воситасидан воз кечишни талаб қилди. XVIII аср француз театрининг трагик актёри Тальма театр тарихида биринчи бор пардозни профессионал даражага олиб чиқди. У яратган қаҳрамонлар пардоз ўринли топилгани учун асар ғояси, образ қиёфаси тўла ва ишончли даражада очиб берилган. Ўз даври учун бу ҳодиса кашфиёт эди.

Ҳозирги кунда театрларда ишлатиладиган ёгли бўёқлар XIX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлиб, пардоз санъатида кескин ўзгаришларни юзга келтирди.

Пардоз қилаётганда икки асосий шартга эътибор бериш керак:

1. Пардоз қанчалик енгил ва содда бўлса, шунчалик қулай.
2. У қанчалик ёрқин ва таъсирчан бўлса, шунчалик ижрочи учун кенг йўл очиб беради.

Пардоз устида иш олиб бориш уч босқичдан ташкил топади. Биринчиси, керакли маълумотлар тўплаш, йиғиш, ўрганиш (пьеса, рол, тарихий шароит, турмуш тарзи ва ҳоказо). Иккинчиси, йиғилган маълумотларни саралаш ва образнинг ташқи қиёфасини яратиш. Ниҳоят, учинчи босқич ижрочини шу қиёфада гавдалантириш.

Пардоз учун асосий манба бўлиб пьеса, саҳнага қўйилган асарнинг ўзи хизмат қилади. Нега деганда, кўпинча драматурглар пьесанинг ўзида ҳар бир персонажга хос қиёфа, феъл-атворларни белгилайдилар. Масалан, А.Н.Островскийнинг «Тарбияланувчи» пьесасида бир персонажга шундай таъриф берилган: «Уланбекова, озғин ва баланд бўйли, катта бурунли, қалин ва қора қошли, ёши олтмишларга борган кампир». Кўриб турганингиздек, бу мисолда қаҳрамоннинг ташқи кўриниши, ёши аниқ кўрсатилган. Фаросатли рассомга шунинг ўзи кифоя.

Пардозчи-рассом синчков бўлиши шарт. Чунки у яратиши лозим бўлган образлар реал ҳаётдан олинади. Яна бир нарса, пардозчи-рассом юксак дидли ва ҳозирги замон косметикасидан хабардор бўлиши лозим.

Бунинг учун пардозчи-рассом асарни яхши билиши, уни изчил ўрганиши керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари у қўл остидаги барча ёрдамчи материаллар (гумоз, парик)дан мо-



хирона фойдаланиши ва, энг асосийси, ҳар қандай пардоз спектаклнинг бадиий ғояси ва жанр услубига мос бўлиши керак.

Оро-пардоз санъати ўзбек театрида ҳам ўз ривожига бир неча босқични босиб ўтди. Театрнинг шаклланиш даврида пардозчи хизматини кўпинча актёрларнинг ўзлари бажаришган. Яратилаётган тимсол сажиясига қараб кийим танлашган, билганларича юзга пардоз беришган, аёл ижрочилар қаҳрамонларининг ёши, феъл-атвориغا қараб қош-кўзларини бўяшган, эркаклар ясама соқол-мўйлов ёпиштиришган. Аммо ўқувсизликдан бу иш ҳамма вақт яхши натижа беравермаган. Шу боисдан 20-йиллар матбуотида ўқтин-ўқтин танқидий мулоҳазалар учрайди. Масалан, Қаландар тахаллусли танқидчи «Турон» сахнасида Шамсиддин Сомибекнинг «Коваи оҳангар» асарини сахналантирилиши муносабати билан ёзилган тақризда «тузаниш»га (яъни грим) кўп аҳамият берилмаслиги айтилиб, шундай дейилади: «Тузаниши шошилиб ясайдилар-да, сўнгра сунъий сочлар ортидан ҳақиқий сочлар «мана мен» деб кўриниб қолади» («Туркистон», 1923, 6 февраль). Аммо ўзбек актёрлари Москвада ўқиб, малака орттириб келганларидан кейин (1927 й.) театр пардозига ҳам кескин ўзгариш юз берди. Пардоз билан махсус мутахассислар шугуллана бошлади. 30-йилларнинг ўрталаридан, айниқса, Ҳамза номидаги академик драма театрида Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедияси сахналантирилганидан бошлаб пардознинг савияси ошиб борди. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда махсус пардозчилар, сахна техник ходимларининг нуфузи ортди. Ҳамза номидаги академик драма театрида узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, гримчи-рассом Зета Алиевна Залькинд меҳнат қилиб, «Алишер Навоий», «Шоҳ Эдип», «Макр ва муҳаббат», «Бой ила хизматчи», «Қирол Лир», «Ўғирланган умр» спектаклларида қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаларини шакллантиришда ўзининг муҳим ҳиссасини қўшди. У ўз ишига ижодий ёндошиб, қаҳрамонларнинг портретлари силсиласини яратди. Ҳозирги кунда З.Залькинд аъёнларини В.Абдуқундузова давом эттириб келмоқда. Унинг санъати кўшилган «Соҳибқирон», «Чимилдиқ», «Шайтон ва фаришта», «Пири коинот», «Етти фарёд» номли спектакллар томошабинлар ҳурматини қозонди.

Мамлакатимиз театрларида фаолият кўрсатаётган пардозчи-рассомлар оро-пардоз санъатининг савиясини кўтариб, юртдошларимизнинг театр санъатига қизиқишини янада оширадилар деган умиддамыз.

Дилафруз ҚОДИРОВА,
тадқиқотчи

Ёғоч ўймакорлиги

Амалий санъат халқ хунармандчилиги соҳасида мактабдан ва синфдан ташқари ишларда ҳал этилиши лозим вазифалардан бири ўқувчиларни ижодкорлик фаолиятига йўналтиришдир. Ижодкорлик ҳис-туйғуси яққол сезиладиган, мустақил фикрлай ва ишлай оладиган кишигина ўзига хосликка, эркинликка эга бўлади ва ўхшаши йўқ, бир-бирини такрорламайдиган асарлар ярата олиши мумкин. Ижодкорлик инсон мустақил фаолиятининг ва фаоллигининг олий шаклидир. Инсоннинг ижодкорлиги унинг маҳсулининг (маънавий ва моддий) ижтимоий аҳамияти ва янглиги, софлиги даражаси билан ўлчанади. Ижодий жараённинг бир қанча ўзига хос жиҳатлари уни оддий фаолиятдан ажратиб туради.

Тўғаракларда болаларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда, уларнинг эстетик тарбиясига ҳам эътибор қаратиш лозим. Ўқувчиларнинг нақшларни ёд олишларида, тасвирлашларида уларнинг ижодкорлик қобилиятлари, кузатувчанликлари, мулоҳазакорлик ва сермушоҳадаликлари, фикрлашлари тараққий этиб боради. Нарсалар ва ҳодисалар тўғрисида билимлари кенгайди, амалий санъатга, гўзалликка, ҳаётга қизиқишлари кучаяди; табиат, олам, жамият, инсон гўзалликларини ҳис эта оладиган гўзал ин-

сонга айланиб боради. Ёғоч ўймакорлигини ўрганишда болаларнинг ёши руҳиятига хос хусусиятларини ўқитувчи ва мураббий уста мутлақо унутмаслиги лозим. Болаларнинг ёш ривожланиши хусусиятларига кўра, хотиранинг кучи, эсда сақлаш ва эсга тушириш тезлиги, жисмоний ривожланиши, масалан, юк кўтара олиш, болға (тўқмоқ, босқон) билан чакични, исқанани ура олиш қувватини мўътадиллаштира олиш, кўрган, эшитган, ўқиган ахборотларни эслаб қайта ёдга тушириш, ўз фаолиятида қўллай олиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Болаларнинг турли ёш даврларида, бир ёш давридан иккинчисига ўтишда унинг руҳиятида, ривожланишида бўладиган ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Турли топшириқларни ҳар бир ёш даврига мослаб бериб бориш эътиборга лойиқ омилдир. Масалан, болалик, ўсмирлик ва ёшлик даврларида, бу даврларнинг бирдан иккинчисига ўтишда болалар характерида, руҳий ҳолатида сезиларли ўзгаришлар бўлади. Тўғарак раҳбари бу ўзгаришларни кўра олиши зарур. Аксинча гуруҳдаги асосий қисм болалар бир ёш давридан иккинчи босқичига сезиларли ўзгаришлар билан ўтса-да, баъзи болалар ривожланишда тенгқурларидан орқада қолган, руҳий эзилган, ҳаракатлари суст, қизиқишлари паст эканлиги намоён бўлади.

Тўғарак раҳбари ўқувчиларнинг ёш, шахсий, руҳий хусусиятларини ҳисобга олиб, уларга топшириқлар бериб боришда дастлаб тайёр андозалар ҳам бериши мумкин, аммо, тайёр андозаларни доимий равишда бериш мумкин эмас, чунки андозалар билан доимий ишлаш болаларни ижодий мушоҳададан, мустақил фикрлашдан чалғитади.

Муҳаммадумар АҲМЕДОВ,
Низомий номидаги ТДПУ
ўқитувчиси



«Ватанни севмоқ иймондандир». Нақадар ихчам, нақадар сермазмун таъриф! Бу пурҳикмат ҳадисга ҳамшиша амал қилиб келганмиз ва у қон-қонимизга сингиб, дил-дилигимиз, қалбимиз тўридан чуқур жой олгандир. Шу боис, инсон боласи учун сув билан ҳаводек зарур бўлмиш Ватан ишқи бизни комиллик, поклик ва ҳалолликка чорлайди. Шууримизни мунаввар этиб тургувчи рўшнолик, комил инсонлигимиз ҳам шундан озикланади. Эзгуликларга етакловчи дилимиздаги бир ҳовуч гавҳаримиз ҳам шундан чў олади.

Санъатшунос олим, профессор Маннон Убайдуллаев ҳеч иккиланмасдан мураккаб ва масъулиятли, шунинг билан бирга гоят шарафли касбни танлади. Бу касбда меҳнатингизнинг натижаси тезда кўрина қолмайди. Унинг учун узоқ йиллар тинимсиз тер тўқасиз, кунни тунга улаб, изланасиз. Бамисоли игна билан қудуқ қазийсиз.

Олим босиб ўтган сермашаққат йўл-

ларим», Ёнгин Мирзонинг «Шайдо айлаган қиз», А.Шахметовнинг «Алдар кўса» спектакллари муваффақият билан саҳналаштирди. Бу спектакллар Қашқадарё ва Сурхондарё, Наманган вилоят томошабинлари қалбидан чуқур жой олди.

Маннон Убайдуллаев тинмай изланди. Энди у фақат режиссура санъати сирлари такомили билан кифояланмай, бир вақтнинг ўзида ижодкорлик ишларига ҳам қўл урди. Шу эзгу ният билан 1968 йили яна пойтахтга қайтди ва республика радиосида режиссёрлик вазифасини давом эттирди. Бу ерда ижодкор учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд эди. Балалар ва ўсмирлар учун кўплаб эртақлар ёзиб олди ва жонлангирди. Салкам қирқ йилдан буён радио тингловчиларнинг севимли журнали бўлиб келаётган «Табассум»ни ташкил қилишда жонбозлик кўрсатди ва унинг асосий етакчи режиссёрларидан бири бўлиб, кўп йиллар ижод қилди. Шу вақтнинг ўзида ўнлаб оригинал миниатюралар ёзди. Катта бадий спектаклларни радио тилига кўчиришда моҳир режиссёрлар Баҳодир Йўлдошев, Рустам Ҳамидовлар билан бир сафда туриб ҳамкорлик қилди. Етук ва машҳур санъат-

корлар Наби Раҳимов, Амин Турдиев, Ҳамза Умаров, Рауф Болтаев, Жўра Тожиев каби актёрлар билан ишлаш бўлажак олимга кўп нарсаларни ўргатди. Энди у фақат спектакль ва эшиттиришларни тарғиб қилиш билан кифояланмай, бевосита ўзи ҳам мустақил асарлар ёза оладиган, янги фикрли такризлар билан матбуотда кўринадиган, театр ва телерадио асарлари устида жиддий фикр юритадиган бўлди. Шу аснода унинг ўнлаб тақриз ва илмий мақолалари, кўплаб рисола ва илмий ахборотлари, китоблари эълон қилинди. Диссертация мавзуси ҳам телерадио асарлари, унинг бугуни, эртаси ва келажаги, янгидан-янги муаммолари хусусида бўлди. Шу-шу Маннон Убайдуллаев ҳаётида янги соҳа — педагогик ҳаёти бошланди. У узоқ йиллар мобайнида орттирган бой тажриба ва билимларини ёшларга ўргатадиган, улар билан баҳам кўрадиган даражага етди. Тошкент Давлат Маданият институтида аввал етакчи ўқитувчи, кейинчалик кафедра мудири вазифасида хизмат қилар экан, мураббийлигини асло ёддан чиқармади.

Талабаларнинг кўплаб дипломи ишларига бош-қош бўлди, талай асарларни саҳналаштирди. Унинг таълимини олган истеъдодли шоғирдлари жуда кўп ва улар мамлакатимизнинг турли жойларида муваффақият билан хизмат қилмоқдалар.

Профессор Маннон Убайдуллаев бир неча йиллардан бери Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтида кафедра мудири, айна бир вақтда декан вазифасида ҳам хизмат қилмоқда. У янги мутахассислари — телевизион режиссёрлар, кинотелеоператорлар, овоз режиссёрларини тайёрлашда сидқидилдан фаолият кўрсатаётди.

Истиқлол ва Мустақиллик шарофати билан илм соҳасида ҳам янгидан-янги имкониятлар очилди, қулай шароитлар туғилди. Убайдуллаев ўзининг эстетик қарашларини илмий ва назарий мақола ҳамда рисолаларида баён этиб, кенг китобхоналар оммаси билан баҳам кўра бошлади, унинг барча асарларида назарий ва амалий ишлар ҳар доим уйғунлашиб, чатишиб кетади. Барчага аёнки, мустақиллик ва Наврўз муносабати билан ҳар йили мамлакатимизнинг кўпгина жойларида катта халқ сайиллари-театрлашган халқ томошалари уюштирилади. Бундай томошалар устида бир неча ойлаб тер тўкиб меҳнат қилинади. Айниқса, бу ишда режиссёрнинг хизмати алоҳида таҳсинга сазовордир. М. Убайдуллаев ана шундай режиссёрлар билан бир сафда туриб хизмат қилади. Ёнига шоғирдларини олиб, уларни ҳам эзгу ишларга ўргатади. Хиванинг 2500 йиллиги, Ал-Фарғонийнинг 1200, Жалолиддин Мангубердиннинг 800 йиллик юбилей тантаналарини ўтказишда моҳир режиссёрнинг хизматлари каттадир.

Мана, устоз шоғирдлари тўпланган аудиторияга ўзига хос табассум билан кириб келди. У асосий машғулот мавзусини баён қилишдан аввал қисқача кириш сўз қилди. Бу гал ҳам гапни «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳадисидан бошлади. Лекин бу сафар унинг янги қирралари хусусида фикр юритилар, талабалар зўр эътибор билан тинглашарди... Бизнинг ким ва қандай инсон эканлигимиз, иймонимиз бутунлиги, Ватанимизга бўлган меҳримиз, яъни ҳақиқий ватанпарварлигимиз билан ўлчанади...

Ҳа, қадрдон дўстимиз Маннон Убайдуллаев қалбининг тўридан отилиб чиққан мазкур сатрларга тўлалигича амал қилади. Биз катта олим, жонкуяр мураббий ҳамда устоз, меҳрибон ота ва бобо, моҳир ташкилотчиға мустаҳкам саломатлик, жўшқин илмий, ижодий фаолият тилаб қоламиз.

Мели НОРМАТОВ,
ёзувчи, адабиётшунос

Маънавиятимиз

Жонкуяри

га бир назар ташлайлик. У 1940 йилнинг май ойида Оққўрғон туманида ишчи оиласида дунёга келди ва камол топди. 1959 йили ўнинчи синфни тамомлаб, Ангрен шаҳрида шофёрлик курсини тугатиб, ўша ерда ишлаш бошлади. Лекин санъатга бўлган ҳаваси ҳеч тинч қўймади. Вақт топиб ҳаваскорлар тўғарагида фаол қатнашди. У 1961 йили Тошкент маданият оқартув техникумига келди. Бу билан ҳам қаноатланмади. 1962 йили Тошкент Давлат театр ва рассомлик институтига ўқишга кирди. 1967 йили мазкур олийгоҳнинг драма режиссёрлик бўлимини муваффақиятли тугатиб, ўша йили янги ташкил этилган «Телефильм» студиясига ишга кирди. У ерда режиссура сирларини кунт билан ўрганди. Устозлардан олган билимларини амалиётга татбиқ этди. Натижаси ёмон бўлмади. Бир нечта фильмлар ижод қилишда қатнашди. Орадан кўп ўтмай, Қашқадарё вилоят маъмурияти талабига мувофиқ вилоят Маданият драма театрида режиссёр сифатида фаолият кўрсатди. Бу ижодхонада ҳам яхши ном, яхши из қолдирди. Абдулла Қаҳҳорнинг «Аяжон-



ДУНЁ ТАДЖИЁТТАН ИСТЕЪДОС

Таниқли рассом Рустам Худайберганов билан суҳбат

Рустам Худайберганов — 1946 йил 10 июлда Хоразм вилояти Урганч туманидаги Юқори Дўрмон қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тамомлаб, 1965-1970 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг бадиий-графика факультетида ўқиди. 1972-1975 йилларда Харков (Украина) Бадиий-саноат институтида, 1975-1979 йилларда Тошкентда, Театр ва рассомлик институтининг монументал тасвир бўлимида таҳсил олди. 1975-1993 йилларда Тошкентдаги ҳайкалтарошлик ва монументал санъат корхонасида ишлаб, мозаика, витраж, деворий тасвир ва безаш ишларини олиб борди. 1993-1996 йилларда М.Уйғур номидаги Давлат санъат институтида монументал-декоратив тасвир бўлимида мударрислик қилди. 1996-1999 йилларда Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий санъат ва дизайн институтининг монументал-декоратив тасвир кафедрасида муҳир бўлиб ишлади. Ҳозир мазкур билим даргоҳида мударрис.

— Тарихимизга, ўтмишдаги мунаввар сиймоларга қизиқиш менда аввалдан бор эди. Уларнинг образини яратиб, халқимизнинг маънавий бойлигига айлантириш ҳақида кўп ўйладим, кўп изландим. Умр ўтиб бораётир, чизаётган расмлар ҳам кўп эди-ю, аммо ўз ишимдан қониқиб ҳосил қилмасдим. Бирданига,

Мустақиллик даври бошланди, тарихий манбалар, аввал чоп қилинмаган китоблар нашр қилина бошлади, худди сўқир кўзларга нур қуйилгандай йўлларимиз равонлашиб, йўқотганимизни қайта топгандай ҳис қилдик ўзимизни.


— Дарҳақиқат, Рустам ака, ўзбек тасвирий санъатида фақат Сиз эмас, Сизга тенгдош бошқа рассомлар ижодида ҳам, айнан Мустақиллик даврига келиб «очилиш» фасли бошланди. Жумладан, бундай «гуллаб-яшнаш» даврини Сизнинг ижодингиздаям кузатиш мумкин. Айниқса, ўзингиз эътироф қилганингиздай, тарихий мавзулардаги асарларингиз — юқоридаги гапларингизнинг тасдиғи десак бўлади...

— Албатта. Ҳозирги пайтда етуқ, навқирон ўзбек мусаввирларининг ҳаммаси тўлиб-тошиб ижод қилишга киришди. Бирин-кетин ташкил бўлаётган кўргазмаларни айтасизми, уларда намоиш қилинаётган асарларни айтасизми, ўзининг ижоди билан томошабинларни ҳайратга солаётган, бодрокдай очилиб келаётган янги номларни айтасизми? Бу — жуда қувонарли ҳол. Қолаверса, ҳозирги ўзбек тасвирий санъати чин маънода ранг-баранглашди: мавзу, йўналиш, услуб жиҳатидан. Масалан, ҳозир бирон-бир катта кўргазмани томоша қилсангиз, унда «фотореализм»дан тортиб, абстрак-

ционизм йўналишигача учратиш мумкин. Булар ҳаммаси ижодкорга берилган эркинлик самараларидир. Сабаби, рассомларимизда изланиш кучли, малака жуда юқори. Улар изланмоқдалар, янги-янги ижодий услубларда ўзларини синаб кўрмоқдалар. Натижада эса жаҳон тасвирий санъати намоёндаларининг асарлари билан бемалол беллаша оладиган асарлар пайдо бўлмоқда. Ҳатто, бугунги рассомларимиз асарлари хориж кўргазмалари учун фахр-ифтихор бўлиб қолмоқда десам, янгилимайман. Буларнинг ҳаммаси сиз боя айтганингиз каби, «гуллаб-очилиш» даври — Мустақиллик билан бевосита боғлиқ. Мустақиллик бўлмаганида эди, ўзбек рассомлари хорижий мамлакатларда бунчалик маълум ва машҳур бўлолмасдилар.

— Демак, рассомлар фаолиятида ҳеч қандай муаммо йўқ, деб айтсак бўлар экан-да...

— Йўқ, ундай демоқчи эмасман. Зеро, муаммо бўлмаса ижод машаққати бўлмаса, умуман, ҳеч нарса-нинг қизиги қолмасди. Гап шундаки, ўзбек рассомларига ижод қилиш, изланиш учун шароитлар мавжуд ва бунга жавобан, яратилаётган асарлар савияси ҳам ниҳоятда юксак. Эндиги масала — ана шу асарларни бутун дунёга кўз-кўз қила олиш, тарғиб этишда. Мана, шу борада ишларни кўнгилдагидай деб бўлмайди.



Агар барча рассомларимиз ҳам чет элларга чиқиш, ўз асарлари кўргазмасини ўзлари ташкил этиш имкониятларига эга бўлса — асарларимизни чет эллардан излаб келаётганлар, буюртма бераётганлар сони янада ортган бўларди. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек тасвирий санъатининг жаҳон маданияти тараққиётидаги ўрнини белгилашда ниҳоятда муҳим иш бўларди.

— Хориж кўргазмаларига фахрифтихор бағишлайдиган асарларда ҳам, умуман ижодда миллий рух, миллий колорит асосий ўрин тутуши маълум. Бунинг аниқ-равшан мисолларини сизнинг асарларингизда ҳам кўришимиз мумкин...

— Тасвирий санъатда энг муҳими — ўз услубингни топиш. Мен ҳам ўз услубимни топиш учун шунча йиллар изландим, ўргандим, ижодий изланиш эса умуман, узлуксиз давом этаверадиган жараён, у тўхтамайди. Мен эса ҳар бир асаримда юртимизнинг ранглари, руҳияти, урф-одатлари сезилиб туришини, шуларнинг барчасини ўзимга хос услуб билан, ички бир туйғу, жозоба билан акс эттирилишини жуда истардим. Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қарич ери — мўъжизавий рангларга бой, осмонимиз эса тинч ва тиниқ, қуёшли. Мана шу гўзал диёримизни, шовуллаган афсонавий боғларимизнинг тароватини тасвирлашни ният қилганман. Зеро, она-юртингни гўзалликларини кашф этишдан, қуйлашдан, Ватан қуйчиси деб ном қозо-

нишдан улуг бахт йўқ ижодкор учун.

— Демак, ижодингизда туғилиб ўсган юртингиз Хоразм ва хоразмликлар мавзуи, айниқса, бўртиб туриши, эътиборни жалб қилиши бежиз эмас экан-да. Туғилган юрт меҳри — ижодингизга бадиий жозоба, сеҳрсинаот, гўзаллик бағишлаб турадиган энг асосий, бош омил экан-да?

— Бу — жуда муқаддас, дахлсиз бир туйғу. Айтайлик, мен мустақилликдан олдин ҳам туғилган юртим кишиларининг, айниқса, меҳнат ахли намоёндаларининг сиймоларини кўп чизганман. Масалан, «Тонг. Сувчилар гурунги» деб номланган картинада воҳа деҳқонларининг умумлашма сиймоларини яратганман. Уларнинг юз тузилиши, кийиниши, хатти-ҳаракатлари, руҳиятини бадиий муҳрлаб қолдириш мен учун муҳим эди. Асар кўргазмаларда намоийиш қилинганда кўп қизғин фикрларга, муҳокамаларга сабабчи бўлди. Лекин, ўша суратларни бугун чизганимда суратнинг мазмун, ечим, композициялари бутунлай бошқача йўналиш олган бўларди. Нега? Чунки бугуннинг нуқтаи назари, бугунги кайфият ўзгарди. Бугун халқимиз руҳиятида, кайфияти, юриш-туришида ўзгача шуқуҳ, шиддат бор, ўзлигини таниётган, эркин яшаб-меҳнат қилаётган озод руҳнинг яратувчанлик талпинишлари бор. Халқимиз аввал унутилган кўпгина маънавий қадриятларига, эстетик тасавурларга бугун етишди. Шунинг учун ўша йилларда, шўролар даврида яратилган

асарларимизда етишмаган нарсалар бугун кўзга тез чалинади, эҳ суратни бундайроқ чизишим керак эди-да, деган ўй-армонлар пайдо бўлади. Кейинги йилларда ўтказилаётган қатор юбилейлар, улуг алломаларимиз маъракалари, қадимий шаҳарларимиз тўйлари сабаб бўлиб, тарихга, ўтмишимизга, мозий сабоқлари ва улуг сиймоларимизга бошқача кўз билан қарай бошладик, уларни бутун халқимиз билан бирга, биз — рассомлар ҳам қайтадан ўргана бошладик. Зеро, ўтмишимиз, отабоболаримиз ҳаёти, уларнинг сиймолари, тарихи, турмуш тарзи — булар бари ижодимиз учун, илҳомимиз учун мавзулар булоғи, мангу булоқдир.

— Келинг, бўлмаса, шу ўринда болалик ҳақида, бебаҳо ёшликдаги орзу-умидларингиз ҳақида гапириб берсангиз. Ахир тасвирий санъат намоёндаси учун, ижодкор учун болалик орзулари ҳам ўзига яраша мактаб, сабоқ ўрнини ўтайди-ку...

— Тўғри, лекин бизнинг болалик давримиз анчайин қайғули ўтди, қувончли дамлар жуда кам эди. Буни менга тенгдош ҳар бир ижодкор, рассом тасдиқлаши мумкин. Эсимда қолганлари — меҳнат, пахта далалари, терим, кетмон... Ҳа-ҳа, худди шундай ўтган — ота-оналаримизга хўжалик ишларида ёрдам бериш — асосий ҳаёт тарзимиз шу эди. 14 ёшимдан бошлаб ҳам ўқиш, ҳам ишлашга мажбур бўлганман. Ҳа, айтгандай, орзулар ҳақида айтиб кетайин, ўша пайтларда, далада меҳнат қилиб юрганимизда: «Катта бўлсам, деҳқонлар меҳнатини энгиллаштирадиган машиналар яратаман!» — деб орзу қилардим. Шунинг учун мактабдаям ҳамма фанлардан яхши ўқиш учун тиришардим. Сурат чиза бошлашимга ҳам ўша орзулар сабаб бўлган.

— Рассомнинг умр йўли, ижод машаққатлари оғир кечиши ҳақида кўп ўқиганмиз, кўп эшитганмиз, бу ҳақда рассомнинг ўз изхорини тингласак деган хоҳиш бор эди...

— Дарҳақиқат, рассом бўлиш — катта машаққатлардан иборат. Тасвирий санъат тарихида чуқур из қолдирган улуг мусаввирлар ҳаёти ҳам, оддий рассомлар турмуши, уларнинг рассомлик йўлидаги ранжу амаллари — ҳар бири ўз ҳолича бир китоб, бир-бирига ўхшамайдиган, бетакрор бир турмуш ҳақидаги роман десак бўлади. Мен буни «рассомларни авайланглар» деган маънода айтаёт-

ганим йўқ, умуман, рассом бўлиб этишишнинг ўзи ҳамма вақт, ҳамма мамлакатдаям шундай эканини билганим, тасаввур қила олганим учун айтмоқдаман. Рассомдан нима талаб этилади? У сурат чизишдан ташқари, ҳаётни яхши билиши керак ва касб маҳоратини доимо ошириб бориши, бирор кун расм чизишу изланишдан тўхтамаслиги шарт. Мен бир неча марта рассомликдан қайтишга, ижодни тўхтатишга уриниб кўрганман, оддий инсонлар каби яшашга, асар яратмасликка аҳд қилганман, аммо ... бунинг уддасидан чиқолмадим, шундай қилсам бутун умрим ўз мазмунини йўқотиб қўядигандай, яна дастгоҳим олдига қайтиб келавердим. Руҳиятимдаги тугён, илҳом, қувонч ва ташвишларни бошқаларга улашиш, одамлар билан дардлашиш туйғуси мени яна қўлга қалам олишга етаклайверди. Янги-янги асарлар яратиш, гўзал қиёфалар, улуғлар сиймосини яратиш иштиёқи менинг хаёлимни ҳамisha банд қилаверди. Аслида рассомга куч-қувват беради-

ган, унинг оромини ўғирлайдиган туйғулар ҳам — мана шулар. Буни ижод машаққати дейсизми, рассомлик жунуни (дарвешлик) дейсизми — ихтиёр сизда.

— Бугунги тасвирий санъат олдида турган муаммолар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?..

— Бу яхши савол. Аммо мен ҳозир муаммоларни санаш эмас, балки вазифаларимизни, бурч ҳамда масъулиятимизни айтиб ўтмоқчиман. Аввало ҳозирги мустақиллик даврида рассомларимиз олдида улкан вазифалар турибди. Тарихий сиймоларимизни матода жонлантириш. Қолаверса, бугунги кунимизнинг қаҳрамонларини — ёниб яшаётган, улуғ меҳнат ва ижод намуналарини намоён қилаётган юрtdошларимиз сиймосини, давримиз алломаларини, меҳнаткашларимизни тарих учун чизиб қолдириш! Ўз навбатида ушбу асарларимиз санъатимиз, маданиятимиз тараққиётида ўзига хос доvon, хазина бўлиб қолиши керак. Кейин, асарларимизни

тарғиб-ташвиқ қила олишимиз учун замонавий санъат бозорлари керак. Ижод қилиш ўз йўлига, асарларимизни матбуот ва кўргазмалар, ахборот воситалари ва нашр орқали халққа етказиш ўз йўлига. Энди рассом ўз асарини муносиб баҳога сота олишини ҳам уюштиришни ўйлашимиз керак. Ҳар бир рассом — ўзига хос бир дунё, улар ҳақида тадқиқотлар, китоблар ёзиш керак, ижодларини тарғиб қилиш керак — мана, гапирадиган бўлсак гаплар кўп...

— Демак, ижод, ижодкорлик машаққатсиз бўлмайди. Ундай бўлса, сиз учун энг қийини нима — янги асар яратиш йўлидаги изланишларми ёки турмуш икир-чикирларими?

— Энг қийини вақтнинг етишмаслиги ва турмуш икир-чикири ҳам. Ҳали ўқиш-ўрганиш, ҳали чизиш, ҳали чизганларни томошабинга етказиш керак... Шарт-шароит, кундалик ташвиш деган гаплар ҳам бор. Хуллас... Ким билади, ижодкор ҳаёти шуниси билан — вақтнинг етишмаслиги билан қизикдир балки?

— Анъанавий савол: келажакдаги режа ва ниятларингиздан воқиф этсангиз.

— «Орзуга айб йўқ», дейишади халқда. Орзулар ҳақида қисман гапириб ўтдим: тарихда қоладиган юрtdошларимиз, замондошларимиз сиймосини кўплаб чизсам дейман...

* * *

Сухбатимиз бўлиб ўтаётган кунларда Рустам ака Германияга жўнаб кетди. Шу кетишда нақ... бир ойдан кейин қайтиб келди ва қуйидагиларни гапириб берди:

— Сафарим жуда яхши ўтди. Таасуротларим бир дунё. Бранденбург шаҳрида шахсий кўргазмам очилди. Сафар мобайнида мен Франкфурт, Берлин, Потсдам, Дрезден шаҳарларида бўлиб, тарихий ҳамда замонавий меъморлик ёдгорликлари билан яқиндан танишдим. Айниқса, Дрезден шаҳридаги бутун дунёга машҳур бўлган бадиий галереяда бўлиб, жаҳон тасвирий санъатининг даҳолари Тициан, Рафаэл, Боттичелли, Ривера, Вермер, Рембрандт, Рубенс, Ван Дейклар ижодидан баҳраманд бўлиш насиб этди. Бундай баҳрамандлик — ҳар бир рассом учун улуғ бахт, орзуларнинг ушалиши. Шу орада бир қатор германиялик рассомлар ва уларнинг асарлари билан танишишга мушарраф бўлдим.

Музаффар АҲМЕДОВ
сўхбатлашди



Совчилик

Оила куриш икки ёшнинг хусусий иши бўлмасдан жамоа, жамият, давлат аҳамиятига молик масаладир. Оила қанчалик соғлом, мустақкам ва осойишта бўлса жамият ҳам тинч ва барқарор бўлади. Шунинг учун ҳам юртимизда оила масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислон Каримов бу хусусда «Оила куриш дегани фақат икки инсон ўртасидаги шахсий муносабат эмас, балки жамиятнинг асосини, айтиш мумкинки, энг муҳим бўғинини белгилайдиган долзарб вазифалардан бири», деган эди. Оила куриш нақадар мураккаб иш эканлигини барча ёшларимиз ҳам тушуниб етавермайдилар. Айрим оилаларнинг бузилиб кетганлиги ҳам ёшларимизнинг оила масъулиятини чуқур ҳис этмаслигининг натижаси бўлса керак.

Қадимдан туркий тилли халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳам никоҳ тўйи совчилар воситасида амалга оширилган. Совчилар азалдан икки хонадоннинг қариндошлик ришталарини боғлашга хизмат қилганлар. Совчилик тарихан патриархал даврда моногамия (грекча бир никоҳ) туфайли хотиннинг эр оиласига мустақкам бириктирилиши билан боғлиқ удумларга бориб тақалади. Қалин тўлаб уйланишнинг пайдо бўлиши билан «қиз кўриш» одати юзага келади. Келинликка муносиб номзод танлангач, кўёвнинг энг яқинлари қиз

хонадонига бориб бўлажак қайлиқни кўрганлар ва унинг ҳолатини атрофлича суриштирганлар.

Совчиликнинг тарихий удум эканлигини Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асариди ҳам кўра-миз. Асарда «Келин ва кўёвлар орасида бир-бирига хат-хабарлар эл-тувчи-совчи», дейилади.

Совчилик — сов, гапирмоқ, сўзламоқ, хабар маъноларидан келиб чиқиб, сўзлашувчи, хабар қилувчи деган маъноларни ифодалайди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «Совчи — уйланувчи йигит томонидан қиз розилигини сўраш учун вакил қилинган киши», деб таърифланган.

Совчилик асрлар қаъридан ўтиб кел-лаётган қадимий одат бўлиб, туркий тилли халқлар — қозоқларда «жарши» (яучи, холис одам), қирғизларда — «жуучу», қорақалпоқларда — «жаушы», туркманларда «совчи», ўзбекларда — «совчи» (жовчи) деб номланган.

Республикамиз вилоятларида совчилик бир хил ном билан аталсада қиз хонадонига бориш ва у билан боғлиқ расм-русумлар турли кўринишдадир. Бу ҳолат ўзбек миллатининг шаклланишида фаол иштирок этган уруғ-қабилалар урф-одатларининг турли-туманлигига боғлиқ бўлса керак.

Халқимизда совчилик азалдан энг шарафли ва масъулиятли вазифа ҳисобланган. Бу савобли юмушга бир

никоҳли, ували-жували, диёнатли, маърифатли, эл орасида эътиборли, сўзамол кишиларни танлаганлар. Чунки қиз хонадони юборилган совчиларга қараб кўёв томонга ўз муносабатини билдирган. «Кўёвни кўрма, жўнатган совчисини кўр», деган иборада ҳам катта ҳаётий мазмун мужассам. Бўлажак келиннинг розилигини олишга ўтмишда подшоҳлар ва давлат арбоблари ҳам совчи юборганлар, совчининг жавобига қараб иш кўрганлар. Совчилик удумининг нечоғли муқаддаслиги Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» асариди куйидагича тасвирланган: Мирзо Ҳиндолнинг саройида Ҳамидабонуга Хумоюн подшоҳнинг кўзи тушади ва унинг қўлини сўраб киши юборади. Бегим «... мен қўлимни узатсам бўйнига етадиган кишига тегаман, қўлимни узатганимда, эта-гига ҳам етмайдиган кишига эмас», деб жавоб берган Ҳамидабонунинг инжиқлигига қарамасдан совчилар уни кўндириш чорасини излаганлар.

Азалдан халқимиз келин танлашга алоҳида масъулият билан ёндошган. Келин бўладиган қизнинг насл-насаби, соғлиғи, жисмонан бекаму кўстлиги, одоб-ахлоқи, оила ишларини бажаришга нечоғли тайёр эканлигини қиз хонадонини бил-диган кишилардан, қўшниларидан атрофлича сўраб суриштирганлар. Шу талабларга жавоб бера олган қиз келинликка муносиб кўрилган. Ўз даврида соҳибқирон Амир Темур ҳам совчилар орқали ўғли ва невараларига келин бўлишга лойиқ қиз суриштиргани бугун ҳам соғлом ва бақувват оила куришда ибрат тимсо-лидир. «Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қу-сурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим», деган эди соҳибқирон.

Совчиликнинг кўпгина ўзига хос муомала маданияти ҳам мавжуд. Қиз хонадони совчиларнинг келишидан хабари бўлса-бўлмаса уларни самимий ва очиқ юз билан кутиб олган ҳамда уларга иззат-икром кўрсатган. Совчилар таомилга кўра қизнинг ота-онаси, қариндошларининг кўнглига қараб, босиқлик билан оҳиста, камтарона тарзда ташриф мақсадини баён қилганлар. Масалан, қозоқларда «Сизнинг лочинингиз бизникида овоз берди», қирғизларда «Тангри бирлаштира куда бўламиз», туркманларда «Сиз билан қариндош



Бахтли бўлинглар!

бўлиш мақсадида келдик» дейилган бўлса, ўзбекларда эса «Бир ёмонимизга бир яхшигини сўраб келдик», «Сизда паҳмоқ қиз, бизда тентак ўғил бор, икковини қовуштириб қўйсақ нима дейсиз», «Қулчиликка келдик» ёки «Бир кулча сўраб келдик» қабилда совчиликка келганлиги билдирилган. Қиз томон «Хуш келибсизлар», дея совчиларга ҳурмат бажо қилган. «Яна бир хабар олинглар, қариндошлар билан маслаҳатлашайлик», деб совчиларни кузатган. Агарда бўлажак куда ва куёв маъқул кўрилмаса «Ҳали қизимиз ёш, бўй етгани йўқ» ёки «Қизимизнинг боши боғлиқ, айтилгани бор», дея совчиларнинг кўнглига тегмасдан рад жавобини берганлар. Баъзан қиз томон кўнглида рози бўлса ҳам «Қизи борнинг нози бор» нақлига амал қилиб совчиларни бир неча марта келишга мажбур қилган. Албатта, совчилар, бундан ранжишмаган ва икки-уч келишда қиз ота-онасининг албатта розилигини олишган.

Қиз томондан берилган розилик аломати совчиларга пиширилган таомдан ҳам сезилади. Совчилар олдида қозоқ ва қирғизларда қуйруқ бовур (думба ва жигар) қовуриб қўйилса, ўзбекларда таом — палов тортилган. Қашқадарё воҳасида йигит маъқул келса аёллар олиб келган дастурхон олиб қолинган ва яна хабар олиши лозимлиги айтилган. Совчиларга иккита кулча ва иккита қатлама оқ рўмолчага ўраб берилган. Кулча ва қатлама йигитникида ушатилиб, яхши ният билан ҳозир бўлганларга тарқатилган. Агар қиз томон рози бўлмаса 2-3 кундан сўнг совчилар дастурхони қайтариб юборилган.

Совчилик муқаддас, савобли ва орийатли ишдир. Туркий тилли халқларда, жумладан ўзбекларда совчи борган қиз хонадонидан умр савдоси тўла ҳал бўлмагунча иккинчи томон орийат билиб совчи юбормаган.

Хуллас, халқимизнинг умрбоқий удумларидан бири совчилик «Қудачилик — минг йилчилик» ришталарини боғлаб душмани яқинлаштириб, бегонани қариндош қиладиган энг хосиятли одатдир. Ҳозирги пайтда бирга ўқиб, бирга ишлаб танишган кўплаб йигит-қизларнинг ҳам тақдир иплари совчилар томонидан мустаҳкам боғланмоқда. Шунинг учун асрлар қаъридан ўтиб келаётган совчилик удумини янгича шакл ва мазмун билан бойитиш қуриладиган оиланинг мустаҳкам ва барқарор бўлишининг бош омилидир.

Гулруҳ ТОШЕВА,
Қарши давлат университети
аспиранти

Касб-ҳунар ТИЗИМИ ИСЛОҲОТИ

Республикамизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий омили бўлган мутахассис кадрларни етиштиришнинг асосий йўриқномаси бўлган «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури»да касб-ҳунар тизимини янгилашга катта эътибор берилган. Касб-ҳунар масканларида амалий санъат турлари бўлмиш наққошлик, ганчкорлик, мисгарлик, бўйрачилик, кулолчилик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, гиламдўзлик каби ҳунар турлари ўргатилмоқда. Лекин бу ҳунар турларини ёшларга ўргатиш талаб даражасидами? Ижобий жавоб бериш қийин. Тўғри, кўплаб касб-ҳунар муассасалари ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган бинолар, майдонлар, замонавий техника билан таъминланган бўлса-да, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик қўлланмалар, кўргазмалари қуроллар, ҳар бир соҳа бўйича терминларга оид адабиётлар етишмайди. Бу эса касб-ҳунар тизимида кадрларни тайёрлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ёшларимизга касб-ҳунарни қиёмега етказиб ўргатишда ранг муҳим ўрин тутди. Рангларни ўрганувчи фан «Рангшунослик» фанидир. Шу фан касб-ҳунар тайёрлаш тизимида қониқарли ўргатилмаяпти. Бунинг сабаби чуқур илмий тадқиқотлар, рангшуносликка оид адабиётларнинг деярли йўқлигидир. Америка, Япония, Англия ва бошқа мамлакатларда рангшуносликка оид лабораторияларгина эмас, махсус илмий тадқиқот институтлари ҳам мавжуд.

Ҳозиргача Ўзбекистонда рангшуносликка оид бирорта ҳам

чуқур илмий тадқиқот олиб борилмаган. Ҳ.Эгамовнинг «Бўёқлар билан ишлаш» қўлланмасида қисман рангшуносликка оид дастлабки термин ва жадваллар берилган, холос.

Профессор М.Набиевнинг «Рангшунослик» рисоласи ҳозирча бадий график факультети талабалари ва ўқувчилари учун ягона қўлланма бўлиб қолди. Бу китобда рангшуносликка оид қисқа маълумотлар берилган, рангларнинг фалсафий, руҳий, шифовий ва тарбиявий қирралари ҳақида жуда кам айтилган.

Демак, касб-ҳунар тизимида рангшунослик фанини янада чуқурроқ ўрганишга эътиборни қаратмоқ керак. Дарслик, ўқув қўлланмалар, кўргазмалар, кўргазмалари қуроллар тайёрлаш, чуқур илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ҳамда рангшунослик лабораториялари, рангшунослик илмий тадқиқот институтлари ташкил этиш вақти келди. Ранг инсон ҳаётида чексиз аҳамиятга эга. Чунки ранг орқали инсонларнинг руҳиятига таъсир этиш, тарбиялаш, даволаш, маънавий оламни шакллантириш мумкин.

Низомиддин ТУРСУНАЛИЕВ,
магистрант





Ота, оналик масъулияти

(Оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо этиш ҳақида)

Оила Ўзбекистонда фуқаролик, демократик жамият қуришнинг асосий негизини ташкил этади. Чунки оила аъзолари ўртасидаги тенглик, ҳамжихатлик, инсонпарварлик каби фазилатлар фуқаролик давлатининг моҳиятидан келиб чиқадиган ижтимоий ҳодисадир.

Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти қуриш бораётган бир пайтда оиладаги тотувлик, ҳамжихатлик, осойишталик, одоблилик муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йилни Оила йили, 1999 йилни Аёллар йили, 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилганлиги бежиз эмас, албатта. Халқ удумларида «она ер», «она Ватан» деб аталишининг негизи ҳам шундан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барпо этишда аёлларнинг роли бениҳоя каттадир.

Оиладаги ахлоқий муҳит деганда биринчи навбатда умуминсоний ахлоқий қадриятлар ва меъёрларни оила аъзолари онгига биринчи кундан бошлаб синдиришни тушунмоқ керак.

Бунда эр-хотин ўртасида инсоний муносабатларни, бир-бирига иззат-икром, эҳтиром, шарқона урф-одатлар, миллий анъаналарга мувофиқ бўлиш талаб этилади. Оилада фарзанд дунёга келгандан кейинги биринчи кундан бошлаб унинг тарбияси билан шуғулланиш ҳаёт талабидир. Бу эса, ўз навбатида, оила аъзолари ўртасида соғлом ахлоқий муҳитни барпо этиш учун замин яратади.

Оилада соғлом ахлоқий муҳит эса ота-онанинг юриш-туриши, муомаласи, одоби, камтарлиги, ҳаё ва андишаси, ақл-идроқи, ёмонликдан узоқ бўлиши, ноҳақ ишларга қўл урмаслиги, саҳий, меҳр-оқибатли бўлиш каби инсоний фазилатларни эгаллашни талаб этади. Агар оилада ота-она ўртасида бундай умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳукм сурмаса, унда жамиятнинг бошланғич асоси ҳисобланган оила муҳитида

вояга етаётган ёшлар жамиятдан ўз ўрнини тополмай, боши берк кўчага кириб боради. Шунинг учун ҳам оилада соғлом ахлоқий муҳитни барпо этиш ахлоқ-одоб неъматларини унинг ҳар бир аъзоси қон-қонига синдириш, ҳар дақиқа, ҳар соат, ҳар куни тарбиялаш ота-она, катталар ва жамоа аъзоларининг ижтимоий-сиёсий бурчлари ҳисобланади.

Самарқанд шаҳар Сиеб тумани маҳаллаларида яшаётган оилалар ўртасида 1997-99 йилларда ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари шундан далolat берадики, фарзанд тарбиясига жиддий эътибор берган ота-оналар ёшларнинг маънавий-ахлоқий камолотига замин тайёрлайди. Масалан, З.Ортиқов ва умр йўлдоши Сипорат опа ҳар бир фарзандининг чақалоқлигидан одобли, ахлоқли бўлиб вояга етиши учун жиддий эътибор берганлар. Улар ҳар бир фарзандларини гўдақлигидан катталарга ҳурмат, ҳаёли, одобли, камтарин бўлиб етиши учун тинмай адаб бериб келганлар. Натижада барча фарзандлари қатори Замира исмли қизлари ҳам ҳаёли, одобли бўлиб вояга етади. Ота-онаси бирор иш буюрса ёки бирор гап сўраса, қиз бошини ердан кўтармайди, уларнинг берган саволларига эса ийманиб жавоб беради. Қўни-қўшнилари унинг хатти-ҳаракатларини кўриб кўнгилларида таҳсинлар айтадилар ва келин қилиб туширишга шошиладилар. Замира университетни битириш арафасида турмушга чиқди. Ҳозирги кунда ақил оиланинг уй бекаси бўлиш билан бир қаторда, Самарқанд туманидаги мактабларнинг бирида директорлик лавозимида ҳам яхши ишламоқда.

Президентимиз И.А.Каримов ўзбек оиласида маънавий ахлоқий муҳит барқарорлиги ҳақида бундай деб ёзадилар: «Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларга қайғусига ҳамдардлик мужжасамлашгандир». (И.Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва та-

рақийёт йўли». Тошкент. 1992 й. 66-бет)

Агар оилада ёшлар болалигидан соғлом, бақувват, кўркем бўлиб вояга етса-ю, одоби, ахлоқи, тафаккур қилиши инсонийлик мезонига зид келса, бундай ёшлар жисмонан соғлом бўлсалар ҳам ахлоқан заиф, маънан қашшоқ, ақлий-интеллектуал савияси паст бўлиб, Ўзбекистонда демократик, фуқаролик ва инсонпарварлик жамияти қуришда шарафли ишнинг боришига салбий таъсир қилиши мумкин. Республика вилоятларида яшаётган оилалар ўртасида ўтказилган (1995-98 йиллар) социологик тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлдики, айрим оилаларда яқка ўғил бўлгандан кейин ота-она ниҳоят даражада эрқалатиб вояга етказишлари туфайли, жисмонан соғлом бўлса ҳам, ақл-идроқи, тафаккур савияси паст бўлиши оқибатида одамгарчилик қонунларини яхши билмайди, муомала маданиятидан узоқ, худбин, гўр, дағал, меҳнатдан қочадиган дангаса бўлиб, ўсган. Фикримизни тасдиқлаш учун бир мисол келтираимиз. Самарқанд шаҳар маҳаллаларидан бирида яшаган оилада Х. номли ўғил дунёга келгач, уни болалигидан жуда ҳам эрқалаб қўйдилар. Чунки у оилада яқка-ю ягона фарзанд эди. Уни ёшлигидан бошлаб ота-она жисмонан соғлом, бақувват, жуссадор йигит бўлиб вояга етиши учун барча шароитларни яратиб бердилар. У ёшлигидан ота-онанинг эрқатоли бўлганлиги учун ҳам доимо яхши кийиниб, егани олдида, емагани орқасида, эрқаланиб вояга етди. Натижада у одоб, инсонийлик ўрнига қайф-сафо, гердайиб юриш, манманлик, менсимаслик, фоҳишабозликка берилиб, яшаб келди. Х. катта йигит бўлгач, ота-онаси не-не орзу-ҳаваслар билан уни уйлантириб қўйдилар. Орадан ойлар, йиллар ўтгандан кейин ота-она дунёдан кўз юмиб кетдилар ва уй-рўзғор ташвишлари Х.нинг бўйнига тушди. Қўлида умари йўқ, мактабда яхши билим олган

Ҳ. ижтимоий ҳаётда ночор аҳволга тушиб қолди ва ниҳоят оиласи инкирозга учраб тарқалиб кетди. Демак, ҳар бир оила фарзандлари оз-кўплигидан қатъи назар ёш болаларини гўдаклигидан одобли, ахлоқли тарбиялаш билан бирга, илм-хунарли қилиб вояга етказиш учун барча имкониятларни сафарбар этишлари лозим. Бу ота-онанинг давлати, халқи, миллати, Ватани олдидаги ижтимоий бурчларидир. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ёзганларидек:

*Йигитликда йиг илмнинг маҳзанин,
Қарилик чоғи харж қилгил они.*

Бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш даврида вақтинчалик моддий тангликка бардош бера олмаган ота-оналар ўз фарзандларини мактабларда билим чўққиларини эгаллаш, саводли, билимдон бўлиб камол топиши учун қайғуриш ўрнига, кўча-кўйда, бекатларда, расталарда, чайқов бозорларда олибсотарликни касб қилиб олишларига хайрихоҳлик билдирмокдалар. Қандай бўлса ҳам моддий аҳволни яхшилаш учун пул топиб келгани яхши. Оила бошлиқларининг фарзандлари тақдирига бундай лоқайдлик билан қарашлари келажаги буюк бўладиган Ўзбекистон Республикасининг истиқболига салбий таъсир қилмай қолмайди. Фикримизни тасдиқлаш учун «Ўзбекистон

адабиёти ва санъати» ҳафталик газетаси саҳифаларида босиб чиқарилган Муқарраманинг «Умид»дан умидвор Улугбек» номли мақоласидан куйидаги парчани келтираемиз: «Ҳали бозор кўриб, бети очилиб улгурмаган кўплаб ота-оналар фарзандлари кўлига сақичлар, сигаретлар тутқазиб, уларни бозордаги расталарга, йўл бўйларига, ҳатто автобуслар, вагонлар салонларига чиқариб қўйишади. Қишлоқ жойларда эса деҳқонлар ижара олган экин майдонларнинг, тузилган чорвачилик хўжалиқларининг энг ишчан, ишончли ва мўмин ишчилари болалар бўлиб қолди. Бизнинг қобил кичкинтойлар эса берилажак чойчақалар жарангини кутишдан унинг миқдорини чўтлашдан бошқа нарсани ўйламай қўйишади. Ақлини ишлатиб илм олишдан, захмат чекиб хунар ўрганишдан кўра ўзи ишлаб топган пулининг бир қисмига «Сникерс» олиб емоқ ёки сотиладиган молларига уйда ота-она белгилаб берган нархдан ортиқроқ баҳога савдо қилган ўсмирнинг яширинча қап-пайтирган қора ҳамёни афзал кўрилади. Келажакда мева берадиган, фойдаси насия илму хунардан нақд фойда топиш гашти устунлик қилиб қолди! Айни кунларда республикамизда меҳнатга яроқли аҳолининг 2,4 миллион нафари 15-19 ёшдаги йигит-қизлар бўлгани, мактабни бити-

раётган ёшларнинг атиги 10 фоизигина ўқув юртларига ўқишга киргани ҳолда, қолганлари турли енгил-елпи ишлар билан ёшликни кўкка совураётганлиги кишини ўйлантиради. Бизнингча, бу яқин ўтмишда йўл қўйилган хатоларимизнинг натижасидир. Бу, аввало, оила бошлиқларининг хатосидир».

Бундай ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий аҳамиятга молик бўлган масалаларга кенг жамоатчилик, ота-оналар бефарқ қарасалар, унда келажакда манқуртликка йўл очиб берган бўламиз ва Ўзбекистон Республикаси илм-фанини, техникасини жаҳон андозаси даражасида кўтаришга муваффақ бўлган буюк алломалар Ҳ.Абдуллаев, Т.Саримсоқов, С.Сирожиiddинов, А.Ҳамробоев каби фан даргаларини ёшлар ҳисобидан тарбиялаб вояга етказиш амримаҳол бўлиб қолади. Шунинг учун оила муҳитида тарбия топаётган ёшлар тарбиясига, уларнинг биринчи навбатда ахлоқий-интеллектуал қобилиятини камол топтиришга ота-оналар жиддий қарашларини ҳаёт, замон тақозо этмоқда.

Фарида ЯҲЁЕВА,

*Самарқанд давлат университети
Политология кафедрасининг
тадқиқотчиси*

Доира чолғу асбоби сифатида Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда қадим-қадимдан ишлатилиб келинаётгани барчага маълум. Аммо доирани чалиш усул ва услублари нотага олинмагани сабабли машқлар асосан устоз-шогирд аънанаси сифатида бизгача етиб келди.

Ўтган асрда донги чиққан доирачилар кўп бўлган. Масалан, марғилонлик Масаид ота, Юсуфжон қизиқ Шакаржоновлар ҳам доирада бириридан гўзал машқларни ижро этишган. Хусусан, Масаид ота шогирди Уста Олимга доира чалиш санъатини ўргатиш билан бирга кўпгина машқларни ўргатгани маълум.

XX асрнинг доирачилик санъатининг намоянчасига айланган Уста Олим Комилов замонавий доира ижрочилигининг якканавоз услубини мукамал даражада тўплаган санъаткордир. Уста Олим Комилов тарбиясини олган Тўйчи ва Ғофир Иноғомовлар, Ғофир Азимов, Ғофир Солиҳов, Раҳим Исахўжаев каби етук доирачилар уста ишининг муносиб давомчиларидир. Бу инсонларнинг фаолияти ниҳоятда масъулиятли бўлган. Зеро, улар

ДОИРА ЗАРБЛАРИ

олдинги авлод ижрочилик услубининг давомчиси ва янги авлоднинг йўлбошчиси бўлганлар. Доира ижрочилигининг шу йиллардаги талқинида янги услуб шаклланди. Бу услуб Тўйчи Иноғомовнинг шогирди, Ўзбекистон халқ артисти Қахрамон Дадаев фаолиятдан бошланган.

Доира ижрочилигидаги услуб ўзгарди. Бунда чолғу ҳам, ижрочи ҳам ва унинг чолғуга бўлган муносабатлари ўзига хос такомиллашди.

Тўйчи Иноғомов 1948 йили Тошкент шаҳар пионерлар саройида доирачилар тўғарагини ташкил этади. Шундан бошлаб доирачиларнинг янги авлоди шакллана бошланди. Қахрамон Дадаев, Раҳман Акбарбеков, Одил Камолхўжаев, Талъат Сайфутдинов, Учқун Алимухамедов, Дилмурод Исломов, Ҳасан Азимов, Ҳабибулло Расулов, Санъатилло Азимов, Рустам

Убайдуллаев ва Хусан Носировлар шулар жумласидандир. Юқорида номлари саналган устозларни забардаст санъаткор Уста Олим Комиловдан бебаҳо бойлигимизни мерос қилиб олиб, янги авлодга етказган сиймолар, десак адашмаган бўламиз. Улар Тўйчи ва Ғофир Иноғомовлар, Ғофир Азимов, Раҳим Исахўжаев ва Ғофир Солиҳовлар ана шу икки ижрочилик аънаналари орасидаги улкан кўприк вазифасини ўтаганлар. Уларнинг меросини ўрганиб, ўзлаштириб янги авлодга нафақат устозлар аънанасини, балки унга муносиб тарзда ижодий ёндошишни ҳам ўргатдилар.

Раҳматилла САМАДОВ,

*М.Ашрафий номидаги
Тошкент давлат консерваторияси
катта ўқитувчиси*

Худоёрхон ва генерал Жўрабек

Шоир Фурқат ва унинг яқин атрофидаги маърифатпарвар уламолар ва дин арбобларининг ҳаётини чуқур тадқиқ этган атоқли олим Шариф Юсупов «Худоёрхон ва Фурқат» китобида хон ва генерал Жўрабек муносабатлари ҳақида ҳам муҳим фикрларни айтади. Жўрабек табиатан адолатпарвар, инсофли одам бўлганидан ўзи раҳбарлик қилган Шахрисабз — Китоб вилояти аҳолисига Бухоро амири (Музаффар) солган кўпдан-кўп солиқларга қарши норозилик билдириб турар, уларнинг айримлари бекор қилинишига ҳам муваффақ бўлар эди. Амир (Музаффар) исёнкор бекдан тезроқ қутилишни истар, бек эса ҳадеганда бўй эгавермас эди.

Ана шундай таранг бир вазиятда хоризм кўшинлари Бухоро амирлиги устига бостириб келадилар. Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман Санкт-Петербургга, императорга юборган мактуб ва телеграммаларида Бухоро билан Қўқон хонликларидаги мураккаб аҳволни, Худоёрхондан ҳам, амир Музаффардан ҳам жабр-зулмни кўп кўрган меҳнаткаш халқ норози эканлигини билдиради.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи»да ҳаққоний ёзилганидек, хоризм кўшинлари Ўрта Осиёга босиб келганида амир Музаффар салтанатидан айрилиб қолаётган эди. Амирнинг катта ўғли Абдумалик (Катта тўра) хоризмга таслимчилик кайфиятидаги отасига қарши чиқди. Ачинарлиси шундаки, амир Музаффар Бухорони хоризм кўшинларидан мудофаа қилиш, босқинчиларга қарши жанг қилиш ўрнига ўғли Абдумаликка қарши курашда Россия императоридан ёрдам сўраган.

Миллий истиқлол даврида босилиб чиққан «Ўзбекистоннинг янги тарихи»да авваллари, амир Умархон даврида қудратли давлат бўлган Қўқон хонлиги Худоёрхоннинг айби билан тез фурсатда Россиянинг бир вилоятига айланиб қолганлиги тарихий ҳужжатлар асосида ҳаққоний баён қилинган. «Қўқон хони Худоёрхон мустамлакачиларга ўзини яхши кўрсатишга зўр берарди, — дейлади «Янги тарих»да. — Шу боис, у рус маъмурларига ўз садоқатини, ҳар қандай хизматга тайёрлигини изҳор этувчи бир қанча хатлар ёзиб турди. Бу хусусда Худоёрхоннинг

1869 йил 18 апрелда Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманга йўллаган бир мактуби диққатга лойиқдир. «Сизлар томонга қочиб ўтган сарбоз Турсунқулов билан юборган самимий хатингизни олдим. Сизга дўстлик туфайли мазкур сарбозни кечириб, сарпо кийгуздук ва хурсанд қилдик. Чунки у бегона давлатга эмас, Қўқон билан бир давлат — Россияга, яъни, бир мамлакатга қочган...» Бу каби субутсизлик, таслимчилик руҳидаги хатлари эвазига Худоёрхон Туркистон генерал-губернаторининг таҳсинига ҳам сазовор бўлган эди».

Атоқли шоир, тилшунос ва тарихчи олим Исҳоқхон Жунайдуллохожа Иброт ўз вақтида мустамлакачиларни фош этгани учун 70 йил давомида собиқ Ўзбекистон ССР ва СССР матбуотида қораланиб келинган эди. Атоқли олимлар Озод Шарафиддинов ва Муҳсин Зокиров ташаббуси билан нашр этилган «Тирик сатрлар» китобида Исҳоқхон ва Сатторхон шеърлари берилгани учун таъқиқланиб, йиғиб олинган эди. Исҳоқхон Иброт ўз эсдаликларида Худоёрхон ҳақида «У Русияда хотиржам бўлуб, вақтини ўйин-кулги билан ўтказуб, куш солмоқ ва кўпкари чопмоқ йўлларинда бўлуб, уламо ва фузало насиҳатларига амал қилмай, жабру зулм тарафига ўтуб турганида раият — халқ (ундан) юз ўгурди», — деб ёзган эди. Замондошлари гувоҳлик беришича, Худоёрхон сўнгги ўн йиллик ҳукмдорлигида (1865-1875) ўз халқини мислсиз талади, бу давр ўғрилиқ ва қотилликларга тўла эди».

Атоқли адабиётшунос Шариф Юсупов фан арбоби, геолог Обид Ақромхўжаевдан олган баъзи маълумотларга суяниб, швед сайёҳ олими Свен-Гединнинг «Осиё юраги» китоби билан танишади (1895). Унда Жўрабек ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Швед олими Свен-Гедин ўз китобида Жўрабекнинг Тошкентда кечган ҳаёти ҳақида ёзиб, уни жуда адолатпарвар, халқпарвар, олижаноб инсон эканлигини таъкидлайди. У, Жўрабекни «Марказий Осиёнинг энг янги тарихида катта рол ўйнаган сиймо» деб, юсак

бахолайди (Шариф Юсупов. «Худоёрхон ва Фурқат»). Свен-Гедин китобида Худоёрхон ва Жўрабек муносабати, хоннинг унга қилган хиёнати равшан тасвирланган. Жўрабекка генерал-майорлик унвони 1901 йилда берилган. Шунга қарамай, чор ҳукумати Жўрабекка жуда катта ташвиш ва шубҳа билан қараб, уни назорат остида, деярли уй қамоғида сақлаган. Чунки, Жўрабек ёшлигида ва етуқлигида узоқ йиллар хоризм босқинчиларига қарши, сўнг босқинчиларга малайлик қилган Бухоро амири Музаффарга қарши курашган. Умрининг охирида ҳам Жўрабек хоризм мустамлакачилигидан қутулишга аҳд қилган миллий-озодлик кучлари билан яқинлашган. Бу ватанпарвар кучларнинг етакчилари Исмоил Фаспрати чиқараётган «Таржимон» газетасини ўқиб, жадид маърифатчиларини қўллаб-қувватлар эди. У миллатни жаҳолатдан қутқариш учун очилаётган янги усулдаги мактабларни маъқул толган. (Эҳтимол, яширин равишда уларга моддий ёрдам кўрсатгандир?)

Хулоса қилганимизда, Худоёрхон кейинчалик Оренбургда уй асирлигидан, ҳаж сафари баҳонасида Яқин Шарқ мамлакатларига қочиб, умрининг охирида хор-зорликда яшарди. Унинг фарзандларидан Насриддинбек, Ўрмонбек, ўқаси Султонмурод Ватанимиз тарихида босқинчиларга қарши фаол курашчилар сифатида ёруғ ном қолдирдилар. Генерал Жўрабек хоннинг мана шу фарзандларига иззат-ҳурмат билдириб, ўзини тутиб берган хонга кек сақламасдан, Худоёрхоннинг ўғли, жадид маърифатчилари сафига кўшилган Фансуруллобекка қизини узатиб, Худоёрхонга қуда бўлди (Бу вақтда хон ҳижратда вафот этган эди).

Бу икки сиймо, бири иродасизлиги ва хиёнати билан, иккинчиси мажбурият юзасидан оқ подшоҳ хизматини қилиб, тарихимизда катта из қолдирдилар. Булардан бири — генерал Жўрабек охир-оқибатда яна Ватан, миллат озодлиги, истиқлол фидойилари сафига қўшилди.

Гулнора ИСМОИЛОВА,
тарих фанлари номзоди,
Замир МУСТАФОЕВ

1 «Ўзбекистоннинг янги тарихи», 1-том, «Шарқ» концерни, Т., 2000 йил, 147-бет.

2 Шу китоб, 148-бет.

Маҳалла ўзбек халқи ижтимоий-тарихий тараққиётининг ноёб бир маҳсули, бирдамлик ва тинч-осойишта турмушнинг беқиёс таянчидир. Маҳалла қадимдан одамларнинг дастлабки жамоаси сифатида шаклланган. Маҳалланинг вужудга келиши минг йиллик тарихга эга ва ҳозиргача ўзининг мустақам тизимини, ижтимоий мақомини сақлаб келмоқда. «Авесто»да Амударё бўйларида яшаган халқларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, меҳнати, одамларнинг жамоа бўлиб яшаши ҳақида кўп фикрлар берилган. Дарҳақиқат Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, маҳаллалар ўзбек халқининг тарихида катта роль ўйнаган. Табиат қийинчиликларини, ташқи хавф-хатарларни биргаликда енгиш, ерларни ишлашда кучларни бирлаштириш, яхши-ёмон кунларда бир-бирига елкадош бўлиш туйғуси олис аجدодларимизни жамоа тарзида яшашга ўргатган. Кишиларнинг тарихан шаклланган, оиладан кейинги бирлиги бу маҳалладир. Маҳаллани, агар таъбир жоиз бўлса, йирик бир оила дейиш мумкин. Ўтмишда ҳар бир маҳаллада асосан бир касб-кор одамлари — ҳамкасабалар истиқомат қилишган. Заргарлик, мисгарлик, пичоқчилик, темирчи, ўқчи ва ҳоказо. Ҳозирги кунда замона зайли билан бир маҳаллада турли касб-кор кишилари яшайди. Лекин шу билан бирга, асосан ҳамкасбларнинг хонадонлари яшайдиган маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Масалан, «Профессорлар», «Олимлар», «Шифокорлар», «Геологлар» каби маҳаллалар мавжуд. Асрлар оша маҳалла ўзбекларнинг миллий қадриятларини, расм-русумларини, аъналарини, ахлоқий тамойилларини сақлаб, авлоддан-авлодга етказиб берувчи маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ижтимоий муассасаси бўлиб келган. Одамларнинг кундалик ҳаётидаги муҳим ҳодисалар — тўй-ҳашамларни, дафн маросимини, бирор кишининг янги уйини ёки турли хил иншоотларни тиклашдаги хашар ўтказишда, содир бўлган бирор-бир хуш ёки нохуш воқеани муҳокама этишда ва уларга нисбатан тадбир ўтказишда маҳалланинг аҳамияти беқиёсдир.

Маҳалла фаолияти ҳамманинг тенглиги, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, яқдиллик, ҳар бир ишда ҳамманинг масъуллиги, ота-оналарга, оилага, катталарга ҳурмат, ёшларга ғамхўрлик, одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилиш, меҳмондўстлик каби инсоний қадриятларга асосланади. Маҳаллада кексаю ёш барчанинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, турмуш тарзи умумнинг назаридан четда қолмайди. Ҳар бир киши маҳалладошининг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туришни ўзининг маънавий-ахлоқий вазифаси деб ҳи-

Маҳалла ёшларни тарбиялашда, уларга миллий-маънавий меросни етказишда, миллий қадриятларимизни сингдиришда катта рол ўйнайди. Жамоа ёшларни тарбиялаш билан бирга уларни жиноий гуруҳлар, наркоманлар сафига қўшилиб кетишдан сақлайди, бу йўлдан қайтаради ва олдини олиш тадбирларини кўради.

Маҳалла жиноятчиликка қарши курашда муҳим қалъа бўлиб хизмат қилади. Агар қишлоқда бегона, шубҳали киши пайдо бўлса, бирор хонадонга кирса бу ҳақда дарҳол маҳалла аҳолиси хабардор бўлади ва тегишли хулоса чиқарилиб, керак бўлса, чора кўрилади. Маҳалланинг ижтимоий-ахлоқий мавқеини сақлашда чойхоналар муҳим аҳамият касб этади.

Чойхона ўзбекларнинг миллий менталитетининг, турмуш тарзининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Чойхоналарда турли ёшдаги кишилар (асосан эркаклар) бир-бири билан мулоқотда бўлади, ўзаро фикр алмашади, жамият ва кундалик ҳаёт ҳақидаги воқеаларни муҳокама этади, жамоа аъзосининг бирор-бир ножўя хатти-ҳаракатини тегишлича баҳолайди.

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигига, унинг барқарор ривожланишига таҳдид солишга уринган, халқро жиноятчиликнинг бир қисми бўлган ваҳҳобийларга, ҳизбут-тахрирчиларга, ақидапараст-фундаменталистларга, нарқобизнесчиларга қарши курашда ҳам маҳалла жамоалари алоҳида аҳамиятга эга. Юртбошимиз фармонига биноан «Маҳалла» хайрия жамғармасининг тузилиши маҳалланинг аънавий тарбия ўчоғи эканини яна бир бор тасдиқлади, унинг зиммасига замона талабларидан келиб чиқиб, янги вазифалар юклади, маҳалла мақомини ҳар қачонгидан кўра оширди. Демак, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ноёб инсоний фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади». Шу маънода маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси, деб аташ мумкин.

Нумонжон ЎРИНБОЕВ,
Фаргона давлат университети
тадқиқотчиси

Маҳалла — одоб мактаби

соблайди.

Социологик тадқиқотларга кўра 300 дан 500 гача ҳужалик яшайдиган (бу 1000-2000 киши деган гап) ўртача катталиқдаги қишлоқларда аҳолининг деярли барчаси бир-бирини яқиндан билади, тўй-маъракаларда, хашарларда, бошқа маросимларда қатнашади. Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи жойларда бунинг аксини кўрамыз. «Сиз ўзингиз яшаётган уйдаги одамлардан қанчасини биласиз», деган савол билан мурожаат этилганда, ижобий жавоб 15-18 фоизни ташкил этган.

Кишлокда деярли ҳамма уйда ипак қурти боқиларди. Ҳовлисида, томорқасида тути борми-йўқми ҳеч кимнинг иши йўқ, баҳор келиб, тут барглари сичқон қулоғидай бўлдимми, хонадонларга беш, ўн, йигирма граммлаб ипак қурти тарқатиларди. Ипак қурти кирган хонадоннинг ҳаловати йўқолади. 25-27 кун тиним йўқ. Келин тушган уй ҳам бўшатилади, молхона, олди ёпиқ айвонларга сўрилар тортилиб, темир печка ўрнатилади. Сўриларнинг таги намланиб, ҳарорат бир хилда сақланади.

Уч ёшгача ипак қурти уч кун ухлаб, уч кун барг ейди. Орқа-олдига қарамай очопатдай ўзини баргга уради. Уйқудан ҳарир йилтироқ пўст ташлаб уйғонади. Ухлаганда сарғимтир рангга киради, уйғониб барг ея бошлагач, қорамтир тус олади. Уч ёшли ипак қуртининг олди-орқаси ўқловдай бараварлашиб қолади. Баргни кемириб-емириб бораётган қуртнинг бош томонида ингичка ипдай бўйинбоғ пайдо бўлади.

Қурт боқилаётган хона одам нафасини қайтариб юборадиган даражада оғир. Баҳор салқин келганда эшик, деразалар очилмайди, ҳар куни икки маҳал

печкага ўтин, кўмир ташлаб турилади. Босилиб, чириган барг, қуртларнинг тезагидан димиққан хоналар ҳавоси одамга қанчалик ёқимсиз туюлса, ипак қуртларига иссиқ кўрпа мисоли. Хоналар қуртларнинг бир маромдаги вишиллашига тўлиб, одамлар барг ташиб чарчардию, қуртлар еб чарчамас эди.

Дала-даштда, ҳовли-чорбоғда ўсадиган балх тутми, хўроз тутми, эркак тутми, шотутми, чағир тутми, қора тутми, ёввойи тутми, ҳаммаси бараварига кесилиб кетар, кимнинг кўзи қайси тутга тушса каллаклаб ташланар эди.

Ипак қурти, айниқса, тўртинчи даҳадан кейин етти кун тинимсиз барг ейди. Қуртларнинг тўйганини ипак сўлакларини осилтириб, бошини кўтариб қолганидан, шохлар орасида, ё барг тагида пилла нишонлари кўриниб, хоналарнинг ичи сув куйгандай жимжит бўлганидан билиш мумкин.

Ипак қуртининг иштаҳаси айни карнай бўлган, охири даҳага киришга бир кун қолган эди. Фазилат холанинг эрталаб тонг ёришмасдан эшак миниб кетган ўғлидан ҳамон дарак йўқ. Қуртлар жуда жон-

Пилла

(Ҳикоя)

Тилаб
МАҲМУД



сарак бўлиб қолди. Ўрмалаб сўридан ерга йиқилган қуртлар сони тобора кўпайиб бораётганда Муҳитдин бир эшак тут шохи ортиб келди.

Одатда баргни сўлдирмасдан қуртга бериш керак. Майда шохлар солиनावериб қаппайиб кетган сўриларга кўпинча барг шилиб берилади. Қизлар барг шилишади, Фазилат хола ўзи билиб, кўпроқ ғимирлаб қолган қуртларга баргни қалинроқ ташлайди. Қолган шохлар барги билан салқин жойда сақланиб, устига ўқтин-ўқтин сув сепиб турилади.

Фазилат хола қанчалик баргни тежаб-тергаб бермасин, бир айланиб келгунча сўриларнинг усти ерга тўкилган тутдай оқариб қоларди. Пешиндан кейин Муҳитдин олиб келган барг тамом бўлди.

— Жон болам, — деди Фазилат хола, — бир иложини қиласан, қаердан бўлсаям барг топмасанг, ҳолимизга вой.

— Э, бормаган ерим қолмади, ойи, — деди Муҳитдин, — шу қуртингиз жуда жонга тегди-да. Ана, қизларингиз қидирсин. Ҳадемай қоронғу тушади.

— Сен — йигитча турганда опаларинг қаерга боради. Пусаладаям барг қолмадимми?

— Пусалаям, Боймишат буваям, Қизил сув ҳам, Пўстинли бува боғиям каллаклаб бўлинди. Ўзингиз кўрдингизку қўшнисининг тутини кесаман деб Олакўзнинг ўғли қулоғидан айрилишига сал қолди.

Фазилат хола айвонга мажолсизгина ўтириб, ҳовлининг бурчагидаги шу хонадонни илик узилди палласидан арпа пишиғига олиб чиқадиغان каттакон балх тутига тикилиб қолди. Қариган тутнинг тарвақайлаган йўғон-йўғон шохларида маржондай меваси кўп

эди. Фазилат хола йигирма йилдан ортиқ ипак курти боқса ҳам бирон марта бу тутни каллакламай, авайлаб келган. Нахотки уям кесилади? Болаларининг оғзидан насибасини юлиб-а? Тут барги куртларини бир марта тўйдиришга ҳам етмайди. Қандай кўзи қияди? Увол бўлмайдимиз? Тўғри, каллакласа янаги йил яна ўсиб чиқади. Янги новдалар бериб, гуркираб ўсади. Бу тут дегани қизиқ дарахт. Оллоҳнинг назари тушган. Жаннатдан чиққан дейишади. Меваси ширин — одамга овқат, барги мазали — куртга қувват. Ипак курти ҳам анойи эмас. Бошқа дарахт барглари емаслигига ўлайми? Олма баргини емайди, ёнғоқ баргини кўнгиллари хушламайди. Келиб-келиб тутни танлаганини қара! Тут жонивор ҳам галати. Одамга яқин. «Мани тут, ёнингда тут» деб ялинадимиз-ей. Одамдан паноҳ топаман деса, биз уни каллаклаб ташласак. Яхшиликка ёмонликми бу? Жонивор сигиргаям ўхшаб кетади. Бугун уни соғасан, соғасан елинини бужмайтириб, эртага яна сут беради. Тутни ҳам ейсан, ейсан, баргини шилиб оласан, яна сенга эгилиб оппоқ-оппоқ кўз ёши тўкади... Э, тавбангдан кетай... Яна соясида ўтирасан, шиннисини ялайсан, майизини ейсан, мевасига тўясан, бунга жавоб қарсиллатиб қирқиб ташлайсан, бургини куртга бериб, шохида нон ёпасан... Э, тавбангдан кетай... Бунчалик бу тут қургур яшашга илҳақ бўлмас! Ё, тавбангдан кетай!...

Фазилат холанинг хаёллари ипакдай ёйилиб турганда ичкаридан чиққан қизлари уни даҳадан турган куртдай ўраб, жаврай бошлади:

— Ойи, кун ботиб қолди, нима қиламиз?

Фазилат хола қайнатилган пилладай шилвираб ўрнидан турди. Ўғлига қаради. Муҳитдин кўзини олиб қочди.

— Майли, бир йўлини топармиз, ноумид — шайтон, болаларим, — деди у, — шу кунга етказган эгам, бу ёғигарим йўл топиб бера.

— Анавини қирқа қолайлик, — деди Муҳитдин ҳовлидаги тутни кўрсатиб.

— Жинни-пинни бўлдингми, — шартта ўғлини гапини кесди Фазилат хола, — куртнику бир иложи топилар, жилла қуриса бир кунлик барги кам бўлса пилласининг тоши босмас, аммо одам қорнини эплаб бўлмайди. Шундоқ ҳам кўз тикиб ўтирган нарсамиз шу — бир тут тут.

Муҳитдин онасини, опаларини бир кулдириб ўртадаги ҳолатни ўзича юмшатмоқчи бўлди-да, бидирлаганича «бир тут тут, тутти тагида труп, труп тутти туртиб туради, тут трупни туртиб туради» деб кетмакет такоррлайверди.

— Одам ўлай деб турганда қилигинги совуқ қилма, — жеркиб берди ўртанча опаси.

Ҳовлида Фазилат хола тутга термулган, қизлар бирига ёпишиб олган, Муҳитдин қилиғи опаларига совуқ туюлиб мулзам турган эди, у бирдан онасига: «Биламан, биламан, ойи, битта жойда роса барги кўп тут бор», деб қолди. Ҳаммининг кўзи ёришиб кетгандай бўлди.

Муҳитдиннинг катта опаси қирқинчи чироқ пилигини қайчилаб айвонга олиб чиқди. Чироқ атрофига тўпланишди.

— Уч-тўртта роса шохлаган чағир тут бор, — деди Муҳитдин, — ойижон, фақат у ерга боролмайман, кўрқаман.

— Нега, қаерда? — сўради Фазилат хола.

— Мозорбувада, ху лагерь боғига ўтадиган қўра борку, шуни ёқасида, қатор турипти. Ҳеч ким тегмаган.

Фазилат холани ер тортди. Кечгача ичига иссиқ кирмаган қизлар ҳам чироқ атрофини ўраб ўтиришарди. Бир пасда одам одамни танимайдиган қоронғу чўқди. Чироқ шуъласида қизларнинг хавотирли кўзлари жовдирарди.

— Эшагингни эгарла, — деди Фазилат хола ўғлига қараб, — бошқа чораси йўқ, ўзи кечирсин.

... Фазилат хола учта қизи, ўғлини эргаштириб қабристонга яқинлашганда лаби-лабига тегмай тиловат қилар, айниқса, қабристонни ўраган қўра ёнидан ўтаётганда пирр этиб аллақандай кушларнинг учиб қолиши, қабристон ичидаги одам бўйидан баланд ўсиб ётган ўтлар орасидан кетаётганда оёқларга жавдарларнинг ўралашиб, юришга халал берганда қизлар онасига ёпишиб олар, Муҳитдин чурқ этмай эшагининг белига оёқларини ниқтаб борарди. Баланд-баланд тераклар шамолдан шувиллаб, йўғон ёнғоқлар шохи қисирлар, қаердандир бойўғлининг ваҳимали товуши келиб, ўнқир-чўнқир қабристон уларни ютиб юбораётгандай туюларди.

Охири тут тагида тўхташди. Фазилат хола кўр ойдинда ерга эгилган шохларни ушлаб турди, қизлар аввал новдаларни шилиб барг йиғишди. Фазилат хола ўғлининг қалт-култ титраб турган елкасидан ушлаб секин тут устига чиқарди.

Муҳитдин аввал пастроқдаги, кейин юқоридаги шохларни секин-секин болтада кеса бошлади. Шохлар гоҳ ўнг томонга, гоҳ чап томонга, гоҳ қизлардан биров нарироққа тушар, она-болалар уларни бир жойга тўплашар эди.

Худди шу пайтда гўрков кечқурун қишлоқдаги уйига овқатланишга бориб, бола-чақаси орасида ўралашиб, қайтиб келаётган эди. У лагерь томондаги йўл бошига келганда «тақ», «тақ» деган товуш эшитилди. Қўрадан ичкарига кирди-да, ўсиб кетган ўтлар орасидан товуш келаётган томонга бўйини чўзиб қаради. Бирдан дарахтлар орасида бири у ёққа, бошқаси бу ёққа юриб, худди рақсга тушаётгандай қўлларини кўтариб, бошидан бир нималарни айлантириб эгилиб-тураётган узун-узун кўйлакли қизларга кўзи тушди. У беихтиёр «Жинлар, жинлар ўйнапти» деди ўзига ўзи.

Юраги кинидан чиқиб кетган гўрков шошилиб орасига ўгириламаман деганда, ўт-ўланга ўралашиб қолган оёқларини биров тушовлаб кўйгандай юзтубан йиқилди...

Эрталаб барвақт ўғонган Фазилат хола куртлардан хабар олгани айвонга кўтарилаётганда улардан нарироқда турадиган гўрков ҳовлисидан йиғи овози эшитилди. У айвонда таққа тўхтади. Икки қатор сўрининг устида терилган тутдай ипак курти шипга бошини кўтариб йилтироқ сўлакларини худди кўз ёшидай оқизиб, узоқдан эшитилаётган йиғига кулоқ тутгандай қилт этмай туришарди...

ҲАҚИҚАТГА ИНТИЛИБ

«Биз, кинохужжатчилар, шу вақтгача, кўпинча воқеалар кетидан қувиб, одатда, коса тагида ним коса борлиги хусусида кўп ўйлаб ўтирмасдик, бунга ҳеч ким йўл ҳам қўймасди. Республикамиз истиқлолга эришгач, бу бахтиёр кунларни яқинлаштириш йўлида жон фидо қилган ота-боболаримиз хотирасини қадрлаш имконияти ва зарурияти туғилди. Шундан фойдаланиб мен «Истиқлол фидойилари» туркум фильмларини яратиш бахтига муяссар бўлдим. Изланишлар давомида ўзим катта бир ҳақиқатни очишга эришдим».

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясининг етакчи режиссёрларидан бири, ўттиз йилдан буён кинопублицистика соҳасида ижод қилиб келаётган Файрат Шодмоновнинг бу сўзлари мақола йўналишини белгилаб берди.

Кинопублицистика — ҳаётимиз инъикоси. Бугунги кинохужжатчи оммага энг тез таъсирини ўтказувчи экран асарлари ижодкоридир. Миллий онгинг уйғониши, миллий мафкуранинг шаклланиши, тафаккуримизда янги руҳий иқлимларнинг дунёга келиши ўзбек ҳужжатли фильмларига асосий мавзу қилиб олинган.

Мустақиллик йилларида ҳужжатли фильмлар студиясининг ижодкорлари ўз йўналишларини, концепцияларини ўзгартирдилар. Энди илғаригидай баландпарвоз гаплар, шиорбозликлар, таъқиқланган мавзулар йўқ. Фильмларда ҳаётини ҳақиқатлар ўз аксини топмоқда.

90-йилларнинг воқеалари ҳужжатли кино ижодкорлари олдига буткул янги йўналишда ижод қилиш вазифасини қўйди. Кинохужжатчилар Баҳодир Музаффаров, Даврон Салимов, Шухрат Маҳмудов, Шухрат Курбонбоев, Жасур Исҳоқов, Файрат Шодмонов, Умид Ортиқов, Шухрат Мақсудов кабилар ўз истеъдод-

ларини намойиш қилдилар. Шулар ичида Файрат Шодмоновнинг ижодий изланишлари, фильмлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ҳаётда ниҳоятда камтар, одамохун ва меҳнатсевар бу инсон севган касби кино ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Мен кинода, — дейди Файрат Шодмонов, — доим ўзимни шогирд деб биламан. Устозларим, ҳамкасбларимнинг ҳар бир янги фильмидан ниманидир ўрганаман. Ҳаётнинг ўзи ҳам менга устоз, мен унинг доимий шогирдиман. Мустақиллик мен учун янги ижодий кашфиётлар, янгиликлар даври бўлди, ижодимда янги саҳифа очди. Айнан шу даврда мен «Истиқлол фидойилари» туркумидаги фильмларимни яратдим.

Изланишлар самараси ўларок, 1994 йилда миллатимиз фидойиларидан бири адиб, публицист, драматург Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақидаги таъсирили фильм яратилди. (Сценарий муаллифлари — Бегали Қосимов ва Дилбар Рашидова). Ўн саккиз дақиқалик мазкур фильмда Маҳмудхўжа Бехбудийнинг (1874-1919) биз учун номаълум бўлган дунёси кашф этилди. Фильмда хроникал кадрлар бадий тўқима, яъни бадий кино воситалари билан уйғунлашиб кетади. Бехбудийнинг қатл этилиши саҳнаси актёрлар ижроси орқали акс эттирилди. Бу ҳам режиссёрнинг топилмаси, ижодий услубларидан биридир. Фильмда қахрамон портретини ва ҳаётини ифода этишда тарихчилар, санъатшунослар интервьюларидан унумли фойдаланилган.

«Маҳмудхўжа Бехбудий» ҳужжатли фильми Туркистоннинг туганмас дардларини, жароҳатларини англаш ва англатиш, уни бирликка, эрка, мустақилликка чорлаш ва бу йўлда жон фидо этиш учун курашган юртдошларимиз ҳаётига бағиш-



Режиссёр Файрат Шодмонов

ланган «Истиқлол фидойилари» туркумини бошлаб берди.

«Мунавварқори» фильми айнан шу туркумга кирган яна бир ҳужжатли киноасардир. Наим Каримов сценарийси асосида яратилган ушбу фильм жадидчилик ҳаракатининг яна бир йирик намоёндаларининг фожевий қисматини ифода этади. Фильмда муаллиф ифода этмоқчи бўлган гоа тасвир, сўз, мусиқа уйғунлигида очиб берилди. Фильмнинг хотимаси ниҳоятда таъсирчан. Озодликни орзу қилиб яшаган инсонни жисман қатл этдилар. Бироқ томошабин қалбида фильм хотимасида янграган шеър таъсирида умид учкунлари порлайди. Бу фидойи инсонлар халқ учун жон фидо этдилар, лекин уларнинг хайрли ишлари, порлоқ хотираси абадийдир.

Режиссёр Файрат Шодмонов шу вақтгача биз учун номаълум тарих саҳифаларини арақлар экан, ҳужжатларга, фактларга ниҳоятда чуқур масъулият ва ҳурмат билан ёндошади. Сценарийда таҳлил этилган мавзунини тасвирий жиҳатдан янада бойитишга, ҳужжатли кинонинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга, бадий кино воситаларини меъёрида ишлатишга ҳаракат қилади.

— Кинопублицист ҳаққонийликни бош мезон қилиб олиши шарт, — дейди Файрат Шодмонов. — Ўз

ишингга виждонан ёндошсанг, давр ва одамлар олдидаги масъулиятингни ҳис қилсанг, ҳар сафар мен тўғри иш қиляпманми? — деган саволлар сени тарк этмаса, демак кинохужжатчи номини шараф билан оқлаётган бўласан. Ижодкор ҳеч қачон ўз ишидан қоникмаслиги, меъёр, эстетик талаблар, экран маданияти, тасвир тушунчаларига ниҳоятда талабчан бўлиши лозим.

Файрат Шодмоновнинг «Истиқлол фидойилари» туркумидаги энг сара фильмларидан яна бири «Саид Аҳрорий»-дир. Фильмни яратишда истиқлол фидойилари сулоласининг ёрқин вакили бўлган Саид Аҳрорийнинг қизи, жамоатчи, журналист Холида Аҳророва ҳамда тадқиқотчи Сироҷиддин Аҳмадлар яқиндан ёрдам беришди. Шоир, журналист, мураббий, дипломат Саид Аҳрорийнинг ҳаёти қизи Холида Аҳророванинг эсдаликлари, хотиралари асосида тикланди. «Саид Аҳрорий» фильми муваффақиятли чиққан, деб айта оламиз. Бу хужжатли асарда муаллифларнинг эҳтиросли сўзи, дил тугёни, шижоати ҳис этилади. Шу боис ҳам томошабин фильмдан таъсирланади, ўзи учун янги бир дунёни кашф этади, тарихимизнинг номаълум саҳифаларидан баҳраманд бўлади. Хужжатли кинонинг асосий мақсади эса айнан шудир.

Кинохужжатчи Файрат Шодмонов шу кунларда халқимиз босиб ўтган катта тарихий йўл «Истиқлолнинг буюк йўли» янги фильмини яратди. Аммо бу сўнги нукта эмас.

Ижодкор қалбини жунбушга солган туйғулар, изланишлар гирдобада янги фильмга қўл уради. Бу соҳада манбалар анча ойдинлашган, ҳамкор ижодкорлар кўмаги бўлсада, заҳматли ижод жараёнлари ҳали олдинда. Зеро, фильмлар тинимсиз меҳнат, ижод машаққатлари, ўқиш, ўрганиш, янги-янги тарихий манбаларни излаб топиш, ва энг муҳими, инсонлар қалб оламини, орзу-умидларини ҳис этиш, ифодалаш эвазига дунёга келади...

Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги муносабати билан Файрат Шодмонов «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Бу унинг кино соҳасидаги фаолиятига берилган юксак баҳодир.

**Феруза
НОДИРОВА**

«Недур ахволинг, эй, зору ғарибим?..»

«Фарҳод ва Ширин» достонидаги Шириннинг Фарҳодга ёзган номаси билан «Евгений Онегин» асаридаги Татьянанинг ҳис-туйғуларга тўла мактубини қиёслаш шундан далолат берадики, ҳар икки нома ўз муаллифларининг беғубор муҳаббати тимсолигина бўлиб қолмай, уларнинг ички дунёси, характер қирралари ва ҳатто, улар мансуб бўлган миллат менталитетининг кўз-гусидек намоён бўлади.

Ширин ишқ ва ишқ аҳли ҳақида тўхталиб ёзади:

*Добон бир шамъдин парвона сори,
Самандардин бир оташхона сори.
Недур ахволинг, эй, зору ғарибим,
Висолим давлатидин бенасибим?*

Ширин шамъ ва парвона қиёсини писанд қилмай, самандар ва оташхона қиёсини олади. Очқидан-очик ўз севгисини сўзлаш, ўзини самандарга, ошиқни оташхонага қиёслаш нафақат XV аср, балки бугуннинг Ширинлари учун ҳам улкан жасорат ва ибратдир. Ширин ҳижрон азобиди, у нафақат шамъ, балки самандардек қийноқда. Ширин ва Фарҳод орасида хитой деворидек Хусрав бор. Бу уларнинг жисман қанчалар узоклаштирмасин, рухий бирлигига асло таъсир қилмаган.

Шириндан фарқли ўларок, Татьяна ўз мактубини ғоят тушкун кайфиятда бошлайди. «Мен сизга мактуб ёзаяпман, бундан ортиқ яна нима қилишим, нима дея олишим мумкин?» — тарзидаги сўзлар билан бошланган мактуб сўнгигача шу кайфиятда давом этади. Татьянанинг ҳадиғи ва иккиланиши аниқ кўриниб туради. Бироқ унинг муҳаббати бу иккиланишлардан устунроқдек туюлади.

Ширин мактубига қайтайлик. Ҳамама учун оддий ҳунарманд, бир ғарибдек бўлган Фарҳод Чин ўлкасининг султони эканлигини Ширин ҳам билмасди. Аммо «оддий бир ҳунарманд»ни малика Ширин шу даражада севадики, уни Сулаймонга қиёслади. Севгига садоқат, ёрни олам шоҳи, деб билиш, малика бўла туриб, ўзини қаниз ўрнида кўриш Шириннинг олий фазилати ва соф ишқидан далолатдир.

Ширин мактубини шу руҳда давом эттириб, ёзади:

Тикон кирса кафингга кийнасин,
Чикорсам эрди киприк игнасин.
Кўруб хору хас ўрнунгда ниҳоний
Сочим бирла супурсам эрди они.

Дунёдаги барча ошиқ ва маъшуқаларнинг, улар қай тилда гаплашмасин, уларнинг ҳис-туйғулари, қалб дардлари деярли бир хил. Уларга бу соҳада тилмоч шарт эмас. Бу соҳада ҳам кимнингдир омади чопган, яна кимнидир олдинда омадсизлик кутади.

Масалан, Татьяна кўз олдимизда ҳиссиётига берилувчан, аммо соф ва бокира, ҳаётга романтик руҳда ёндашувчи шахс сифатида гавдаланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, асарият ғарб олимлари Шарқ аёлларини ожиз ва нотавон, деб тасаввур этадилар. Тақдирга кўр-кўрона ишониб, ўз бахтлари учун курашмайди, деб изоҳлайдилар. Лекин Ширин нафақат курашади, балки Фарҳодга ҳам далда бериб, уни сабр-тоқатга ва курашга чақиради. Шарқ мумтоз адабиётида маъшуқа доимо виқор билан бир поғона устунликда туради. Хокисор ошиқ бўлса маъшуқанинг бир нигоҳи учун қурбон бўлишга ҳам тайёр бўлади. Пушкин асарида биз ўзгача ҳолга дуч келамиз.

«Евгений Онегин»да хокисор маъшуқа тимсоли гавдаланади. Хокисорлик, ёлвормоқ аломатлари сезилади. Бинобарин, юқоридаги ҳолатлар «Шарқ турмуш тарзи аёлларни хўрлагану Ғарбда қадрланган» қабилидаги қарашларнинг асоссизлиги ҳақида ўйлаб кўришга даъват этади.

Ўқувчи Шириннинг мактубини такрор ва такрор ўқийди. Мактубнинг ҳар сатри юрагининг туб-тубигача кириб боради. Мактубнинг сўнги мисралари ўқувчини ларзага солади. Ҳар бир ўқувчи Ширинга таҳсинлар айтади. Қизлар Шириндек бўлишни ҳавас қилса, йигитлар ҳақли равишда Шириндек ёрни орзу қилади. Чунки Навоийнинг Ширини ўз севгисига содиқ, ақлу фаросатда тенгсиз, у ёзган мактуб нафақат ошиққа бир нома, балки ошиқ қалбига далда, уни бахт учун курашга ундовчи бир яловдир.

Шаҳноза МУХТОРОВА,
Анджон давлат университети
филология факультети III курс
талабаси

Утган азизларни ёд этиб, тирикларни эъзозлаш халқ хотирасининг, миллатимизга хос умуминсоний қадриятларнинг гўзал ифодасидир.

Юртбошимиз «Хотира инсонни келажакка очиқ кўз билан қарашга ўргатади, қадрлаш эса хонадонларимизга файз-баракот бағишлаб, қилаётган эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тилаб ўтирган қарияларимизнинг ҳурматини жойига қўйишдир», деб таъкидлади.

Азалдан халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор» деган нақл бор. Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Қори ёғди» маҳалласида ҳам мана шундай фариштали хонадон бор. Бу ерда юз ёшни қаршилаётган, қўлини оқ фотиҳага очиб чор-атрофдагиларни эзгуликка ва яхшиликка ундаётган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Абдурахмон ота Шукуров истиқомат қилади. Ота кўпни кўрган, мулоҳазали қариялардан. Ёшлиги инқилобнинг алғов-далғов даврларига тўғри келди. Бу даврдаги турмуш қийинчиликларини отахон мардонавор енгди. Абдурахмон ота бугунги кунда чопетилаётган барча бадий асарларни ўқиб боради. Биз отахонни айна кунда қандай китоб ўқиётганларини сўраганимизда, у киши ёнбошларида турган Эркин Воҳидовнинг «Муҳаббат» шеърий тўпламини кўрсатдилар.

— Қизим, ҳозир кўзим анчайин хиралашиб қолган. Шунинг учун лупа билан ўқийман. Баъзи пайтларда набираларим ўқиб беришади. Бирон-бир кунимни китобсиз тасаввур қила олмайман. Ўқишга, китобга чанқоқлик, муҳаббат мени бутун умр тарк этмади. Истардимки, ҳозир ўзини ўқитувчи, мураббий, устоз санаган ҳар бир инсон доимо ўқиши, изланиши, комилликка интилиши керак.

Яқинда ўғлим Озоджон шаҳар айлантирди. Юртбошимиз Ислон Каримов раҳбарлигида амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан қалбимда чексиз ғурур, ифтихор туйғулари уйғонди. Бу фоний дунёда кишиларнинг одамларга қилган яхшилиги қолади, кўкартирган бог-роғлари, қурган иморатлари, энг муҳими ақли, ҳушли фарзандлари ўчмас ёдгорлик бўлади.

... Абдурахмон Шукуров 1902 йилнинг март ойида Шайхонтоҳур туманининг Занжирлик маҳалласида туғилган. 8 ёшида маҳаллада янги очилган жадид мактабда, Истиклол фидойиси Мунаввар қори қўлида таҳсил олди. Фақат аъло баҳолар билан ўқигани учун Таҳсин хати ва «Шарҳи Гулистон» билан муко-



Пиру-бадавлат отахон **Абдурахмон Шукуров**

«Ўқитувчи ўқур экан...»

фотланган.

«Олур таҳсин хати ҳар кимки яхши имтиҳон бергай,

Олур хат ўнга етса бир китобким кўрса жон бергай», деб ёддан шеър ўқийди Абдурахмон ота.

Отахон бундан 70-80 йил муқаддам ёд олган Абдулла Авлоний, Тавалло, Максуд Шайхзода шеърларидан бирин-кетин ўқийди, осойишта, вазминлик билан болалик хотираларини сўзлайди.

— 6-синфда ўқиганимда Ғозибой тоғам Сайрамдаги дўконида ишлатиш учун олиб кетди. Онам дўппи тикиб рўзгорни амал-тақал қилиб ўтказарди. 3 йил тоғамнинг қўлида меҳнат қилдим. Уйга қайтиб озгина ҳордиқ олганимдан сўнг ТошМИ биносида очилган Ўзбек ўқитувчилар дорилмуаллимида — олий ўқув юртида 3 йил таҳсил олдим.

Бу ер интернат типига бўлиб, кийим-бош ва овқат бериларди. Учинчи курсдан кейин Эски шаҳар маориф бўлимига иш юритувчилик вазифасига ишга кирдим. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан ишга қаттиқ меҳр қўйганлигим боис масъул котибликка кўтарилдим. 1927 йилда Октябрь район маориф бўлимига иш бошқарувчиликка қақирилдим ва кўплаб саводсизликни тугатиш курсларида ўқитувчилик қилдим. 1928 йилдан Машраб номидаги 69-мак-

табда ўқитувчиликни бошладим. 1933 йилга бориб бўлим мудирлигига кўтарилдим. Мактабда ишлаш билан бирга Педтехникумда, 1937 йилдан Пединститутда ўқидим. 1937 йилда Сирлик масчитда 2 қаватли янги мактаб биноси қурилди ва 69-мактаб шу ерга кўчди ва 8-мактаб деб юритила бошланди. Мактаб бир йил ичида шаҳардаги энг илғор мактаблардан бирига айланди. 1940 йилда оқсоқолимиз Йўлдош Охунбоевнинг қўлларидан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонини олдим, кейин орден билан тақдирлашди.

Уруш бошланган йили НКВДга ишга олишди. Билимли, зиёли одамлар ҳар доим, ҳар жабҳада керак. Мен қайси жойда ишламай, бутун куч-қувватимни сарф этардим ва албатта ижобий ўзгаришларга эришардим. 1956 йилдан 1969 йилгача бир нечта мактабда директорлик қилдим. Юқори ташкилотлардан текширишга келишса, биринчи навбатда мени дарсимга киришларини сўрардим ва очиқ дарс ўтардим. Очиқ дарсининг фойдаси кўп. Бу ёш ўқитувчиларни ўз устида ишлашга ундайди ва тажриба алмашиб бир-бирларидан ўргандилар. 70-йилларда намунали мактаб ташкил этишни жуда-жуда истаганим, лекин амалга оширолмадим. Шу ме-

нинг юрагимдаги энг катта армоним. 80 ёшгача ишладим. Давлатни, бировни ҳақини емадим, ёлгон сўзламадим. Ҳазир мулоим, камтарлик билан иш юритдим. Шунинг учун давлат, маориф ишида узлуксиз 60 йил ишладим ва одамлар ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлдим. Ҳозир атрофимда 12 набирам, 27 эварам парвона. Шогирдларим орасида Комилжон Зуфаров, Эркин Шайхов, Убай Абдуразоқов, Собиржон Зуфаров, Тўхтамурод Абдуазимов каби ҳаммага таниқли инсонлар борки, мен улар билан фахрланаман.

Бахтли оила — Ватан бойлиги. Бахтли оила — соғлом авлод вояга етадиган мактаб. Бировдан ёрдамларингни аяманглар, жон болаларим, катта-ю кичикка меҳрибон бўлинглар, ҳамма иш виждон, инсофдан, одобдан бошланади, ҳалол яшанг, дейман доим фарзандларимга.

Юртбошимиз Ислоҳ Каримов ёзганларидек, «Илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади». Мен шу сўзларга кўшилам. Аждодларимиз, қадриятларимиз улуғланаётган шундай Истиклол кунларига етказганидан Оллоҳимга шукроналар айтаман.

... Эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва маърифат ривожига умрини бахшида этган Абдураҳмон ота тўймаъракаларга борса, давранинг тўри уники. Халқимиз олтин олма, дуо ол, дейди. Отахоннинг дуоларини олаётган фарзандлари у кишидек олийҳиммат, назаркарда инсонлар бўлиб камол топишган. Улар мустақиллигимиз фидойилари сафида ўз бурчларини шараф билан адо этишмоқда.

— Мен бугунги кун ўқитувчилари ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, ўз кучи ва имкониятларига ишонган, фикри, қарашига эга бўлиб, атрофидаги воқеа-ҳодисаларни холисона таҳлил қиладиган, салоҳиятли, фидокор, эзгу ниятли, ҳалол ва покиза ёшларни тарбиялашларини истардим. Ўқитувчи ҳамон ўқир экан, ўқитувчи бўла олади, ўқитувчи — устоз деган номга лойиқ. Ўқувчиларда бадий асарни эмоционал қабул қилиш, мустақил фикрлай билиш малакаларини камол топтириш алоҳида эътиборга молик. Ўқитувчида оламини, ҳаётини воқеа-ҳодисаларни идрок қилиш, кишилар руҳиятини англаш эҳтиёжи туғилиши билан бадий адабиётни ўрганиш зарурияти пайдо бўлади. Бадий асарни ўрганиш жараёнида

ўқитувчи ўқувчилардаги ана шу эҳтиёжни ривожлантириш орқали уларни маънавият оламига, камолотга етаклайди. Адабиёт дарсларининг чуқур илмий, эстетик асосга эга бўлиши ҳамisha адабиёт ўқитувчиларининг диққат-марказида туриши лозим. Кейинги йиллар адабиётида кўп изланишлар, янгилашлар юз берди — инсон онги, тафаккури юксалди. Унда юрт қайғуси, табиат тўғрисида ғамхўрлик туйғуси кучайди, ўз тарихи, аждодлари қисматига муносабат ўзгарди, дин ва эътиқодда эркинлик юзага келди.

— Ёшларга айтадиган бирон бир тилақларингиз борми? — деб сўраймиз отахондан.

— «Вақтинг қўлдан кетмасдан кўп хунарни билиб ол,

Ёшлик бекор ўтмасдан элга хизмат қилиб қол!» деган ҳикматли сўзларни тез-тез фарзандларимга, набираларимга такрорлашни хуш кўраман.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда иқтидорли болалар ўқиши ва тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун давлатимиз куч ва маблағни аямаяпти. Пиру бадавлат Абдураҳмон ота қўлларини дуога очар эканлар: «Ҳаёт улугъ неъмат, шу кунларнинг қадрига етинглар, тинчликни қадрланглар» дейдилар. Биз ҳам бу муътабар отахонга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз, кўзларингиздан нур, белингиздан қувват аримасин деймиз.

**Маъпура
НАБИЕВА**



Отахон оила аъзолари даврасида

«Ҳибат ул ҳақойиқ» вази ҳақиқатлар

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул ҳақойиқ» асари дастлабки туркий ёзма обидалардан бири саналади. Мазкур асарнинг асосий қисми тўртликлар тизимидаги панднома-лар тарзидадир. Панднома Шарқ мумтоз адабиётида кенг тарқалган.

Инсоният яратилибдики, эзгулик томон интилиб келади. Кишининг ҳаётдаги ўрни, фаолияти, инсонийлиги, зоҳирий ва ботиний дунёси, маънавий гўзаллиги кабилар эзгулик мезонлари орқали баҳоланади ва шу талабларга жавоб бера олган одамларгина ҳақиқий инсонлар саналади.

Адиб яратган тўртликлар эзгулик гоёлари билан сугорилган. Шоир ҳаётнинг бебақолиги, вақт деб аталмиш бебаҳо бойликнинг тезда қўлдан кетиши, инсон ўзига берилган умри давомида фақат эзгу ишлар билан шуғуллансагина унинг номи абадий қолиши мумкинлиги, бу дунё лаззатларининг эса елдай ўткинчи-

лигини алоҳида таъкидлайди: *Бақосиз эрур бу очун лаззати, Кечар ел кечартек маза муддати. Йигит қўжа бўлур, янги эскирур, Қави эрса қамлур, қочар қуввати.*

Мазмуни:

Бу дунё лаззати бебаҳо, унинг мазали дамлари елдек ўтиб кетади. Янги эскиради, йигит қарийди, бели букилади, кучи кетади.

Тириклик инсон учун берилган бир неъматдир. У абадий эмас, тез фурсатда ўтиб кетади. Кишилар бу неъматдан эзгу ишлар йўлида унумли, оқилона фойдалансалар етуклик, баркамоллик касб эта борадилар. Инсон етуклигининг бир белгиси унинг саховатлилигидир. Адиб бир қатор тўртликларида саховатни улуғлайди:

Бу будун тўлуси ахи эр турур, Ахийлик шараф, жоҳ,

жамол орттирур.

Севулмак тиласанг кишилар аро, Ахий бўл, ахийлик сени севдурур.

Мазмуни:

Х а л қ н и н г етуги сахий кишидур, сахийлик шараф, мартаба ва камолотингни орттиради. Кишиларнинг муҳаббатини ўзингга жалб қилмоқчи бўлсанг, сахий бўл, саховат сени севикли қилади.

Бахиллик — одамлар учун хос бўлган салбий хусусиятлардан бири. Бахилнинг фикру хаёли фақат мол-дунё тўпламоқ, аммо қанча бойлик тўпласа ҳам кўнгли тўлмайди; шу сабабли у

мол-дунёнинг, давлатнинг кули. Шоирнинг фикрича, бундай хислатли кишини йўлга солиш қийин, чунки бахиллик даволаб бўлмас касалликдир.

Достонда тавозеъ-камтарликнинг ҳам ўзига хос ишончли тарғиб усули бор: ҳар бир инсон ўзига камтарлик хислатини сингдириши керак, шундагина у халқ меҳри ва Яратганнинг меҳрига сазовор бўлади. Такаб-бурлик эса камтарликнинг акси, у кишини тубанлаштиради, эзгулик йўлидан оздиради. Шунинг учун ҳам адиб «такабур либосин» ечиб, «тавозеъ қилинг» деб насиҳат қилади.


Адибнинг ахлоқий далолатида илмнинг манфаати, жаҳолатнинг зарари, тилни тийиш, кибрлик ва ҳарисликнинг зиёни тўғрисидаги фикрлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. У кишиларни фақат қандай йўлга бошлаш, қандай фазилатлар сари ундаш хусусидагина эмас, балки уларга қандай йўлдан юрмаслик, қандай хислатлардан узоқроқ бўлиш кераклиги ҳақида ҳам ўғит беради: *Эши эдгу бўлса эр эзгу бўлур, Эр эш эзгусиндин уқуш хайр келур. Эсизга ёвума, эсиз суҳбати, Сени терким эсиз қилиглиқ қилур.*

Мазмуни:

Улфати яхши кишининг ўзи ҳам яхши бўлади, яхши улфатдан кўп яхшилик келади. Ёмонга яқин юрма, ёмоннинг суҳбати тезлик билан сени ярамас қилиққа ўргатади.

Хуллас, «Ҳибат ул ҳақойиқ» достонининг ахлоқий ва маърифий аҳамияти жуда катта. Ҳозирги пайтда бу бадий ёдгорликни ўрганишга алоҳида эътибор берилма бошланди. Асар китобхонларни илмлилик, одоб-ахлоқлилик, саховат, тавозеъ, сахийлик каби эзгу хислатлар сари ундайди, бахиллик, баднафслик, кибрлилик каби иллатлардан йироқ бўлишга чорлайди.

Музаффар МАМАТҚУЛОВ,
Гулистон давлат университети
ўқитувчиси



Ёз — ўтмоқда саз!

Янги ўзбек адабиёти

XX асрда ўзбек адабиётининг бутунлай янги бир шакли пайдо бўлди. Бу адабиёт XX асрнинг тонг отаридаёқ пайдо бўлиб, тадқиқотчиларимиз тўғри таъкидлашаётганидек, «20-йиллар арафасида оёққа туриб» улгурган эди. Бу ўз номи билан янги адабиёт эди, у жадид маърифатпарварлигидан озикланиб, Инсон учун Саодатни, Эркини, Хурриятни куйлади. Бу маърифатпарварлик адабиёти Инсон Эркини куйлашдан миллат истиқболи ва истиқлолини тасвирлаш сари ўсди. 20-йилларга келиб бу янги ўзбек адабиёти гоё, мазмун ва ҳажм салмоғи билан халқ тафаккурида миллий истиқлол, озодлик каби умидбахш туйғуларни шакллантира олди. Шу маънода биз О.Шарофиддинов, Н.Каримов, Ш.Ризаев ва бошқаларнинг фикрларига қўшилаемиз.

XX аср тонг отарида пайдо бўлган янги ўзбек адабиётида Ҳамзанинг ўрни қай даражада?

Ҳамза ўз ижодини анъанавий-мумтоз адабиёт русумларида бошлади. Унинг «Девони Ниҳоний»си мумтоз адабиёт анъаналарини яхши билганлигидан далолат беради. Мумтоз адабиётшунослик мезони билан айтганда, эътироф этилган соҳиб девон шоир. Лекин бизнинг назаримизда, Ҳамза ўз тафаккурининг қаймоғини жадид маърифатпарварлигига асосланган янги ўзбек адабиёти намуналарини яратишга сарфлади. Нега?

Янги ўзбек адабиёти «улуғ ибрат мактаби» бўлган драматургияда ўзли-

гини топди. Бу — жаҳон андозасига хос жанр эди. Ҳамза ҳам биринчилардан бўлиб, бу маърифий жанрда эътирофли пьесалар ёзди. Унинг «Ишқ қурбонлари», «Заҳарли ҳаёт», «Фарғона фожеалари», «Бой ила хизматчи» каби драмалари бунинг далилидир. Бу асарлари билан Ҳамза жадид театрчилигининг ривожига чексиз ҳисса қўшганлигини кўпчилик адабиётшунослар эътироф этади.

Янги ўзбек адабиёти шоирлари, Ҳамза ҳам янги даврда халқ адабиётидаги шакл — бармоқни танлади. Ўзига хос бир иқтидорни талаб қилган бу жанрда Ҳамза юзлаб шеърларни ўз ичига олган ўнлаб тўпламлар нашр этди. Ҳатто унинг «Йиғла, Туркистон» номли шеърлари ўз даврининг мадҳияси бўлиб янгради. Бу борада устоз О.Шарофиддинов ҳақ: «Ҳамза Ҳакимзода шеърларида эса биз бошқача аҳволга дуч келамиз — энди шоир, аввалгидек фақат маърифатга қақриш билан чекланмайди, энди у қадимий Туркистоннинг сиёсий-ижтимоий аҳволини ўйлайди...»

Янги ўзбек адабиёти жаҳон адабиётига хос бўлган — публицистикани қабул қилди. Биз яна Ҳамзанинг ёлқинли ва ҳароратли публицистикасига дуч келамиз. Афсуски, Ҳамза публицистикаси ҳали ўз баҳосини олгани йўқ.

Ниҳоят, янги ўзбек адабиётига ижодкорнинг амалий фаолиятда бўлиши ўзига хос одат эди. Ҳамза улуғ маърифатпарвар, халқ жарчиси ва моҳир педагог сифатида фаолият кўрсатганлиги барчага маълум. У «Жадид муаллимлик» шарафига сазовор бўлган эди.

Буларнинг барчасига Ҳамза 20-йиллар атрофида эришган эди. 20-йиллар арафасида ҳамма уни ижодкор сифатида танирди. Демак,

Ҳамзанинг янги ўзбек адабиётининг шаклланишидаги хизмати ва мавқеи беқиёсдир.

Ҳамзанинг драматургияси, шеърият ва публицистикасида миллат озодлиги, инсон эрки куйланади, йўлсизлик жаҳолати ва маърифатсизлик иллоти қораланади. Ҳамза асарларида биз халқни миллий хуррият гоёси билан сўғоришнинг устуворлигини кўраемиз. Менинг назаримда, Ҳамзанинг 20-йилларгача бўлган ижодида миллат маиший ҳаётидаги қусурларни тасвирлаш билан унинг кўзини очиш гоёси устувор. Унинг драмаларидаги воқеаларда, лирик шеърлардаги кўз ёшларда ва публицистикасидаги ёлқинлиларда миллатни севиш туйғуси миллатдаги қусурларни йўқ қилиш истагида намоён бўлади.

Табиий савол туғилади: хўш, Ҳамза янги ўзбек адабиётининг шаклланишига шунчалик ҳисса қўшган экан, нега у 20-йиллар ўрталаридан «қизил инқилобчи» бўлиб кетди? Бу борада бизнинг фикрларимиз куйидагича:

Биринчидан, ҳалига қадар Ҳамзанинг соф «қизил инқилобчи» бўлиб кетгани ўз исботини топгани йўқ. Чунки бизни Ҳамзанинг 20-йиллар ўрталаридан то умрининг охиригача бирорта шўро мафқурасини акс эттирувчи салмоқли асар яратмаганлиги ўйлантиради. Уч-тўртта «қизил» шеъри билан уни инқилобчига чиқара олмаймиз.

Иккинчидан, дастлаб Ҳамзанинг ҳам ўзга жадид арбоблари қаторида Октябрь воқеаларидан умид қилганлигини ва «янги ҳаёт бошланди» деб ўйлаганлигини инкор қилмаслик керак. Бироқ, 1925-йиллардан Ҳамзанинг умиди пучга чиққанлиги ҳам ҳақиқат.

Учинчидан, эҳтимолким, бу масаланинг ечимини фақатгина Ҳамза таржимаи ҳолининг 20-йиллардан кейинги даврини синчиклаб ўрганиш ҳал қилиб беради.

Ҳамзанинг 20-йиллардан кейинги ижоди ва фаолияти ҳам янги кўз билан тадқиқ этишни кутмоқда.

Ҳамзанинг янги ўзбек адабиётининг шаклланишида муносиб ўрни бор. Бу масала Ҳамза ижодини чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

Нилуфар ДАДАЖОНОВА,
Ўзбекистон Президенти
ҳузуридаги Давлат ва жамият
қурилиши академияси ходими

Келинг, имтиҳонларга бирга тайёрланамиз, дугонажон!



Эзгулик шайдоси

(Мақсуд Қorieвнинг 75 йиллигига)

Таникли адиб ва истеъдодли журналист Мақсуд Қorieв «Эзгуликка интилиб» китобида устозларидан бири Шорасул Зуннун ота ҳақида қуйидаги самимий сўзларни ёзган: «Дунёда шундай инсонлар бўладики, умр бўйи жонини жабборга бериб кўп савобли ишлар қилиб, эл тилга тушади, эътибор қозонади. Аммо қилган саховатли ишлари ҳақида ҳеч қаерда мақтаниб юрмайди».

Мен бу сўзларни ўқир эканман, кўз ўнгимда китоб муаллифи Мақсуд Қorieвнинг ажойиб қиёфаси намён бўлди. Чунки юқоридаги сўзлар Мақсуд Қorieвга ҳам тааллуқлидир.

Мақсуд Қorieвни деярли ярим асрдан бери биламан. Аспирантурада ўқиб, юридик фанлари номзоди илмий даражасини олди. «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида оддий адабий ходим бўлиб ишлади. Кейин «Тошкент ҳақиқати» газетасида муҳаррир ўринбосари, сўнг «Қизил Ўзбекистон»да бош муҳаррир лавозимида чорак аср хизмат қилди. Ҳозирда эса «Меҳригиё» газетасини ташкил қилиб, унда унумли ижодий меҳнат қилмоқда. У шу давр ичида барчага қўлидан келганча ёрдам берганлигини, ҳаётнинг мазмунини эзгулик ва яхшилик қилишдан иборат деб билганлигининг гувоҳиман.

Мақсуд Қorieвда олижаноблилик, соддалик ва камтарлик, мурувватлик ва садоқатлилик фазилатларининг асослари қаердан пайдо бўлган, унга кимлар салоҳият ва одамгарчиликдан сабоқ берган?

Мақсуд Қorieвнинг бахти шундаки, у соғлом, илм-ижоднинг қадрига етадиган, келажак ривожига тўғри кўз билан қарай оладиган файзли оилада туғилиб, вояга етди. Бунда унинг доно, меҳрибон, мунис онаси Муборахон аянинг хизматлари чексиз бўлган.

Мақсуд Қorieв катта устози, академик Соли Ражабов билан ҳамкорлик қилиш бахтига муяссар бўлади. Ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган бу олим, ўз шогирдини илм погоналари сари йўллади. Мақсуд Қorieвни журналистика соҳасига ажойиб инсон, атоқли драматург Баҳром Раҳмонов олиб кирган. Айниқса, у ижодий фаолиятида Шароф Рашидовнинг оталарча ғамхўрлигини доимо хис этиб турган. Зиёд Есенбоев уни Шароф Рашидовдан кейин ўз паноҳига олди, матбуотнинг порлоқ йўлини очиб бериб, камолоти учун самимий ижодий меҳнатини аямади. «Тошкент ҳақиқати» газетасида бир-

лари бош муҳаррир, иккинчилари ўринбосар сифатида ишлаганлари ибратлидир. Республикада журналистлар уюшмасини ташкил этиб, унга бош-қош бўлган Иброҳим Раҳим ҳам Мақсуджонга устозлик қилди. Мақсуджон бу кишига то ҳануз чуқур ҳурмат ва самимият изҳор этиб келади.

Мақсуд Қorieв устозлари каби йирик, истеъдодли, чуқур билимдон журналист, таникли ёзувчи бўлиб етишди. Шу билан бирга Мақсуд Қorieв саховатли, мурувватли, меҳрибон, ғамхўр. Хайрли ишларни ўз касби деб билладиган олижаноб шахсдир. Масалан, ёзувчи Самар Нур фалокатга учраб, ажал чангалига тушиб қолганида, Мақсуд Қorieв жонини фидо қилиб, уни ҳалокатдан қутқариб қолади. Шу сабабдан Самар Нурнинг рафиқаси уни «Аслида жаннати инсонсиз» деб баҳо беради.

Мақсуд Қorieв республиканинг энг катта, энг обрўли газетасига йигирма бир йил бош муҳаррирлик қилди. Газета тарихида ҳеч ким «Қизил Ўзбекистон»га Мақсуд Қorieвдек узоқ вақт ҳамда самарали бош-қош бўлмаган. У бош муҳаррир қандай бўлиши кераклигини эталон қилиб кўрсатди, унинг иш фаолияти ёш бош муҳаррирлар учун ибрат бўла олади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, иш давомида Мақсуд Қorieвга осон бўлмади, у ҳамisha ҳаяжон ва хавотирда яшади. Узини қил устида тургандай хис қилди. Атоқли ёзувчи Саид Аҳмад бу ҳолни тўғри таъкидлайди: «Энг масъулиятли, энг нотинч, ҳатто ҳавфли деса ҳам бўла берадиган касб газетачилик» эди. «Қизил Ўзбекистон»дан ташқари «Тошкент ҳақиқати»да ўн йилча, «Муштум»да тўрт йилча, ўн йилдан буён «Меҳригиё»нинг бош муҳаррири вазифасини бажармоқда. Ҳаммасини ҳисоблаб келсак, Мақсуд Қorieв ярим асрдан бери журналистика соҳасида жавлон уриб келмоқда. Бунга сабаб нимада? Узининг таъбири билан айтганда «Газетанинг меҳригиёсисиз яшай...» олмаслигидадир.

Журналистика соҳасида ишлаш Мақсуд Қorieв учун катта ҳаётий мактаб бўлди. У турли тоифадаги, касбдаги инсонлар билан учрашди, улардан ўқиб, ўрганди. Бу унга ижодий уфқларни очди. Ҳаёт, турли инсонларнинг қисматлари адибга ҳаётий манба берди. Ёш адиб уларни бир чеккадан қаламга олиб, адабиёт майдонига кириб келди, кичик-кичик бадиий асарлар ёза бошлади. Унинг



жажжи ҳикоялари 60-йилларнинг ўрталаридан матбуот саҳифаларида кўрина бошлади. Адибнинг биринчи катта ҳажмли қиссаси «Ойдин кечалар» 1968 йилда чоп этилди. Асар муаллифга обрў келтирди. Ундаги лирик кечинмалар, севгининг самимий, реал тасвири, тилнинг ширадор ва равонлиги китобхонларнинг диққатини ўзига тортди. Ўқувчиларнинг ижобий баҳоларидан илҳомланган адиб бирин-кетин, қизиқарли, пухта ҳикоя ва қиссаларини чоп этиб борди. Мақсуд Қorieвнинг «Жийда гуллаганда» (1970), «Ой тутилган кеча» (1970), «Қиз узатиб борганда» (1972), «Афросиёб гўзали» (1972-1973), «Турналар баланд учади» (1974-75) каби қиссалари нашр этилиб, ўзбек миллий адабиётини янги-янги мазмун ва муаммолар, ўзига хос қаҳрамонлар билан бойитди.

Энди Мақсуд Қorieв ўз қаламини йирик жанрда синаб кўриб, унинг ҳам урдасидан чиқди. Гап 1985 йилда босилиб чиққан «Спитамен» тарихий романи устида кетмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ўзбек халқи тарихида катта рол ўйнаган қаҳрамонлар ҳақида тўхталиб: «Халқимизнинг қадимий ва бой тарихига Тўмарик, Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур каби ўнлаб саркардаларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган», — деб таъкидлаган эди. Шундай қаҳрамонлардан бири Спитаменнинг бадиий қиёфасини Мақсуд Қorieвнинг романида яққол кўрамиз. Бу асарнинг ўзига хос хусусияти нимада? Тарихийликни бадиийлик билан қўшиб тасвирлаш санъатидадир. Муаллиф «Спитамен»га янада сайқал бериб, уни «Сўғд ўғлони» номи билан нашр эттирди. Тарихни бадиий адабиётга олиб кириш жуда машаққатли, оғир ижодий ишдир. Аммо бу мушкул вазифа Мақсуд Қorieвни чўчитмади, узоқ ўтмишни, тарих зарварақларини синчковлик билан кўздан кечирди,

ХУНАРМАНДЛАРНИНГ ПИРЛАРИ

хужжатлардан бош кўтармай, эртаюк мутулаа қилди. Хайрли меҳнат зое кетмади, самарали ҳосил берди. Оқибатда яна бир тарихий роман «Ибн Сино» (1995) пайдо бўлди. Таникли адабиётшунос Иброҳим Фафуров таъкидлаганидек: «Мақсуд Қориев Спитамен, Искандар, Ибн Сино, Маҳмуд Ғазнавийларни ҳам худди ўзини ёзаётгандай бир тарзда гавдалантиради. Бунда нотабиийлик йўқ. Аксинча ажиб бир табиийлик, инсонийлик зуҳур этади».

Бу катта асарлари орасида Мақсуд Қориев турли долзарб мавзуларга бағишланган, зарур муаммоларни кўтарган «Юлдузларда эди хаёли», «Осиё гўзали» бадиалари, «Тоғмаҳал», Амир Темур ҳақидаги ҳикоялари, «Эзгулик истаб» хотиралари босилиб чиқди. Адибнинг баъзи асарлари («Спитамен», «Ойдин кечалар», «Турналар баланд учади», «Афросиёб гўзали») рус тилида ҳам нашр этилди.

Мақсуд Қориев асарлари асосида радио, телеспектаклар кўйилган. «Ойдин кечалар», «Афросиёб гўзали», «Турналар баланд учади» каби қиссалари, «Юлдузларда эди хаёли» бадиасининг радиоспектакли ҳозирда ҳам радио тўлқинлари орқали берилиб келинишни мамнуният билан қайд этаман. Буларнинг қаторига «Мирза ва Лола», «Қалдирғочлар баҳорда келади», «Қиз узатиб борганда» қиссалари асосида пайдо бўлган фильмларни ҳам кўшасак, Мақсуд Қориев адабиёт ва санъат оламида янада салобатли ва кўркем бўлиб кўринади.

Юристан чиққан, журналистика соҳасида Расул Раҳмон, Самар Нуров, Муроджон Мансуров, Уктам Усмонов, Охунжон Ҳақимов, Анвар Эшонов, Анвар Юсупов, Маҳкам Маҳмудовга устозлик қилган, бутун умр давомида халқ нафаси билан яшаган, унинг дарди билан куйиб-ёнган бир ўзбек миллий адибнинг салмоқли ижоди таҳсинга ва ибратга лойиқ.

Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад тўғри айтганидек, «Мақсуд Қориев ҳар қандай шароитда суянса бўладиган вафодор дўстдир». Адиб ўзининг ён дафтаридаги битикларида шундай ёзади: «Дўстларинг қанчалигини лавозимдан кетганидан кейин биласан. Мансабдан кетганидан сўнг, сендан узоқлашган дўстларингга ачинаман».

Тиниб-тинчимас, таникли адиб ва машҳур журналист Мақсуд Қориев 75 баҳорни кўрди. Унга ҳамшиша илҳом ва соғлиқ ҳамроҳ бўлсин. Ижоди мусаффо булоқдай қайнаб-тошаверсин, деймиз.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, филология фанлари
доктори

Хунармандчилик билан инсонлар ибтидоий даврлардан бошлаб шуғулланиб, турли-туман буюмлар, нарсалар ясаб келганлар. Асрлар давомида хунармандчилик анъана тариқасида ривожланиб, такомиллашиб бизгача етиб келган. Хунармандчиликнинг ҳам тарихан ўз маросимлари ва анъаналари бўлган. Булар ўз-ўзидан келиб чиқмаган. Улар маълум сабаблар асосида пайдо бўлган ва авлодлардан авлодларга ўтиб келган.

Масалан, ҳар бир хунарманд ўз пирига сизинган. Бу пирлар шу хунарнинг асосчиси ҳисобланган. Аждодларимизнинг кўлёмаларида ва кекса усталарнинг айтишича, дунёдан ўтган уста хунармандларнинг, яъни пирларнинг арвоҳи ушбу хунар усталарининг теварақатрофида айланиб юраётган экан. Шунинг учун хунарманд усталар ҳар доим иш бошлашдан олдин дуо ўқиб, руҳларни шод этган ва улардан руҳий мадад сўрашган. Ҳар бир хунарнинг пирлари мавжуд бўлган. Чунончи:

— ёғоч ўймакорлиги ва қайиқчилар пири пайғамбар Нух;

— темирчилар ва мисгарлар пири ҳазрат Довуд;

— тўқувчилар пири Идрис пайғамбар;

— зардўзлар пири ҳазрати Юсуф;

— каштадўз ва наққошларнинг пири Баҳоуддин Нақшбанд;

— чўпонлар пири Занги ота;

— кулоллар пири Мир Амир Кулол ва ҳоказо.

Қадимдан ҳар бир хунар пирларини ва устозларни улуғлаш ва қадрлаш одоб тусини олган. Шогирдлар ва уларнинг ота-онасининг пир ҳамда устозларга бўлган шарқона муносабатлари, одоб мезонлари мавжуд бўлган.

Сўфи Оллоёр ёзган эди:

Агар бўлмаса йўл

бошлагувчи пир,

Солур бўйнига Шайтон

доми тазвир.

Қачон ҳар пир билур

кутлуғ йўлингни,

Таниб эр яхшисин,

топшир қўлингни.

Ўшал пирки, эрнинг эри бўлғай,

Тариқат пешасининг

шери бўлғай.

Устознинг қўл остидаги шогирдлари билан ўзаро муносабатлар мезони куйидагилардан

ташкил топган:

— ўзаро кўркем хулқ билан самимий муносабатда бўлиш;

— интизомли бўлиш;

— бир-бирининг айбини ошкор қилмаслик;

— эринчоқ ва ялқов бўлмаслик;

— дўстининг омонатида хиёнат қилмаслик, зиён-заҳмат етказмаслик;

— мунофиқ ва риёкор бўлмаслик, адоват, ҳасад, ғийбат, ифво қилмаслик, ёлғон сўзламаслик, дўстини алдамаслик;

— бир-бирига ёрдам бериш;

— дўстининг муваффақиятидан қувониш.

Шогирд маълум вақт ўтгандан сўнг, мустақил ишлаш олиш даражасига етгандан сўнг «Уста рози» маросими асосида уста деган номга эга бўлган. «Уста рози» маросимида усталар ўз шогирдларига оқ фотиҳа беришган. Шогирд устозга чопон ва совға-салом берган. Шогирдга эса чопон, белбоғ ва салла кийгизилган ҳамда уста томонидан ўша хунарда ишлатиладиган асбоблар совға қилинган. Пирни рози қилгач, шогирд мустақил ишлаш бошлаган. Халқимизда «Пирдан фотиҳа олганми?» деб сўраш шундан келиб чиққан. Хунар пирларидан фотиҳа олмаган усталарни «Пири шайтон» деб юритганлар. Ўз навбатида пирлари йўлидан қайтган усталарни эса «устози шайтон» деб атаганлар.

Ҳозир касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртларида яқка тартибда усталарга шогирд тушиб ёки тўғарақларда хунар турлари ўргатиляпти, лекин хунармандчиликка оид аждодларимиз қолдирган маънавият хазиналаридан тўлиқ фойдаланилмаётган.

Ватанимиз келажаги бўлган ёшларимизга ўз миллий қадриятларимиз — урф-одатларимиз, анъаналаримизни ўргатмас эканмиз, келгуси авлод бизни кечирмайди. «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га биноан таълим-тарбияни амалга оширар эканмиз, миллий хусусиятлардан, шарқона устоз-шогирдга оид одоб мезонларидан, аждодларимизнинг қолдирган маънавий меросидан тўлиқ фойдаланиш зарур.

**Абдулла
ОЧИЛОВ**

Қодира ховлига кириб келар экан, қайнонасида нимага эридан ажрашганлигини сўрашга қарор қилган эди. Бироқ уйга киргач, диванда ўтирган қайнонасига кўзи тушди-ю, шаштидан қайтди. Қайнонаси унга оналарча меҳрибонлик билан қараб турар эди. Бироздан сўнг яна сўрагиси келди.

— Нега улардан ажрашгансиз, — деди Нодира томдан тараша тушгандай овози қалтираб. Она кимдир мени ёмон отлик қилиб келинимнинг кўнглини чўктирибди-да, деб ўйлади. Эҳ, одамлар-одамлар, текканга тегиб, тегмаганга кесак отасизлар-а, дея ўзича ҳар хил хаёлларга борди.

— Мен бошимдан ўтган воқеаларни аллақачон сенга айтиб бермоқчи эдим. Эшит, қизим...

Кун аямай ёндирарди ўшанда. Дарахларнинг барглари иссиқдан шалвираб қолган, қилт этган шамол йўқ.

Қиз ёнгинасига келиб тўхтаган оқ "Жигули"ни кўриб аввалига ҳайрон бўлди.

Машина эшиги очилиб новча бўйли, озгингина, кўримсиз бир йигит тушди. Йигит билан қиз бир-бирига қараб юришди.

— Қандай шамол учирди Қурбонбой ака? — деди қиз жилмайиб, йигит билан кўл бериб сўрашар экан.

— Холамини кўриб кетай деб сиз-

ларникига келаётган эдим.

— Холамлр яхши юришибдимми? — дея қиз ўз навбатида йигитдан сўради.

Йигит қиз саволларига жавоб бераркан:

— Ўзинг яхши юрибсанми? — дея сўради. Йигит қизга ўғринча бошдан-оёқ назар ташлаб чиқди.

— Раҳмат.

— Мактабни тугатдингми?

— Бугун охириги имтиҳонимни топшириб келаяпман.

— Неччи олдинг?

— Беш.

— Зўрсан-ку, — қойил қолгандек бош силкиди йигит, кейин бир нарсасига тушиб қолгандек:

— Нега турибмиз, ўтир, обориб қўяман, — деб таклиф қилди.

Қиз машинанинг орқа ўриндигига, йигит бўлса ҳайдовчи ёнига ўтирди. Машина секин жойидан силжиди. Озгина юргач, йўл чеккасида турган бир йигит олдида тўхтади. Машина тўхташи билан Қурбонбой Нодиранинг ёнига, йўлда учраган йигит бўлса ҳайдовчи ёнига ўтирди.

Машина шитоб билан жойидан силжиб, тезликни оширди.

Машина шаҳардан чиқиб қишлоқ томон йўл олди.

Қизнинг юрагига шунда ваҳима тушди.

— Қаерга кетаяпмиз? — деди.

— Ҳозир бир дўстимникига кириб



Баҳодир ХУДОЙБЕРГАНОВ

чиқаманда, сени олиб бориб қўяман, — деди кўримсиз чўтир йигит.

Қизнинг кўнгли бир нарсани сезгандек типирчилай бошлади.

— Тўхтатинг машинани, тушиб қоламан, — деб қиз машина эшигини ушлаган ҳам эдики, йигитнинг бақувват кўллари унинг билагини қаттиқ қисди.

— Нима қиляпсиз, Қурбонбой ака? Уялмайсизми? Холангизнинг қизиман-ку.

Қизнинг кўзидан оқаётган шашқатор ёшлари-ю ялиниб ёлворишлари йигитга таъсир қилмади... У мажбуран қизга уйланиб олди.

Бензин куйиш шоҳобчасида ишлайдиган отасининг пулларига ҳамма нарсани, ҳатто бахтни ҳам сотиб оламан деган фикрда эди. Меҳрибон она кудаси ўзининг синглиси эканлигини билгач нажотсиз гирдобда қолди. Синглисининг эри қанақа одам эканлигини, Қурбонбой ҳам отасига ўхшаб ичкиликка берилганлигини биларди. Синглиси агар ўртага совчи кўйганда тўй бўлмас эди. Энди шу йўл билан қудачилик қилмоқчимми?

Келинлик либосига бурканган Гавҳар уйга кирган онаси кучоғига ўзини отди. Она қизини бағрига босганича жим туриб қолди, охири:

— Бўл, қизим, кетамиз, — деди амирона овозда.

— Энди қайси юз билан уйга бораман? — деди Гавҳар.

— Ҳозир мен билан кетмасанг сендай қизим йўқ, — деди она қатъий.

Гавҳар онасининг кучоғида жимгина турарди.

Шунда она жим турган қизини бағридан итариб ташлади-да, шах-



(Ҳикоя)

дам қадамлар билан уйдан чиқиб кетди.

Орадан ойлар ўтиб, Гавҳар фарзандли бўлди. Қиз кўрди. Орадан уч йил ўтгач, ўғиллик бўлди.

Қурбонбой тўйдан кейин инсонлик қиёфасини йўқота бошлади. Эрта-лабданоқ битта ароқни ичиб олиб, ишга кетарди.

Гавҳар бу уйга келганига олти йил бўлибдики, эридан ёки қайнотасидан бир оғиз ширин сўз эшитмади. Тугруқхонада ётганларида эри бирор марта кўргани борган эмас, яхшиям холаси бор экан, хабар олиб турди. Қайнона Қурбонбой билан Гавҳар ўзларидан тиниб-тинчиб кетишлари учун елиб югурди.

Бир неча марта Қурбонбой Гавҳарни ўласи қилиб калтаклаганда, қайнона ўглининг қўлидан хушсиз Гавҳарни тортиб олгани учун ҳам эридан келтак еди. Охири қайнона келини билан ўглини қишлоқдаги бир ташландиқ уйнинг уёқ-буёғини тузаттириб, уларни шу уйга кўчириб юборди.

Шундан кейин Гавҳар учун қиёмат қойим бўлди. Ҳеч ерда ишламайдиган эрининг ароғига пул топиб бериш, рўзғор тебратиш Гавҳарнинг гарданига тушди. У тикувчилик билан шуғуллана бошлади.

Бир кунда икки-уч кўйлак тикар эди. Эри тун ярмида келадими, тонгда келадими, Гавҳар эрини

кутиб ўтирганича кўйлак тикарди.

Шундай кунларнинг бирида Қурбонбой гандираклаганича маст ҳолда уйга сўкиниб кириб келди. Эрининг дераза пештахтасидан чойнакни олиб, ўзига отганини эслайди-ю, кейин нима бўлганлигини билмайди. Ўзига келиб, кўзини очиб қараса, қизи билан ўғли бурчакка сиқилганича бир-бирининг пинжиги кириб, жимгина ўтиришарди...

Қурбонбой этигини ҳам ечмасдан тўшақда узала тушиб ётарди.

Бир-икки марта маҳалла-кўй араллашиб Қурбонбойга насихат қилди. Қурбонбой бўлса, аввал ўз уйларида тартиб ўрнатинглар. Мен нима қилибман, урсам ўз хотинимни урдим, сизларга нима? Мен сизлардек хотинимни соясига салом бериб яшолмайман, деди.

Бир куни Қурбонбой билан ароқ ичиб ўтирган ота:

— Хотинингни йўқот. Мен сенга онаси ўпмаган қиз олиб бераман, — деди.

Ота-бола алламаҳалгача қадаҳлар жаранги остида гаплашиб ўтирдилар. Ота ўглининг уйдан чиқиб кетаётганида, кўшни хона деворида осиглиқ турган милтиқни олиб чиқиб кетганлигини ҳам сезмади. Қурбонбой гандираклаб уйига яқинлашар экан милтиқни олиб, ўқланганлигини текшириб кўргач, милтиқ чақмоғини тортиб қўйди. Эрини кутиб

олиш учун эшикка отилиб чиққан хотинига қараб у ўқ узди. Гавҳар ёнбошлаб йиқилди. Милтиқ овозини эшитган кўни-кўшнилари югуриб кўчага чиқашди. Гавҳарни тезда касалхонага элтишди. Уқ Гавҳарнинг елкасига теккан эди...

... Гавҳар икки нафар боласи билан туғилган уйига кириб келганида баҳор ойларидан бири эди. Ҳовли олдидаги ўриклар оппоқ, қийғос гуллаган, ернинг намикқан ҳиди аниқиб турар, қуёшнинг иссиқ ҳароратидан исиниб олган илиқ шабада Гавҳарнинг юзи аралаш сочларини силаб ўтарди...

— Бугун қабоҳатга ўралган жирканч ҳаётдан ажралиб ота-онам кўйнига, туғилган уйимга кириб келганимга йигирма йил тўлди, — деди Гавҳар келинига юзланиб.

Келин бўлса диванга михланиб қолгандай бутун вужуди билан унинг гапларини тинглар эди.

Ҳақиқатан ҳам мана шу йигирма йил ичида Гавҳар қайта туғилди. У педагогика олийгоҳини сиртдан тугатди. Олдинига ўқитувчилик қилди. Кейин мактаб жамоаси уни ўзларига раҳбарликка сайлашди.

Ўғли билан келини врач, қизи бўлса ўқитувчи, иккита боланинг онаси.

— Ана шунақа гаплар, ҳаёт баланд-паст сўқмоқлардан иборат экан қизим, — деди Гавҳар опа сўзини тугатиб.

Биласизми?

Стенография тарихидан

Римнинг машҳур нотиғи Цицерон ўзининг жамоат олдидаги чиқишларига астойдил тайёрланиб, уларнинг келгуси авлод учун сақланиб қолиши ҳақида қайғурган. Бунинг учун Тирон деган стенографни доим ўзи билан бирга олиб юрган. Ҳатто ёру дўстларига ёзадиган хатларини ҳам унга айтиб туриб ёздирган. Лекин кейинги асрларда стенография эсдан чиқиб кетиб, унга фақат ўрта асрларда эҳтиёж туғилган.

«Стенография» атамаси 1602 йили Англияда стенограф Ж.Уиллис томонидан киритилган. XVII асрдан бошлаб жаҳонда стенографиянинг уч мингга яқин турли тизимлари бўлган. Шуни айтиш керакки, стенография белгилари дунё

бўйича умумийдир. Фақат уни айрим тилларда қўллашда ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади.

Ўзбек тилига рус тилидаги стенография тизими биринчи марта 1925 йилда татбиқ этилган ва у 1934 йилгача қўллаб келинган. Давлат ягона стенография тизими ўзбек тилида биринчи марта 1937 йилда жорий қилинган. Ҳозирда стенография учун янги қулайликлар вужудга келди. Стенографлар ўзлари ёзаётган нутқларни ёзиб улгура олмасалар магнит ленталардан фойдаланадилар. Кейинчалик улгура олмаган иборалар тўлдирилади.

Маснавия

Жалололиддин РУМИЙ



Маснавий

Дар яке гуфта, ки «Устоде талаб,
Оқибат бини наёбӣ дар ҳасаб.
Оқибат диданд ҳар гун миллате,
Ложарам гаштанд асири зиллате.
Оқибатдидан набошад дастбоф,
Варна, кай будӣ зи динҳо ихтилоф?»

Таржима

Бирда дерди: «Килгил, эй,
устоз талаб,
Оқибат бермас мадад ҳолу насаб»,
Оқибат миллат бўлиб турфа-тумон,
Ложарам зиллатга ботмишлар
тамом.
Оқибатни кўрмагай ҳар кимса соф,
Йўқса, не бу динлар ичра ихтилоф?»

Лисоний таржима

Тўморларнинг бирига ёзди: «Тарикат
йўлида ўзингга бир комил муршидни
талаб айла. Зеро, оқибатинг яхши ёхуд
ёмон кечмоғи ҳасаб ва насабингга
боғлиқ эмасдир.

Ўтган умматлар ва жамиятлар пирова-
вардида билдиларки раҳбар ва ҳодийсиз
гумроҳликка, адашишлар ва
тойрилишларга дучор бўлишлар. Зеро,
одам шахсияти ҳамиша бир пешво ёхуд
раҳбарга эҳтиёж сезади.

Оқибатни кўра билмак бу қўл учида
урчуг йигирмак каби осон эмас. Агар
ҳақиқатни билмоқ ёхуд кўрмоқ мушкул
бўлмаганда эди, одамлар, динлар ва
мазаблар ўртасида ихтилофлар,
тарафкашлик ва мурасасизликлар
қаердан пайдо бўларди?»

Шарҳ

Одам ҳам баайни қора қозон ичидаги
қумурсқа; бўтана сувга чўккан оқ капалак;
мазоратдаги сўқир шайх; уммон
қаъридаги ёлғиз кема; тунда уяси
бузилган ари; карвонидан адашган
бўталоқ; жанг майдонидаги сон-
саноксиз мурдаларга тўқиниб кетмаслик
учун ҳазирлик билан кезиб юрган
тулпор... ва ҳоказо. Одам боласи бутун
хаёти давомида ё у тарзда ё бу тарзда
кимнингдир етагида бўлади. Лангиллаган
оловдан, вишиллаб турган қайноқ қозон-

'Насаб — эрнинг насабда буюклиги.
Дин ва молу дунё буюклиги. Бир шахс-
нинг ўз хатти-ҳаракатлари оқибатида
сарбаланд бўлмоғи.

(Давоми. Боти ўнгида солиқарди.)

дан, дами тошни кесадиған пичокдан ва
шунга ўхшаш хавфли нарсалардан
чақалоқлик чоғимизда бизни асраган
онаизоримиз илк муршидимиз, пиримиз,
раҳнамомиздир. Ундан сўнг... не-не
устозлар ва раҳбарлар. Бировнинг йўли
Ғарбга, бириники — Шарққа; бириники
— ортга; бириники — олға; бири —
чўқинади; бири — юқинади; бири —
йиглаган; бири — ариллаган...

Ҳақ қаёқда? Ҳақиқат қайда? Тўғри йўл
қаерда? Ким у — Ҳақ? Биров Тибет
тоғларида... Биров Карбалода... Биров
тутга оқ боғлаган; биров ўша тутни
қаттиқ кучган...

Мусо пайғамбар бир қавми ажда-
ҳонинг томоғидан тортиб олди. Сахрода
Худо уларга раҳм қилди. Ўз неъ-
матларини дастурхони билан бе-
раверди. Қорни тўйган банда энди
бунисини емайман, бўлмайти, Худога
айт бошқасини берсин, деб хархаша
қилади. Дастурхонга айтилган таомлар
тортилгач, банда «ўша Худойингга айт,
ўзини бир кўрсатсин», дейди кекириб...

Хуллас, Мавлоно ҳазратлари айтган-
ларидек, ҳақиқатни топмоқ, уни билмоқ
«урчуқ йигириш»дек осон; ашула
айтишдек ҳузурбахш; эсноғдек мароқли;
майхўрлик қилишдек лаззатли; чойхонада
чойхўрлик қилишдек гаштли бўлганида
эди, ҳамма ўз «кўча»сига қараб тортиқла-
маган, бир замон бир Ота ва бир Онадан
тарқалган инсонлар бугун «оқу қаро»,
«сарик-буғдойранг»; «ривожланган»,
«ривожланмаган»; «демократ»,
«социалист» ва ҳоказо бўлиб олиб, бир-
бирнинг этини емас эди.

Маснавий

Дар яке гуфта, ки: «Усто ҳам тўй,
З-он, ки усторо шиносо ҳам тўй.
Мард бошу сухраи мардон машав,
Рав, сари худ гиру
саргардон машав».

Таржима

Бирда ёзмишдики: «Усто ҳам ўзинг,
Шул сабаб устога пешво ҳам ўзинг.
Мард бўл-да қолмагил товон бўлиб,
Бор, йўлингдан қолма
саргардон бўлиб».

Лисоний таржима

Тўморларнинг бирига шундай деб ёз-
ди: «Муршид ва мураббийга эҳтиёж йўқ.
Зеро, сенинг ўзинг муршид ва устозсан.
Мард бўл, ўзга бир мардлар сени мағ-
луб айламасин. Ўз йўлингдан қолма,

муршид ва устоз қидириб саргардон
бўлма».

Шарҳ

Исмоил Анқаравийнинг фикрича, бу
байт зоҳиран муршиди бўлмаган ав-
лиёларга тааллуқли. Уларни «Увайсий»
ёхуд «Худопарвардагон» (Худо парварши
қилган зотлар) дейдилар. Машҳур
авлиёлардан шайх Аттор, шайх
Харақоний ва Баҳоуддин Нақшбанд
шулар тоифасига мансуб.

Устозга эҳтиёж йўқдир, деб ёзилади
тўморга, одамзотнинг ақл ва маърифати
фасод ҳодисаларни таххис қилмоққа,
яхши амалларни англамоққа қодир.
Инсон ўзининг ақл-ҳуши билан яшай
олади, унинг пир-муршид, шайх ва
устозга эҳтиёжи йўқ.

Таносух таълимоти (руҳнинг бир
жисмдан бошқа бир жисмга кўчиб юриши
ҳақидаги таълимот) тарафдорлари ҳам
худди шундай ақидада эдилар. Улар,
пайғамбар айтганган сўзлар ақлга сиғса,
биз унга муҳтож эмасмиз. Агар ақлга
хилоф иш тутса, унга бўйсунмаймиз,
дейишарди.

Маснавий

Дар яке гуфта, ки: «Ин жумла якест,
Ҳар кӣ ў ду бинад аҳвал мардакест».
Дар яке гуфта, ки: «Сад як чун бувад,
Ин, кӣ андишад магар
мажнун бувад».

Таржима

Бирда ёзмиш эрди: «Барча бир эрур,
Кимки икки кўрди, билки кўр эрур».
Бирда ёзмиш эрди:
«Юз бир бўлмагай,
Телбадир у кимки шундай ўйлагай».

Лисоний таржима

Тўморларнинг бирига ёзди: «Барча
мухталиф (турли-туман, ихтилоfli) ақи-
далар аслида бирдир. Ҳақиқат —ягона.
Анбиё, авлиё ва тарикат пирлари аслида
иттифоқ бўлиб, суврат ва зоҳирда хилма-
хилдирлар. Ташқи томондан динлар ҳам
ихтилоfli кўринади, бироқ уларнинг
ҳақиқат ва жавҳари ягона. Кимки
уларнинг ўртасида ихтилоф бор деб
ўйласа, демак унинг ботини иллатли,
назари эгридир».

Бошқа бир тўморга эса бундай деб
ёзди: «Юз қандай қилиб бир бўлиши
мумкин? Барча зиддиятлар асл гавҳарга
қайтади, деб фикр қилувчилар
телбалардир. Хулоса, кўплаб ихти-

лофларнинг ҳақиқати бор ва оламда ҳеч қандай ваҳдат (бирлик) йўқдир».

Шарҳ

Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) бутга эмас, Худога сизин, деб бош кўтарди. Ислому, аслида шу. Унинг асосида тавҳид, яъни Худони бор ва бир деб эътиқод қилиш ётади. Макка зодагонлари ва ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) ўртасидаги асосий ихтилоф ана шу эди. Кейин бутлар синди, бутпарастлар «Ла илоҳо иллаллоҳ» дедилар...

Аммо орадан йиллар ўтиб, яна бутпарастлар, авлиёпарастлар, ҳайкалпарастлар ва хўжайинпарастлар пайдо бўлди. Бугун бут нағдага турсин, қўйиб берсангиз ҳар бир мансабдор ёинки пулдорга сизиниш «дин» тусини олиб кетиши мумкин. Шунингдек, «машхурпарастлар», яъни озроқ номи чиққан одамларнинг либосига, сочсоқолига, яна нима балоларига «ибодат» қилгувчилар пайдо бўлмоқда. Бу ҳодисалар ҳарчанд ажинашамолдек ўткинчи бўлмасин, бари бир жамиятда оммавий онгсизлик ва фикрсизликни келтириб чиқаради. Булар онгсиз ихтилофлар. Бу ихтилофларнинг ҳақиқат учун курашлардан тавофути катта. Бироқ, гоёт майда бу зиддиятлар одамлар онгини «хашакилаштириб», уларнинг зеҳнини чиритади, кўзларини эса фақат нон билан қошиқни кўргувчи ашёга айлантиради. Йигирма тўрт соат давомида фақат энгил-бош ёхуд бозорда сотилмай қолган лаш-лушидан бошқа нарсани ўйламайдиган одамда ақл бўладими?

Маснавий

Ҳар яке қавлест зидди ҳамдигар,
Чун яке бошад яке захру шакар.
То зи захру аз шакар дарнағзарй,
Кай зи ваҳдат в-аз яке бӯе барй.

Ин намат в-ин навъ даҳ

дафтар ва ду,

Барнавишт он дини Йисоро адув.

Таржима

Ихтилофли эрди ҳар сўз, ҳар сири,
Заҳру шаққар эрди гўё ҳар бири.
Заҳру шаққар баҳридан ўтсанг агар,
Биру Борнинг бўйидан олдинг хабар.
Хулласи, ўн икки дафтарга жами,
Битди Йисо динининг бу душмани.

Лисоний таржима

Вазирнинг ҳар бир сўзи бир-бирига зид эди. Заҳар ва шакар қачон бир бўлган, ахир.

Модомики, заҳар ва шакар ихтилофини тарк этмасанг, ваҳдат (бирлик) гулзори сенга муяссар бўлмайди. Ҳайтовур, бу касрат олами ва ундаги сўнгсиз водийдан кечмасанг, Ҳақ кўйига восил бўла олмасан. Бу байтлар тўла-тўқис ҳазрат Мавлононинг Ҳақ ва Ҳақиқатга муносабатини ифода этади. Шундай қилиб, маккор вазир ўн иккита тўморга масиҳият «қонунларин» ёзиб, ўзининг фидоий муридларига топширди.

Бу ихтилоф ҳақиқатда эмас, балки сувратда экани хусусида

Маснавий

Ў зи яқрангии Йисо бў надошт,
В-аз мизожи хумми
Йисо хў надошт.
Жомаи сад ранг аз он хум сафо,
Содаву як ранг гашти чун зиё.

Таржима

Йисанинг бир рангидан бўй олмаган,
Йисо табъи хуммидан хўй олмаган.
Неча юз ранг жома ул хумдан сафо,
Содда ҳам яқранг бўлиб гўё зиё.

Лисоний таржима

Найрангбоз вазир бутун қарашлари, гоёси ваҳдат — бирликка асосланган Йисо алайҳиссалом таълимотидан беҳабар, Йисонинг бирлик мафқураси билан йўғрилган маънавий оламидан ғафлатда эди.

Дунёнинг турли-туман рангларига қорилган одамзотнинг хилма-хил либос, энгил-бошлари Йисонинг (а.) содда ва яхлит рангли оламига тегиб кетар экан, унинг покиза дами шарофатидан дунёвий ихтилофлар, асоссиз зиддиятлардан халос бўлардилар.

Шарҳ

Чунончи, дарахтнинг ёлғиз танаси бор, бироқ унинг барглари сон-саноксиз ва фаровондир. Ҳақиқий комил мазҳаб ҳам ягона бўлади. Аммо башар авлодининг зиддиятлари туфайли турли хил йўл ва қарашларга парчаланиб, сочилиб кетади. Ҳазрат Мавлоно анбиё ва авлиёнинг ваҳдати — бирлиги хусусида сўз юритиб «Фийҳи ма фийҳи» («Ичиндаги ичиндадир») китобида ёзади: «Йўллар хилма-хил бўлса-да, мақсад бир. Кўргил, Каъбага томон йўллар турли ёқдандир.

Баъзи йўллар Румдан, баъзиси Шомдан; баъзиси Ажам, баъзиси Чиндан; баъзиси эса дарё йўли орқали Ҳинд ва Ямандандир. Йўлларга назар солсанг буюк ихтилоф бордек туюлади. Бироқ мақсадга назар солсанг уларнинг бари бирдир».

Байтда «сафо хуми» ибораси бор. Бу ботиннинг софлиги, қалбнинг беғаш, беғуборлиги, умуман, комил инсоннинг борлигига ишора. Бу «сафо хуми» одамларни турли ихтилофлар ва гайри-гайри қарашлардан поклайди, ваҳдат ва муҳаббатга чақиради.

Ҳазрат Йисога (а.) мансуб мўъжизалар орасида қуйидаги дoston бор. Йисонинг



(а.) онаси уни буюкчига шогирдликка берди. Орадан бир оз муддат ўтгач устози унга деди: «Сен бу ишда бирмунча мохир бўлдинг. Мен сафарга чиқмоқчиман. Бу ерда бир неча тўн бор. Уларнинг ҳар бирига махсус ранг танлаб кўйдим. Улар қиламанки, сен уни кўнглимдагидек бўяб кўясан. Устоз сафарга кетганидан сўнг, Ийсо (а.) ҳамма тўнларни бир хумга солди ва деди: «Парвардигор розичилиги билан мен истаган рангга кир». Орадан ўн кун ўтиб, устоз сафардан қайтди. Барча тўнларнинг бир хумга солиниб бир рангга қорилганини кўриб хафа бўлди. Устоз Ийсога (а.) деди: «Тўнларни расво қилдинг». Ийсо (а.) деди: «Либослар сен истаган рангга бўлади. Айтгил». Шундай қилиб, Ийсо (а.) барча тўнларни устози хоҳлаган қизил, яшил, сариқ ва бошқа рангларда чиқариб берди. Устоз ва у ерда ҳозир бўлган кишилар бу ҳолатдан ҳайратга тушдиларда Ийсога (а.) иймон келтирдилар. Улар Ҳаворийлар эдилар. (Валий Мухаммад Акбарободий «Маснавий шарҳи». Биринчи дафтар, 34-35 сах.)

Қиссадан ҳисса шулки, Ийсо (а.) одамларни ваҳдат ва муҳаббатга чақиради. Кимки унинг дини ва шариати ҳақиқатига йўл топа билса, ранг-баранглик, ихтилоф, эгри назар ва макру хийладан халос бўлади. Рангсиз (яъни, ягона рангдаги, бир хил кўринишдаги) олам, ягоналик дунёсига; барча дин ва мазҳабларга қўшилиб кетади. Бироқ бу «буюкчи» ва маккор вазир, гарчи ўзини «Ийсопараст» қилиб кўрсатса-да ва соддафаҳм одамлар унинг ортидан эргашсалар-да, асл ҳақиқатдан беҳабар эди.

Маснавий

Нест яркангӣ к-азӯ хезад малол,
Бал, мисоли мохивӯ оби зилол.
Гарчи дар хушкӣ ҳазорон ранг ҳост.
Моҳиёнро бо юбоуст жангҳост.

Таржима

Якка ранглиқдан сира чекма малол,
Бу, балиқдир, бу эса сувдир зилол.
Гар қуруқликда неча минг рангдир,
Лек, балиқлар бирла мангу жангдир.

Лисоний таржима

Бу бир хиллилик ёки ягона ранглилик ва ваҳдат ҳеч кимга малоллик, ранж келтирмайди. Яъни, ишқ ва муҳаббат билан устувор бўлган Ийсонинг (а.) бу равиши кимнингдир малолчилиги ва дилтанглигига мисоли бўлмайди. Балки, зилол сув мисоли рангсиз бу олам ва унга фарқ бўлган зотлар балиққа ўхшайдилар. Балиқлар эса ҳеч қачон сувсиз яшай олмайдилар ва сувга ҳеч қачон тўймайдилар.

Агарки бу қуруқликда, яъни бу оламда мингларча ранг-баранг нақшлар мавжуддир, бироқ ваҳдат дарёсининг балиқлари бўлган пайгамбарлар ва авлиёлар қасрат ҳамда ихтилоф қуруқлиги (яъни, қакраган саҳролари) билан мангу ҳарб-зарбдадирлар.

Шарҳ

Бир хиллилик, ягона ранг мажозан бегараз, бенифоқ дўстлик, ваҳдат ва ягоналик.

Лаззат ўз табиатига кўра хилма-хиллик ва анвойи ҳодисалардан қувват олади. Такрор малол келтиради, одамнинг кўнглини сиқади. Аммо, Ийсонинг (а.) равиши бўлган ишқ ва муҳаббат малоллик, ранж келтирмайди. Зеро, ишқ, гарчи

рангсиз бўлса-да барча лаззатларнинг сарчашмасидир. Ишқ ҳосил бўлиши ёхуд ишқ нузулининг асосий воситаси бўлган майл кимга ёхуд нимагадир боғланмаса ҳеч қачон хушлик ва лаззат бағишламайди. Ишқ боғланган ҳодиса майлнинг энг олий ва қудратли намунаси бўлиб, унинг зарраси тупроққа тушса, тупроқ қўлади ва рақсга тушади. Бинобарин, ишқ ва муҳаббатга йўғрилган Ийсонинг (а.) равиши ҳеч қачон малоллик, дилтангликка сабаб бўлмайди.

Бироқ ҳийлакор вазир ва Ийсо (а.) уммати унинг ҳақиқатидан беҳабар эдилар. Улар ишқнинг ҳатто ҳидини ҳам билишмасди. Шу боисдан улар орасида даставвал баҳс-талов, сўнг эса жанжал бошланди. Байтларда ишқ ёхуд Ҳақ таъоло сувга, ошиқ ёхуд толиб балиққа ўхшатилади. Мавлононинг «Буюк Девон» китобларида қуйидаги байтлар бор:

Эй, дил, сенинг кўйингда
гўё балиқлар сувда,
Балиқдир жон, жон бергай
сенингсиз у бир зумда.
Балиқларда сабр йўқ,
сувсиз яшай олмаслар.
Ошиқларда сабр йўқ,
Усиз яшай олмаслар.

Маснавий

Кист моҳӣ? Чист дарё дар масал?
То бидон монад Малик азза ва жалл.
Сад ҳазорон баҳру моҳӣ дар вужуд.
Сажда орад пеши он икромӣ жуд.

Таржима

Бу балиқлар ҳамда дарё —
бир масал,
У Малиқдир, у —
Малик азза ва жалл.
Неча минг уммон,

Суратларни Рустам Эрматов чизган



балиқлар даҳр аро,
Сажада бирла ҳаққин этгайдир адо.

Лисоний таржима

Мен ваҳдат — бирликни дарёга қиёс айладим. Бу ночорликдан. Худойи таъолони сувга қиёс қилиб бўладими? Бинобарин, балиқ нима? Сув нима? Улар нечук Худога ўхшашсин? Бу, анчайин бир масал. Мутлақ вужуднинг дарёга қиёс қилиниши орифлар ўртасида одатдир.

Борлиқ оламдаги юз минглаб дарё ва ундаги балиқлар у соҳибкарам қошида сажада келтирадилар. «Дарё» тиссоли Оллоҳ зотини авом тушуниши учун бир рамз, масалдир.

Шарҳ

‘Малик — подшоҳ. Худонинг сифатларидан бири. Ижод ва яратувчанлик қудрати эътибори билан бутун олам ва олам аҳлига подшоҳ. Бу байт Ҳақ зуҳури ва жамоли кўришини тақозо этадиган ташбиҳдир.

Эй, менинг бу ваҳму қийлу қолим-ей,
Бошдан ардона ўша тамсилим-ей...

Маснавий

Чанд борони ато борон шуда,
То бадон он баҳр дурафшон шуда.
Чанд хуршиди карам афрӯҳга,
То, ки абрӯ баҳри жуд омӯхта.
Партави дониш зада бар ҳоку тийн.
То шуда дона пазирада замин.
Хок аминун ҳар қи дар вай қоштӣ,
Беҳиёнат жинси он бардоштӣ.
Ин амонат з-он амонат ёфта аст,
К-офтоби адл бар вай тофта аст.
То нишони Ҳақ наёрад навбаҳор,
Хок, сиррхоро накарда ошқор.

Таржима

Ҳақ атоси — ёғди ёмғир раҳмати,
Дурга тўлди қанча денгизлар қати.
Неча хуршиди қарам сочди зиё,
То булут, денгизлар ўргансин дея.
Илм нури тушди ернинг қаърига,
То замин олсин уруғни бағрига.
Ер — аминдир. Нени эксангиз агар,
Беҳиёнат жинси бергайдир самар.
Бул амонат ул амонатдан етар,
Чунки, адл офтоби нур ҳада ётар.
Навбаҳор келтирмас Ҳақдан нишон,
Ер тутар асрорини кўздан ниҳон.

Лисоний таржима

Худойи таъолонинг даргоҳидан ёққан саховат ва раҳмат ёмғири туфайли денгиз ва дарёлар бағри дуру марваридга тўлди.

Худойи таъолонинг даргоҳидан нур тарратган саховат ва мағфират куёшдан дарё ва денгизлар мейр-мурувват ва марҳаматни ўргандилар.

Илоҳий қарам ва маърифат куёшидан таралган маърифат нури заминга тушди. Токи замин маърифат шуъласи воситасида уруғни ўз бағрига олди ва уни парвариш айлади.

Тупроқ — амин, яъни тўғри, росткордир. Зеро, Ҳақ маърифатининг нури унга тушган. Неники бағрига тиксанг, хиёнатсиз, алдовсиз уни парвариш қилади ва ҳеч қачон «буғдой»нинг ўрнига «арпа»; «арпа»нинг ўрнига «буғдой» етиштирмайди.

Замин бу омонатдорликни илоҳий омонатдан ўрганди. Зеро, Ҳақ офтоби адолат ва омонатни заминнинг табиатига жо айлади. Илоҳий амр-фармон етмай туриб, кўклам келмайди. Кўклам келмасидан замин ўз бағридаги сирасрорларини ошқор қилмайди. «Навбаҳор» «ал Муҳйи» — «тирилтиргувчи» сўзининг ўзагидир.

Маснавий

Он жаводе, ки жамодеро бидод,
Ин хабарҳо, в-ин амонат в-ин садод.
Мар жамодеро кунад васлаш хабийр,
Оқилонро қарда қаҳри ў зарир.
Жону дилро тоқати он жўш нест,
Бо кӣ гўем? Дар жаҳон як гўш нест.
Ҳар кужо гўше буд аз вай чашм гашт,
Ҳар кужо санге буд аз вай яшм гашт.

Таржима

Ул саҳийким берди борлиқни тамом,
Берди ростлик, яхшиликни унга том.
Битта тошни айласса огоҳ агар,
Неча оқилни қилур зеру забар.
Жону дилининг тоати йўқдир, бироқ,
Қимга айтмай? Бўлмаса бунда қулоқ.
Қайда бор эрса қулоқ кўз айлади.
Тошни ярим этди-да фирўз айлади.

Лисоний таржима

Бутун олам, борлиқ-табиатни яратган зот унинг бағридаги жамийки унсурларни огоҳ қилди. Яъни, назарларда жонсиз, ўликдек туюлган борлиқ аслида ҳамма нарсдан хабардор.

Худонинг фазл ва эҳсоли жамодотни (гўёки жонсиз оламни) ҳушёр айлади, бироқ гоҳида унинг амрига қарши исён кўтарган донишманд ва оқилларни қаҳрга олди, хору залил айлади.

Худонинг асрорини билмакка бу жону дилнинг тоқати йўқ. Оламда буни тинглаш (англаш) қудратига эга бўлган бирор қулоқ — инсон бўлмаса. Бу Ҳақиқатни қимга айтмайлик?

Қаерда бир қулоқ бўлса, Ҳақ лутф-карами билан кўзга, қаердаки бир қийматсиз тош бор эди, қимматбаҳо ақиққа айланди.

Шарҳ

Орифлар Қуръони қаримга суянган ҳолда борлиқ-оламни жонли, онгли ва нотик деб билдилар. Чунончи, «Исро» сурасининг 44-оятнда Худойи таъоло бундай дейди: «Ва ин мин шайъин илла юсаббиху биҳамдиҳи ва лакин ла тафқахуна тасбийҳахум» (Оллоҳнинг ҳамди билан машғул бўлмаган ҳеч нарса йўқдир. Бироқ сизлар уларнинг ҳамд-саносини англамайсизлар).

Юқорида таъкидланганидек, Ҳақ таъолонинг қарамии билан тинглаш, идрок этиш ёхуд гумонлардангина иборат расмий илм — «илмал яқийн» комил банданинг мушоҳада қуввати билан «айнал яқийн» мартабасига эриши.

Қаердаки бир кераксиз тош бўлса, Оллоҳнинг хоҳиши билан «яшм» деб аталмиш қимматбаҳо тошга айланди. Албатта, бу анчайин машоҳ. Чунончи, баъзи бир тошга ўхшаш одамлар ҳам Худонинг қудрати билан ақл-идрокли, ҳатто жуда ҳам ақл-идрокли бўлиши

мумкин. Байтдаги «яшм» тоши хусусида манбаларда келади. «Яшм» қимматбаҳо тош бўлиб, ундан турли нарсалар ясалади. У Ҳиндистон ва Чинда (Хитой) кўп учрайди. Айтишларича, қимнинг ёнида яшм тоши бўлса, уни чақмоқ урмас эмиш.

Жамодот (жонсиз жисмлар) ва оламнинг жамийки мавжуд нарса-ҳодисалар табиатлари низомига хилқатлари тақозо этган ҳолда амал қиладилар. Улар ўз ҳадлари, яъни белгиланган худудларини бузиб, янчиб (чунончи, Берлин девори, ёхуд қизиллар кўли билан кўпоририлган черковлар ва масжидлар) чиқиб кетмайдилар; Улар яратилганларидан буён ҳали бирор марта ўз хилқатларига хиёнат қилмадилар (чунончи, одам гоҳ у аъзосини, гоҳ бу авратини кўчиргани, тиббиёт истилоҳи билан айтганимизда «трансплантация» қилганидек). Улар, яъни, биз жамодот — жонсиз жисмлар деб атаган ҳодисалар гўё бир буюк муаллим қўлида сидқ билан таълим олгандек фаолият юргизадилар. Сўфийлар, аҳли фаҳм наздида бутун оламдаги мавжуд жисмлар кўриш, эшитиш қувватига эга бўлиб, улар гапирадилар ва ҳатто гоъта сўзамол бўлишлари мумкин. Улар Худойи таъолони поклаб, тасбиҳ айтадилар. Бироқ, ақл-идрок соҳиби бўлган инсон бу ҳолдан мустаснодир. Зеро, унинг амаллари гоҳ илоҳий амр ва осмоний суннатларга (қоидалар) хилофдир. Ақл-идроки воситасида амрга бўйсинмайди, ғайриилоҳий амалларни қидириб топади. Инсон Худони кўришни истамайди, унинг амр-фармонларидан кўз юмади. Ҳақиқий кўрга ўхшайди. Оқиллар аслида турли-туман илмларни ўрганадилар ва ҳаммиша ниманидир талашиб-тортишадилар-да, ниҳоят Худога муңкир бўладилар. Бундай зотлар анбиёлар мўъжизаси ва оятларидан таъсирланмайдилар, иймон-инсофдан маҳрумдирлар. Улар Ҳақ авлиёларини душман деб билдилар. Мавлононинг ақидасига кўра, бу тоифа инсонлар Худонинг қаҳрига кўндаланг бўлган қимсалардир.

Қулоқ, табиий эшақда ҳам бор. Аммо, ҳақиқий қулоқ Ҳақ каломи ва Ишқ розини тинглай олади. Мавлоно Ишқ каломидан бошқа нарсани тинглайдиган қулоқни истамайди. Қуръонда келади: «Суммун, букмун, умюн» («Кар, соқов, кўр» «Бақара» 18-оят). «Иннаҳум анис-самъи ламаъзулуна» («Ҳақиқатда, улар (шайтон қавми) эшитишдан маҳрум қилиндилар» «Шуаро», 212-оят). Шу маънода, юқоридаги байтни шарҳлаган зотлар демишларки, ноқиснинг қулоғи бу маънони идрок этишдан маҳрум, комилнинг қулоғи эса ҳожатманд эмас. Демак, бу жаҳонда қулоқнинг ўзи йўқ.

Мутаржим —
Аскар МАҲҚАМ

Шориҳлар —
Обиддин ПОШШО,
Қарим ЗАМОНИЙ,
Бадӣузмамон ФУРУЗОНФАР

(Давоми бор).

Гиламдўзлик Ўзбекистон халқларининг энг қадимий ва кенг тарқалган бадиий тафаккур маҳсули бўлган хунарларидан биридир. Гиламлар аввало узоқ йиллар одамлар учун беназир хизмат қилиши билан биргаликда уйнинг файзи ҳисобланган. Бу хунар, табиийки, аввало чорвачилик билан боғлиқ бўлиб, баъзи вилоятларда аёлларнинг уй шароитида ишлаб чиқарадиган маҳсулоти санаб келинган. Тўқувчи аёллар патли ва патсиз (палос) кўринишидаги гиламларнинг турли хил ва усулларини яхши билганлар.

Гиламлар турли-туман типик гуллар, симметрик композиция асосидаги нақшлар билан безалади. Унинг асосий юзаси, фон турли ранглар билан безалади. Бу ранг гулларга «жон» бағишлайди. Гилам четлари гулли ҳошиялар билан ўралади. Палосларда эса, кўпинча гуллар тугал композиция ҳосил қилмайди, нақшлар басмабас, қатор-қатор ишланаверади ёки ранглар йўл-йўл тарзда бўлади. Баъзан бир хил рангга бўялган палосга бошқа рангли арқоқ ўтказилади. Гиламнинг гуллари фақат тўқувчи аёллар ёдида сақланади ва шу аснода тўқилади. Улар одатда, одамлар томонидан жуда қадрланадиган ва илоҳийлаштирилган ўсимликлар, ҳайвонларнинг расмлари, геометрик шакллар, бўғимлар ва авлодларнинг мухрлари тасвирланади. Тадқиқотчи Д.Фахритдинованинг таъкидлашича, безакларда шернинг ва туянинг излари, итнинг думи, олмагули, ток новдалари, чаён, туянинг бўйни, қалқон, доривор ва истеъмол қилинадиган ўтлар, тарвақайлаб кетган шохлар кўпроқ учрайди. Бундан ташқари тасвир геометрик жиҳатдан изоҳланганда ҳар бир вилоят ва туманда шаклланган ўзига хос тасвирий ифодани аниқлаб олиш мумкин.

Гиламдўзликнинг энг қадимий марказларидан бири Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятидир. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, IX асрнинг охирларидан гилам ишлаб чиқариш билан, асосан, туркманлар ва араблар шуғуллана бошладилар. Уларнинг гиламлар тайёрлаш услуби ва бадиий ўзига хосликлари билан алоҳида қимматга эгадир. Шу ўринда бугунги кунда ўзбек гиламдўзлари ижодининг бир қисмига айланиб қолган қашқадарёлик гиламдўз усталарнинг ишларига тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, VIII аср охирларида, тақдир тақозоси билан Марказий Осиёга кўпгина араблар келиб қолганлар. Улар XVIII аср бошларида Қашқадарё воҳасида кўним топдилар. Ҳозир Қамаш, Хўжаки ва Жейнов каби минтақаларда истиқомат қиладилар. Қашқадарёлик арабларнинг гиламлари XIX асрда оддий уй-рўзгор буюмидан тараққий этган товар маҳсулоти даражасига кўтарилди. Биринчи жаҳон уруши, фуқаролар уруши даврларида хунармандчиликнинг бу тури бирмунча инқирозга юз тутди. 30-йилларда Қашқадарёда хунармандчилик артеллари ташкил этилиши билан гиламдўзлик яна жонлана бошлади.

XX аср бошларида қашқадарёлик араблар томонидан тўшаладиган қалин арабий гиламлар, жимжимадор қизгиламли гиламлар, ажойиб жойнамоз гиламлар, дарпардали гиламлар, турли буюмлар солиб қўйиладиган қарчин, тўрва, хуржунлар, туз халта, пичоқ учун қинлар тўқилди.

Гиламдўзликка, айниқса, қорамтир тусли қўй юнги, ёрқин малларангдаги туя юнги кенг қўлланилди. Қўшимча равишда гуллар учун рангли ипақлардан, XIX асрнинг охирларигача эса табиий бўёқлардан фойдаланилди, кейин бу бўёқлар анилиндар билан алмаштирилди. Мана шу давр гиламларида геометрик шакллар усулидаги нақшлар асосий ифода воситаси ҳисобланган. Қашқадарёлик арабларнинг гиламдўзлик санъатидаги асосий тамойиллар XX аср мобайнида сақланиб келди. Бу ҳақда Ўзбекистон Давлат санъат музейи коллекцияларидаги гилам маҳсулотлари бемалол фикр юритишимизга имкон беради. Масалан, қамашилик аёл 1928 йилда тўқиган тўрва шу манбага хос бўлган гиламдўзликнинг типик

намунасидир (Давлат санъат музейи, 199-инвентарь). Бу тўрва маҳаллий жун ва ипдан тўқилган бўлиб, анъанавий рангларда анилиндар бўёқлар, қизгиш, тўққизил, сариқ ва кўк ҳамда оқ ва малла рангли икки табиий бўёқ билан безалган. Буюм, умуман олганда, қизгиш тусда тасаввур қолдиради. Ушбу тўрва патсиз, бироқ гулдор қилиб тўқилади.

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида 1976 йилда ўзбек аёллари томонидан тўқилган арабий палосда ҳам безашнинг шу анъанавий тамойиллари сақланиб қолган. Палоснинг композицион нақши марказий майдонда ва ҳошияда жойлашган. Марказий майдонни уч қаватли ромб эгаллаган. Урта минтақада кўнғир, ерранг ва яшил фондаги муайян бир хил нақшлар билан ромблар кетма-кет келади. Марказий майдондаги нақшинкор гуллар «анор» типидagi гажакни акс эттиради, ҳошиядаги безаклар эса илгакли туморларни ифодалайди. Палос терма гиламга хос усулда тўқилган.

Ҳозирги қашқадарёлик гиламдўзлар учун анъаналарни барқарор этиб турган маҳаллий марказлар. Чирокчи тумани, Тўхман қишлоғидаги О.Мўминова, шу тумандаги К.Ботирова, Бешчашма қишлоғидаги О.Интиқова ва Б.Лўлиевалар хонадони ҳисобланади. Бу гилам усталарининг барчаси хунармандлар хонадонидан бўлиб, ўтмишдаги момоларнинг бадиий анъаналарини эъзозлаб келмоқдалар. Улар арабий гиламлар, баъзан нақшинкор қизгиламли гиламлар, хуржунлар, тўрвалар тўқимоқдалар. Тўқувчи аёллар турли усуллардан кенг фойдаланаяптилар.

Арабий гиламдўзлик:



Хунарманд аёлларнинг оддий гиламлари билан бирга қоқма, терма, гажари гиламлар ва патли гиламлар ҳам ҳар бир хонадонга манзур бўлмоқда. Аммо патли гиламлар қашқадарёлик арабларнинг хунармандчилигида камдан-кам учраган. Ҳозирги патли гиламлар, эҳтимол, туркман гиламдўзларининг аънавалари таъсирида кенг тарқалган. Бундай гилам маҳсулотлари учун ҳам қорамтир кўй юнги ишлатилган. Турли табиий бўёқларга бўялган бу гиламларда ҳам аънавий хусусиятлар сақланиб келган. Уларнинг орасида «гумбаз», «кўх нақш», «шоҳак», «качкул» «печ», «қирқшоҳ», «туморча», «паррак» деб номланган гуллар мавжуд. Айни пайтда хунарманд аёллар аънавий шакллар асосида, уларни тенглаштириш йўли билан атлас нусха яратадилар, абри газламаларнинг гулларини соладилар, шунингдек «Наврўз нусха», «доғруғ», «юлдузча», илгариги «тўражон» гулини эслатадиган «бағдод» каби безаклар ҳосил қиладилар.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарё вилоятидаги ҳозирги тўқувчи аёллар яратаётган гиламлар тўқилиши ва гулларининг образли ифодаси қадимийлиги ва азалий бадий аънава ва тамойилларни ўзида сақлаб келаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур гиламлардаги геометрик нақшлар кўплаб сирларни ўзида сақлаб келаётгани шубҳасиздир. Уларга бир қараганда қадимги ижодкор аёлнинг дунёқарабини акс эттирган нақшлар бирор сир-синоатни сўзламаслиги мумкин эмас.

Фарғона водийси, жумладан Андижон вилоятининг

Фойдаланиш, буюм ва келажак



қирғиз гиламдўзлари яратган гилам маҳсулотлари ўзининг аънавийлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. XX асрнинг бошларида улар томонидан гиламлар билан биргаликда жойнамоз, чавадон тўрва, бошлиқ ва кўш ёпиқ каби буюмлар ҳам тўқилган.

Андижонлик қирғиз гиламдўзлар гиламларини кўй, туя юнларига пахта ва ипақдан йигирилган ипларни кўшиб тўқийдилар. Уларнинг гиламлари қора, кўнғир, оқ, сарик, тўқ сарик, ўткир қизил тусларда товланган. Кейинги йилларда ранглар жилосида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлди. Яъни, яшил, ўткир кўк, оч қизил ранглар ҳам ишлатила бошланди. Гилам маҳсулотларининг нақш безаклари доираси XIX аср охири ва XX асрга келиб, ўзида кўчманчиларнинг таомилларини, шунингдек Шарқий Туркистон гиламдўзлари ижодига хос гулларни акс эттириш билан бирмунча кенгайиб кетди.

Ўзбекистон Давлат Санъат музейида андижонлик Хидиршо уруғига мансуб қирғиз аёл тўқилган гилам мавжуд. XX асрнинг бошларида тўқилган бу гилам шу уруғ хунармандларига хос бўлган гиламларнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. У жун ва пахта ипидан тўқилган бўлиб, арқоқлари бўялмаган, табиий қуюқ малла рангдадир. Гиламнинг патлари XIX асрда тўқилган гиламлар учун хос бўлган қизғиш-кўк тасаввур ҳосил қилади ва у ўсимликлардан олинадиган нил ва нўён бўёқлар билан бўялган.

Андижон вилояти гиламдўзлари хунарининг ҳозирги давомчилари Булоқбоши туманида яшовчи Х.Ҳайитбоева ва Жалолқудуқ туманида истиқомат қиладиган Ш.Бекашева ҳисобланадилар. Х.Ҳайитбоева 1980 йилда тўқилган қоқма, галдир гиламлар фикримизнинг далилидир. У учта қора безакли тўқ қизил кенг йўлдан ва қизил-малла-кўк безакли 4 та оқ йўлдан ташкил топган. Гиламнинг юзаси ислимий безакларга тўлдирилган бўлиб, ташқи қора жимжимадор шаклларнинг ромб медальонлар, бурчаклардаги кўч-кўрақлар билан алмашилиб товланиши яққол кўзга ташланади. Айтиш керакки, шу даврдаги гиламларда ҳам кўчманчилик даврига хос аънавлар устунлик қилади. Бу даврларга келиб гиламларда Шарқий Туркистонга хос безакларнинг кам учраши, собиқ шўролар даврида ушбу минтақа билан маданий алоқалар узиб қўйилгани билан изоҳланади, албатта.

Ш.Бекашева ҳам ўз гиламларида куйкалан, мустид, хуново, кўчкўрак, зигзаг чизиклар, шоти кўчат, той туёқ, туямўйин каби кўчманчилик даврига хос маданият аънаваларидан фойдаланади. Унинг гиламларидаги ўзига хос ўхшашлик табиий бўёқлар воситасида қизил-кўнғир оқ-қизғиш ранглар жилосини яратиш ҳисобланади.

Умуман олганда, Ўзбекистондаги гиламдўзлик ўчоқларининг аънавалари нечоғли сақлаб қолинишига қарамай, ҳозирги гилам усталари олдида тарихий тажрибаларни янада чуқурроқ ўрганиш, нақш ва безаклар усуллари ва хилларини кенгайтириш, уларнинг яроқлиларининг бадий ифодалари савияларини уйғунлаштириш муаммолари кўндаланг бўлиб турибди.

Бугунги кунда биз Ўзбекистон халқлари тарихий-бадий мероси ҳақида, маънавий сарчашмаларимиз, миллатимизнинг туб илдизлари ҳақида жуда кўп гапирмоқдамиз. Мана шу омилга асосланиш бизнинг келажакдаги миллий маданиятимиз тақдирини белгилайди. Мана шу восита бизни бошқа халқлар билан таққослаш ва маданий аънавалар соҳасида ўзимизнинг келиб чиқиш, яъни этник жиҳатдан кимларга мансублигимизни аниқлайди. Мана шу маънода аънавий гиламдўзлик республикамиз ҳудудида бадий хунармандчилик жуда кўп асрлик тарихга эга эканидан далолат беради ва унинг ўтмишдаги равнақини ўрганиш гиламчилик олдидаги бугунги ва келажакдаги муаммоларни дадил ҳал қилишга яқиндан ёрдам беради.

Камола ОҚИЛОВА,
санъатшунослик номзоди

Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асари жамоатчилик томонидан ўзбек детектив адабиётининг йирик, тўлақонли ва миллий намунаси сифатида эътироф этилмоқда. 90-йилларда «Шайтанат»дек кенг ўқувчилар оммаси эътиборини ўзига тортган бошқа бир асар йўқ, деса бўлади. Шу жиҳатдан Тоғай Мурод тили билан айтганда «бугунги кунда улоқ Тоҳир Маликда кетди».

Т.Малик ўзбек детектив адабиётида илк бор жаҳон миқёсида ўсиб бораётган ва инсониятга жиддий хавф туғдираётган уюшган жиноятчиликнинг миллий воқеликдаги муҳити ва уларни фош этиш жараёни билан боғлиқ характерларни қаламга олади. Лекин у мафия деб аталган «XX аср вабоси»нинг одамлар бошига солаётган кулфатларини кўрсатиш билангина кифояланиб қолмай, уларнинг илдишлари, пайдо бўлиш сабаблари, инсоннинг тўғри йўлдан озишига боис бўлган омилларни ҳам очиб беришга интилади.

Асарнинг мафиялар, уларга қарши курашга отланганлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан бевосита боғлиқ асосий сюжет йўналишига ёзувчи ислом аҳли вакиллари, олимлар, бошқа миллат кишилари образлари, уларнинг дунёқараш тарзлари, турмуш муаммолари кенг талқин этилган ёндош йўналишларни табиий равишда туташтириб юборади.

«Шайтанат» ўзбек детектив адабиётида биринчи марта асар марказига қонун ҳимоячилари образи билан бир қаторда, мафия вакиллари образларининг маънавий дунёси бадиий таҳлилини ҳам кўйди. Қиссада «қора гуруҳ» муҳитининг мақсад-режалари, мудҳиш-махфий ҳаракатлари умумий тасаввургина уйғотиб қолмайди, балки тўдаларнинг характерли қахрамонлари — Асадбек, Ҳосилбойвачча, Зелихон, Хонгрей, Элчинлар ўз йўл-кечинмалари, тафаккур тарзлари, зиддиятли туйғулари билан гавдаланадилар.

ликнинг бетакрор чизилган мантиқий тадрижлари бор. Айрим персонажлар талқинида ҳам ёзувчининг худди шу йўналишдаги санъаткорлиги яққол сезилиб туради.

Қиссанинг ҳар бир китоби алоҳида ва уч китоби биргаликда ўзига хос композицион хусусиятлари билан эътиборга сазовор. Унда муқаддима, хотималар моҳиятиданоқ композициянинг ғоявий-эстетик мақсадга нечоғлиқ табиий бўйсундирилганлиги сезилади.

Т.Малик маҳорати «Шайтанат» конфликт ва ички коллизияларида кўзга ёрқин ташланиб туради, Назар Эшонкул айтганидек, «...инсон руҳиятига чуқурроқ кириши, уни теран тафтиш этишга уриниш...»ида яққол сезилади. Ўзбек детективи бу асардаги каби сертармоқ конфликт намунасини кўрмаган эди. Асарда конфликт қанчалик кўп қирралли бўлмасин, ёзувчи қиссанинг ҳеч бир китобида марказий конфликтдан чалғимайди, унинг мавқеини бўшаштирмайди. Марказий конфликтнинг бир қутбида шайтанат олами, иккинчи қутбида адолат олами мезонлари туради.

«Шайтанат» — ўзбек детективида бир қатор новаторона хусусиятлари билан ҳам алоҳида ажралиб турган асар. Унинг новаторлиги жаҳон детектив адабиётининг, ўзбек насрининг, Шарқ классик ҳикоячилик услубининг барҳаёт аънаналарини янгича усулда давом эттириш ва бойитиш асосида вужудга келган. Асарнинг қайси жойида ёзувчи новаторлиги кўзга ташланса, худди шу нуқтада аънавий жиҳатлари ҳам сезилиб туради. Муаллифнинг асардаги дунёвий-диний мулоҳазалари — чекинишларидаги фалсафий-дидактик қарашлари ҳам диққатни тортади. Чекинишлар, тафсилот-мулоҳазалар умуминсоний ғоялар билан йўғрилган ва детектив-саргузаштга асло ҳалақит бермайдиган меъёрда. Улар муаллифнинг ўзбек миллий детективидагина эмас, умуман ўзбек насридаги янгича услубий изланиши муваффақиятидан далолат бериб туради. Йирик-йирик уч китобдан иборат қиссанинг ҳар бирида умуман жаҳон илғор детектив адабиётига хос аънаналарни ҳам, бой тарихи ва ўзига хос мактабга эга ўзбек насрига дахлдор фазилатларни ҳам, ҳалигача ўзбек детективида сезиларли мавқега кўтарилмаган миллий хусусиятларни ва адиб санъаткорлигини кўрсатувчи талай ютуқларни ҳам кўриш мумкин. Шу маънода, Т.Малик «Шайтанат» қиссаси билан ўзбек детектив адабиёти мавқеини бир поғона баландга кўтарди.

Туроб ИРИСБОВ

«ШАЙТАНАТ» ВА МИЛЛИЙ ВОҚЕЛИК

«Шайтанат» — катта маънавий-тарбиявий юкни ўз зиммасига олган асар. Асарда лирик чекинишларнинг, муаллиф нутқи ва муносабатининг гоҳида меъёридан ортиқдай туюлиши, исломий руҳдаги ҳикматлар, фикр-мулоҳазаларга кенг ўрин берилиши, маънавий-ахлоқий мавзудаги нақл-ривоятларнинг келтирилиши худди шу нарса билан изоҳланади. Ёзувчи жиноятчиликнинг мантиқий доирасига тўлалигича назар солади. Ҳодисаларни уларнинг асорати, оқибати, халқ ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, муҳим воқеалар нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Шунинг учун ҳам икки жиноий гуруҳ фаолияти билангина чекланиб қолмай, қасос олаётган бошқа тоифа вакиллари ҳам тасвир доирасига жалб этади.

«Шайтанат» одатдаги детектив асарлардан фарқли ўлароқ, миллий воқеликни, жамият ҳодисаларини полифоник тарзда акс эттиради. А.Дилмурод ёзишича, «муаллиф жанр имкониятларини, улардан самарали фойдаланган ҳолда, руҳий-маънавий ва ахлоқий-ижтимоий муаммоларнинг бадиий талқинига сафарбар эта олган».

Реалистик тасвирнинг энг зарур шартларидан бўлган қахрамонлар характер мантигининг динамикаси адабиётшуносликда кўпинча бирёқлама тадқиқ этилади. Асарда эътиқоди, дунёқараш ўзгарган, қандайдир ҳолатлардан ўтиб олиб, «тузалган» қахрамонни динамик образ, деб аташ расм бўлган. Аслида бундай қараш ҳаммиша ҳам ўзини оқлайвермайди. Қахрамон ўз позициясида мустаҳкам ўсиши ҳам мумкин. Унинг позицияси қандай бўлишидан қатъи назар ўсув жараёни содир бўлади.

Ёзувчи Асадбекни осон ўзгартиш йўлидан бормайди ва бунга ўқувчини мантиқан ишонтиради. Ҳаётнинг, бинобарин, инсон феъл-атворининг ҳақиқати бешафқат. Характернинг мантиғи «ўз билганини» қилади: Асадбек хийлгина ўзгаришлар билан интиҳога етиб келади.

Т.Маликнинг характер индивидуаллигини шакллантириш, мантиқий изчиллик ва тўғри ривожни белгилаш, уларни муқаррар ечимга олиб келишдаги ҳаққонийликка интилиш самараларини Зелихон, Анвар, Зоҳид, Зайнаб образларида ҳам кўрамиз. Уларнинг ҳар бирида муайян ўзига хосликка эмас, индивидуал-

Халқимизда шундай ибратли нақл бор: «Ҳақ-ҳуқуқингни ёшлиқдан тани». Чунки ҳаётда ташланадиган ҳар бир қадамнинг ибтидоси оиладан бошланади.

Ҳуқуқни оиладан бошланишининг қандай кўринишлари бор, деган савол туғилиши мумкин. Бунда ота-онанинг вазифаси, фарзанднинг ота-она, жамият олдидаги бурчини ҳуқуқ билан аралаштириб юбормаслик керак. Ҳақ-ҳуқуқни таниш, уни пухта билиш, амал қилиш ва, ниҳоят, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш чуқур мазмунга эгадир. Бунинг учун дастлаб ота-онанинг ўзи, оиланинг ёши улугъ аъзолари ҳуқуқ-тартиботни ҳам назарий, ҳам амалий ўзлаштирган бўлса жуда яхши самараларга эришилади.

Эътибор берган бўлсангиз, етти яшар бола ҳаётга озми-кўпми ўз нуқтаи назари билан қарайди. Ўзининг қатъий бир фикрига (биз буни ўжарлик деб атаймиз) эга бўлади.

ни ўртага ташлаб ҳукм чиқаришни болаларнинг ўзига қўйиб бериш қизгин баҳсларга сабаб бўлади. Мисол тариқасида бир воқеани келтирамиз: Айтайлик, бозорда қий-чув кўтарилди. «Ўғрини ушла» деган овозлар эшитилди. Кўлида бир нарсани маҳкам ушлаб, қочиб кетаётган болани бир йигит қувиб кетди. Бироздан кейин тутиб олди. Табиийки, бирпасда оломон тўпланади, нима гап деб сўрайди. Маълум бўлишича, бола йигитнинг қимматбаҳо буюмини ўғирлаб қочган. Шунда оломон иккига бўлинади.

— Ота-онасига, маҳалласига, участка милиционерига хабар бериш керак, бу ҳолни шундай қолдириб бўлмайди, — дейди бир гуруҳ одам.

— Болалик қилган-да, атайлаб ўғирлаганми, ёш бола экан қўйиб юбора қолинг, иккинчи қилмайди бунақа ишни, — дейди иккинчи гуруҳ одамлар. Шу тариқа болани ҳимоячилари топилади. Бола қилмишига

димлари билан суҳбатлар, аниқ мисолларни келтириш усули самарали ҳисобланиши бежиз эмас. Юқори синф ўқувчилари, хусусан, коллеж, лицейларда таълим олаётганлар билан ишлашда кўпроқ амалиётдан фойдаланиш керак. Бунда ҳуқуқи поймол қилинган бирор шахсни таклиф қилиш, муаммони кўндаланг қўйиш, яна ҳам аниқроғи, конференция ўтказиш маъқул. Чунки кўплаб ўқувчилар ҳуқуқлари оёқости қилинганда қаяққа боришга, кимдан маслаҳат олишни билмайдилар. Амалий давра суҳбатлари қанча кўп бўлса, ўқувчилар олган билимни шунча мустаҳкамлаб борадилар. Болаларнинг онгида ҳар бир номақбул хатти-ҳаракат учун жавобгарлик қонунда белгилаб қўйилган жазо борлиги қанча тез ўрнашса шунча яхши.

Ҳуқуқий билимларни мукаммал эгаллашда болаларга шунингдек, тарих, адабиёт, география сингари фанларни чуқур ўрганиш ҳам катта

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясидаги айрим мулоҳазалар

Масалан, сиз етти ёшли болага: «Фалон нарса бўлиб қолса сен ўзингни қандай тутасан» деб кўринг. У озгина бўлса ҳам кузатишлари орқали «орттирган» тажрибасига ёки тарбиясига, ота-онасидан эшитганларига асосланиб, аниқ жавоб беради. Албатта, етти ёшли боланинг дунёқараши ҳуқуқий меъёрлар даражасида бўлмайди. Кўриниб турибдики, ҳуқуқий тарбияни оила, маҳалла, болалар боғчаси, мактаб қатъий ҳамкорликда олиб борса, қутилган мақсадга эришиш мумкин бўлади.

Жуда олдиндан, ҳатто қадимдан десак ҳам бўлади, болаларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш мураккаб жараён саналади. Ҳуқуқий сабоқларни биринчи синфданок бошлаш айни муддаодир. Чунки ҳуқуқий билимни эгаллаш она тили, математика, физика каби зарур фанларни пухта билиш каби муҳимдир. Бундай дейишимизга ҳам асос бор. Биринчидан то 9-синфгача ўқувчилар билиб-билмай жуда ҳам кўплаб қондани бузадилар. Демак, бола то ўсмирлик ёшига етгунча жамиятдаги амалда бўлган қонунларни билиб борса ҳар томонлама яхши бўлади.

Ҳуқуқий дарсларни фақат маъруза тарзида олиб бориш болаларни зериктириши мумкин. Ёки бу муаммо

яраша тегишли чора, танбех, дашном, ҳатто шапалоқ емайди. Қани, бу ерда ким ҳақ? Жазо талаб қилганларми ёки уни ҳимоя этганларми?

Ҳуқуқий дарсларни бундай таҳлил қилиш жараёнида ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари ҳам иштирок этса фойдали бўлади. Улар бундай хатти-ҳаракат жиноят эканлиги, жиноятга жазо муқаррар бўлишини асослаб берадилар. Болаларга тўғри йўлни кўрсатадилар. Ҳар бир ўсмир шунда қонунни модда-модда ўрганиб, унга амал қилиб, ўзининг хатти-ҳаракатини баҳолаб топиб боради. Болага (ёки ўқувчига) унинг ҳар бир босган қадами учун жавоб беришга тўғри келишини, қонун олдидан барча баробарлигини, одамлар бир-бирини иззат-ҳурмат қилиши лозимлигини, жамиятда олижаноблик ёки ёвузлик устун бўлиши ҳаммининг хулқ-атворига боғлиқ бўлишини уқтириб бориш ҳар биримизнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

Ўз-ўзидан маълумки, ўқувчиларга ҳуқуқни бир хил тушунтириб бўлмайди. Қуйи синф ўқувчиларига буни қизиқарли ўйинлар, савол-жавоблар тарзида сингдирган маъқул. Ўрта ёшдаги ўқувчилар билан ишлаганда ҳуқуқ-тартибот органлари хо-

ёрдам беради. Дарс жараёнида олинган сабоқлар болаларда масъулият ҳиссини оширади, тўғри йўлни танлашга ёрдам беради. Шу тариқа ёш авлод ҳуқуқий меъёрларни қадамба-қадам эгаллаб боради, катта ҳаётга тайёрланади.

Ватанимизда махсус жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш Миллий дастури ишлаб чиқилган. Унда барча омиллар ҳисобга олинган. Бу дастурни ҳаётга татбиқ этиш ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳуқуқ асосларини мукаммаллаштиришдаги янги қадам бўлди. Миллий дастур ўзида ҳуқуқий маданиятни ошириш борасидаги ҳар томонлама зарурлигини ўзида мужассамлаштирган. Ушбу дастурдан кўзда тутилган мақсад жамиятнинг барча қатламларида ҳуқуқий билим, маданиятни юксалтиришда яхлит бир тизимни вужудга келтиришдан иборатдир. Ушбу тизимнинг боши эса оила, мактабда эканлиги табиийдир.

Нилуфар САЙДАЛИХЎЖАЕВА,
Низомий номли Тошкент давлат
педагогика университети
ўқитувчиси



Абдухалил Эгамбердиев

Салкам ярим асрдан буён ҳар бир ўзбек хонадонидида телевидение кўрсатувлари, концертлари, фильмлари намойиш қилинмоқда. Берилётган турли суҳбатлар, ахборотлар миллионлар маънавиятини тўлдириб, бадиият оламини бойитмоқда.

Телевизион маромнома билан узлуксиз муносабатда бўлган мухлис кичкинагина кўзгу орқали намойиш қилинган асарни, кўрсатувни сабрсизлик билан кутади. Бироқ ўша маромномада акс этган томошалар кимнинг меҳнати орқали пайдо бўлаётганини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ижод жараёнининг мураккаб юкини ўз елкасида баҳоли кудрат кўпгина келаётган кўз илғамас санъаткорлар: режиссёрлар, техник ходимлар, операторларнинг ҳаёти, фаолияти экран ортида қолиб кетаверади. Холбуки улар бир томондан ижод, иккинчи томондан техника машаққатини баробар тартадилар. Шунга қарамай, фидокорона ижод қилаверадилар: Ўзбекистон телевидениесида узоқ йиллардан бери меҳнат қилаётган Ҳайбатилла Алиев, Эргаш Каримов, Асрор Абборхўжаев, Ўғилой Юсупжонов, Абдухалил Эгамбердиев ва бошқа кўпгина ижодкорларнинг номларини санаш мумкин.

Асли ниёзбошилиқ бўлган Абдухалил Эгамбердиевнинг телевидениега келганига қирқ йилдан ошиб кетди. У тайёрлаган кўрсатувлар, режиссёрлик ишлари кўпгина телемухлисларнинг кўз олдиди.

Кўпчилик ижод аҳли ўз соҳасига ёшлигида меҳр кўяди, «Ёшлиқда берган кўнгил айрилмас бало бўлур» деганларидек, ўзлари танлаган соҳага бир умр ошиқ бўлиб яшайверадилар. А.Эгамбердиев ҳам санъатга ёшлигида меҳр кўйган. Ниёзбошидаги 14-ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари эди, ўша пайтда мактабга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қаҳрамон Абдулла Курбон директорлик қиларди. Унинг ўзи Конституциядан сабоқ берса-да, адабиёт-санъатни чин дилдан севарди. Шунинг учун мактабга адабиёт ўқитув-

чиси вазифасига ажойиб журналист, шоир, ҳаваскор артист, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ходими Усмон Жонгитовни таклиф этган эди.

Усмон Жонгитов болаларга, адабиёт ва театр санъатига жуда меҳр кўйган инсон эди. Атоқли санъаткор Етим Божонов Урта Осие Давлат Университети қошидаги ҳаваскорлик тўрагага раҳбарлик қиларди. У саҳналаштирган «Бой ила хизматчи» спектаклида рол ўйнаб, режиссёрлик алифбоси билан танишган эди. Шу боис бўлса керак, мактабдаги юқори синф ўқувчиларини тўплаб, адабий тўғарақ тузди. Директорнинг шароит яратиб бериши билан мактаб саҳнасида Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасини саҳналаштиради. Навоийнинг кадрдони, ошпази Абдумалеҳ роли Абдухалилга топширилди.

Абдухалил Эгамбердиев улуг шоирга бир умр муҳаббат кўйган, завқли, вафодор, қалби соф киши саҳиясини ифодалашнинг уддасидан чиқди. Мактабдаги дўстлари-ю, ўқитувчилар бош рол ижрочилари билан бир қаторда унинг роли муваффақиятли чиққанини хурсанд бўлиб гапиришди. Бу унинг кайфиятини кўтардигина эмас, балки ролни тайёрлаш асносида актёрлик касбига уйғонган меҳрини янада ошириб юборди. Шунинг учун мактабни тугатгач, сира иккиланмай ҳужжатларини Театр ва рассомлик санъати институтига топширди. Ўзбекистон халқ артистлари А.О.Гинзбург, Қ.Хўжаев, Н.Алиевдан актёрлик сир-синоатини ўрганди. Шу билан бирга Ҳамза номидаги академик драма театри спектаклларининг оммавий саҳналарида иштирок этиб, ҳақиқий саҳна салобатини, инжиқликларини, босимини, талабни юракдан ҳис қилиб, билиб олди. «Юлий Цезар» спектаклида қатнашиб Шукр Бурхонов, Наби Раҳимов, Олим Хўжаев, Амин Турдиев каби атоқли санъаткорлардан кўп нарсаларни ўрганди. «Устозлардан саҳна ва инсоний таълим-тарбия олгани»ни унинг ўзи фахр билан тилга олади.

Халқимизда «насиб қилгани бўлади», деган ҳикмат бор. Абдухалил Эгамбердиевга ҳам театрда эмас, балки телевидениеда ишлаш насиб қилган экан. Адабий-драматик кўрсатувлар тахририятида иш бошлади. Элбек Мусаевдан адабий асарлар устида ишлашни билиб олди. Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Карим Хонкелдиев каби санъаткорлар билан бирга ишлаш чоғида актёр ва режиссёрлик амалиётини пишитди. Ўша йилларда режиссёр А.Хачатуровнинг «Виждон амри» фильмида рол ижро этди, аммо табиатиға тўла жавоб бермаганлиги учун ролни охиригача ўйнамай ташлаб кет-

ди. Ўзи мустақил равишда асар кўйишга қўл урди. «Телевизион миниатюралар театри»да Алп Жамолнинг «Якан» асарини саҳналаштириб, обрў қозонди.

У режиссёр сифатида фаолият олиб борар экан, «Ҳазалхон ёшлигим», «Қизлар давраси» кўрсатувларини ташкил этди ва томошабинлар оммасининг олқишига сазовор бўлди.

— Энди булар гўзал тарих, — дейди Абдухалил ака. — Ўша вақтда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Сайёр, Тошпўлат Ҳамид, Анвар Исроилов каби шоирларимизнинг чиқишири катта воқеа бўлган эди. Томошабинлар уларнинг навбатдаги чиқишини интиқиб кутарди.

Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва бошқа шоирлар шеър, ғазал ўқишар, уларга бир чиройли кўшиқ ёки рақс илова қилинарди. Санъаткорларнинг бундай чиқишлари ўзига хос уйғунлик, ўзгача бир жозиба касб этарди.

Фақат шоирлар эмас, балки ўша даврда оммага эндигина танилиб келаяётган ёш хонандалару Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Берта Давидова, Очилхон Отахонов каби устозларнинг ижодий сиймолари, Назиржон Назаров, Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар, Хайрулла Лутфуллаев, Маъмуржон Тўхтасинов ижодига бағишланган кўрсатувларни тайёрлашда, айниқса Ўзбекистонда рангли телевидение амалиётини жорий қилишда А.Эгамбердиевнинг хизматлари катта.

Истеъдодли режиссёр ва муҳаррир Абдухалил Эгамбердиев ҳозир «Ёшлар» телеканалда фаол ишламоқда. У бевосита иштирок этаётган кўрсатувлар ёш томошабинларнинг қалби ва онгига етиб бориши учун қаратилган. Кўрсатув видеотасмага кўчирилиб бўлгач ҳам тиниб-тинчимайди, ҳар бир кадр, ҳолат, ҳаракат, манзара сўз билан уйғун бўлишига, ортиқча нарсаларни «тараб» чиқариб ташлашга интилади. Режиссёр ёшларимизни ўз кўрсатувлари орқали эзгуликка, мардликка, ҳалолликка, Она-Ватан учун самимий, юракдан берилиб хизмат қилишга ундайди.

Телевидениеда хизмат қилаётган ёшлардан Комилжон Раҳимов, Мирсоат Каримов, Нозима Воҳидова унинг шоғирдларидир.

Ўзи ҳокисору аммо дили гулзор бу инсоннинг улкан ижодий режалари рўёбга чиқишига тилақдошимиз, зеро ҳокисорлик ҳам, қалби гулшанлик ҳам гўзалликдир. Гўзаллик эса оламни зулматдан кутқаради.

Сирожддин
АҲМАД

Буюмларда ҳикмат кўн...

Нодир Норматов оддий халқ ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одат ва аънаналарига қизиқади. Шу боис у халқнинг диний-мифологик қарашлари билан боғлиқ муқаддас ашёлар ҳамда биргина кишининг шахсий ҳаётига алоқадор табаррук ёдгорлик бўлиб қолган нарсаларни асар сюжет занжирига олиб киришни яхши кўради.

Адибнинг «Жазо» қиссасида Майрам эрининг камзулидан иккита тилла танга топиб олиши воқеаси билан асар тугуни бошлаб берилади ва бутун асар давомида шу тилла тангаларнинг қаердан келиб қолганлигига қизиқиш қиссанинг сюжетини ҳаракатлантиришда ҳам, аёлнинг психологик ҳолатларини кўрсатишда ҳам кўл келади.

Худди шу қиссанинг ўзида яна бир буюм — сандиқ бўлиб, у Майрам кўшмижжага онасидан қолган. Урушнинг энг даҳшатли очарчилик кунларида болаларини очликдан асраб қолиш учун гунг тегирмончи билан алоқа ўрнатган Майрам кўшмижжа ундан ҳомиладор бўлиб қолади. Бу шармандалиқдан қутилиш учун чала туғилган боласини яширинча кўмаётганида кўшниси Ойхон бид-бид уни кўриб қолади. Унинг оғзини ёпиш мақсадида Майрам кўшмижжа ўша онамерос ўймакор сандиқни унга беришга мажбур бўлади. Унинг мана шу «ҳеч ким билмайдиган сирим», деб ўйлаб юрганлари сандиққа қўшилиб, бировнинг қўлига тушиб қолади ва унинг бутун умрининг деярли ярмидан кўпига мана шу сотилган сир шарпаси соя солиб ўтади.

«Бисот» қиссасидаги зебигардон ҳам Қобил лашкарга онасидан мерос. Уни Қобил лашкар қизи Барнога тақдим қилиши керак эди, албатта. Лекин ундай қилмайди. Зебигардонни ўзини даволаган табибга берган кунидан бошлаб қизининг оғир касалга чалинишини кўриб пушаймон бўлган Қобил лашкар ўнта қўй эвазига табибдан

уни қайтариб олган бўлса-да, қизи тузалмайди.

Адиб асарларида нарса-буюмларнинг ашёвий қимматидан кўпроқ уларнинг илоҳий, маънавий қиммати устунроқ туради.

Умуман, асарларда сандиқ бахт, номус, зебигардон эса фарзанд, меҳр рамзи сифатида сеҳрли, илоҳий бир қудрат, қадр-қимматга эга нарсалардек кўрсатилади.

Ҳаётда хар бир кишининг доим фойдаланиб юрган, қайсидир кунига яраган қадрли нарсаси бўладики, уни инсон юқорида айтиб ўтилган сандиқ ва зебигардондагидек илоҳий-рамзий қудратига ишониб ёхуд мажбурият нуқтаи назаридан эмас, балки шунчаки қадрли бўлиб қолганлигига қараб асрайди.

Адибнинг «Ёзнинг сўнгги кунлари» асаридagi тегирмон мана шу фикрларимизни далиллайди.

Ёзувчининг «Баригал» романида бошдан-охир қатнаштирилган буюм — ойна. Роман қахрамони учун ойна — бахт рамзи. Бу, бир қарашда бутпарастлик, ширкка ўхшаб кўринади. Аммо... кўзгу туркий халқнинг деярли барчаси учун муқаддас саналади. Халқ маросимларида ҳам келин-куёвни илк мартаба ойнага қаратилиши, ойнанинг синишини бахтдан айрилишга ёйилиб, ирим қилиниши, шулар жумласидандир. Ёхуд мумтоз адабиётимизда Фарҳодга Ширин жамо-

лини кўрсатган сеҳрли ойна кабиларни учратишимиз мумкинки, Нодир Норматов ҳам бу буюмдан ўз асаарида бахт рамзи сифатида фойдаланади.

Кўзгу романининг бошидан охирига қадр асосий ўринни эгаллайди. Халқнинг кўзгунинг магик қудратига ишончи билан боғлиқ фикрлари, у ҳақдаги халқ орасида юрган ривоятлар ва асар орасида «Бобур кўзгуси» номли ҳаёлий-мажозий ҳикоя келтирилади.

Асардаги воқеалар чизигига муҳим таъсир кўрсатилган яна бир буюм ҳайкалча бўлиб, уни Умарнинг хотини Малика талабалик йилларида тепаликларни қазишда археологларга ёрдам берганида кўрган. Дугонаси топиб олган «эркак боши чиройли, сочлари тўлқин-тўлқин, кўзлари ўрни тўла, қошлари керик, лаблари бежирим» бу ҳайкалча Малика қалбининг чуқур бир ерида орзу бўлиб ўрнашган. Малика ўзини ҳайкалча тасвиридаги ўхшаш одам ҳаёлидан қутқара олмади ва натижада, бу ҳаёл уни эрига хиёнат қилишга ҳамда ўлимига сабаб бўлди.

Нодир Норматов асарларида тасвирланган буюмлар одамларнинг руҳий-маънавий ишончлари романтик ҳиссиётлари билан боғлиқ, ижтимоий аҳамият касб этади.

Шоҳсанам ДАВРОНОВА,
Бухоро вилояти

Ойгул СУЮНДИҚОВА



Боғларга ёз оқшоми кўнди,
Япроқларнинг эрка шивири.
Тинч осмонда чечаклар унди,
Анҳорларда оқди ой сири.

Қушлар ухлар юммасдан кўзин,
Дарахтларда ўтли хотирот.
Тун излайди тонгнинг оқ изин,
Тун — кўзингга муҳрланган хат.

Хатни ўзи ўқиб олар тонг,
Қизаради қиздай юзлари.
Ботган ойнанинг ҳажрида ҳамон
Оловларан қуёш излари...

Ёлғизлик ҳикояси Тўхтагулга

Кимнидир кутади — кўнглига яқин,
Кимнидир кутади — йўлига яқин.

Келсайди, сўзлашса, тонгларга қадр,
Келсайди, бўзлашса, жонларга қадр...

Кутгани ёнидан ўтиб кетдими,
Кутгани уни ҳам кутиб ўтдими...

Тақдир, ўйинларинг бунчалар қалтис,
Тақдир, эҳсонларинг бунчалар ҳасис!



Куюшининг нурларида
ярқираган дамларим —
Узун кунлар изини тишлаб
келдим тишимда.
Юлдуз чарақлаганда унут
бўлган ғамларим —
Уйғоқ тушлар ҳиссини ушлаб
кулдим тушимда.

Чарх эса айланади тошдан
бўлган бошимдан
Товонимни қабартди изларимнинг
яраси.

Тупроқдан оғир сабрим
қотиб қолди ёшимда,
Сочимда тонг оттирди
хаёлнинг хотираси.

Болалигимни эртак қилиб
боламга айтдим —
Ушалмаган армоннинг
хидларига чўмилдим.
Ёшлигим кўчасида товланиб
ётган байтим —
Умримнинг кумуш йўли
узун эканин билдим.

Кумуш йўлим — куз йўли,
кўпни кўрган кўз йўли,
Тиниқлашган туйғулар —
тинч оқар тубсиз дарё.
Бу дарёда оққали сўзлари
юлдуз йўлим, —
Дардлашгани келибди мен билан
кекса дунё.

Мирзо Улуғбек вафотидан кейинги нотинчликларни бартараф этишга, Мовароуннаҳрда барқарорлик ўрнатишга Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий кўп саъй-ҳаракатлар қилди.

1454 йилда Абул-Қосим Бобур Самарқандни узок муддат қамал қилганида жуда оғир танглик вужудга келди. Халқ вакиллари Хожа Убайдуллоҳга мурожаат қилдилар. Бу воқеада Хожа Аҳрорнинг узокни кўзлаши, мамлакат тинчлиги, халқ осойишталигини сақлаш йўлидаги фидойилиги, ақл-заковати яққол кўринди.

Ўша воқеалар тафсилоти Хусайн Воизнинг ўғли Али Сафийнинг «Рашахот айнул ҳаёт» асарида ёритилган. «Рашахот»да бундай сўзларни ўқиймиз: «Абул-Қосим Бобур ибн Бойсунғур мирзо ибн Шоҳруҳ юз минг лашкари билан Хуросондан Самарқандга томон етиб келди. (Бундан хабар топган) султон Абу Саид Мирзо Ҳазрати Эшон (яъни, Хожа Аҳрор) олдига келдилар. Ва айтдиларки: «Бизнинг бу воқеага сабру тоқатимиз йўқ, нима тадбир қилайлик?» Ҳазрати Эшон унга таскин бериб, хотиржам қилдилар.

Абул-Қосим Бобур Аму сувларидан ўтган пайтидан бошлаб, Мирзо Абу Саиднинг барча уламолари ва яқин кишилари уни Туркистонга юбормоқчи бўлдилар. Улар туяларга юкларини ортиб, сафар ҳозирлигини кўра бошладилар. Ҳазрати Эшон бу воқеадан воқиф эдилар. Эшон Мирзо (Абу Саид) олдига келдилар ва туячиларга қаҳр қилиб буюрдиларки: «Туялардаги юкларни ерга туширинглар!» (Сўнгра) Мирзо олдига келиб буюрдилар: «Қаерга кетаясиз? Кетишга ҳеч ҳожат йўқ. Бу ердаги ишни ўзи етиб ортади. Мен сизларни ўз ҳимоямга оламан. Андиша қилинг ва хотиржам бўлинг. (Абул-Қосим) Бобурга шикаст бериш менинг қўлимдадир».

Тез орада Абул-Қосим Бобур лашкарларининг илғор қисми Халили Хинд бошчилигида Самарқанд ийдгоҳига келиб ўрнашади. У қамал ҳолатидаги шаҳардан бирор кимса чикса у билан жанг қилиб, ёки уни асир олиб турар эди. (Ўша пайтда) Мирзо Бобур лашкари энг кўп яроқ-аслаҳага эга эди. Абул-Қосим Бобур Самарқанднинг қадимий қишлоқларидан бирига (Афросиёбга) яқин келди, унинг одамлари тирикчилик сабабидан ҳар тарафга тарқаб кетдилар. Самарқанд аҳолиси эса, уларни якка-якка ушлаб, қулоқ ва бурунларини кесиб олдилар. (Мана шу тарзда) Абул-Қосим аскарларининг кўпининг қулоқ ва бурунлари кесилди. Мирзо Бобур аскарлари ғоят қийин аҳволга тушиб қолди. Орадан бир неча кун ўтганидан сўнг, аскарларнинг катта

қисми орасида вабо касали бошланиб қолди. Уларнинг кўплари бу касалликдан нобуд бўлишди. Кўп ўйлаб, ниҳоят Абул-Қосим Бобур ўз мулозими мавлоно Муҳаммад Муаммойини ҳазрати Эшон олдига юбориб, сулҳ талаб қилди. Кўп ҳаракат қилиб, Мавлоно Муҳаммад Ҳазрати Эшон мулозаматига етиб келди» («Рашахот айнул ҳаёт», саҳ. 291).

Хожа Аҳрор бу можарони тинч йўл билан бартараф қилишга тарафдор эди. У ўзининг мирзо Шоҳруҳга нисбатан хурмати ҳаққи кескин йўлни танламади. Ҳатто ўша пайтда чор атрофда «Мирзо Бобур ғоят ғайратли ва олийҳиммат подишоҳдир» деган овозаларга нисбатан ҳам вазминлик билан жавоб қайтарди. Эшон ҳазратларининг муборак хотираларига ёшлик чоғларида Ҳиротда Шоҳруҳ замо-

тўхтаб қолмаса-да, Улуғбек томонидан асосланган аниқ фан Самарқандда (ривожланиш учун) қулай заминга эга бўлмади. Зеро, Султон Аҳмаднинг укаси ва вориси Султон Маҳмуд ўз акаларига қарама-қарши ўларок, Эшон (Хожа Аҳрор)га нисбатан нафратда бўлса-да, математика соҳасида бир қадар билимга эга эди. Бинобарин, Султон Маҳмудга таъриф бериб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай ёзган: «Ахлоқ ва атвори яхши эди. Намозни тарк этмас эди. Тузуки ва забти бисёр яхши эди. Сиёқ (ҳисоб) илмини ҳўб билур эди. Вилоятдин бир дирам ва бир динор анинг бевуқуфи харж бўлмас эди...» Ҳисоб-китобни яхши биладиган, кучли молиявий сиёсат олиб бориб, ҳарajatларни режага солган Султон Маҳмуд нега Хожа Аҳрор эътиборини қо-

Маҳкам МАҲМУД,
Зокир ҚУТИБОЕВ

Хожа Убайдуллоҳнинг каромати

нида кечган тинч, осуда кунлар келди. Хожа Аҳрор ўша боисдан ҳам сулҳга розилик берди. Ўз навбатида Абул-Қосим Бобур ҳам Хожа Аҳрорнинг сулҳ шартномасини тузиш чоғида шахсан иштирокига умидвор бўлди. Лекин султон Абу Саид мирзо хоҳишига қарши бормай, ўша нозик масалани ҳал қилишга садоқатли асҳоби Мавлоно Қосимни юборди.

Хожа Аҳрор тахтга даъвогар темирйоздаларни тотувликка ундагани ҳолда, айрим шахзодаларга нисбатан кескин ва мурасасиз йўл танлади. Мана шу маънода Хожа Аҳрор билан Абу Саид мирзонинг учинчи ўғли бўлмиш Султон Маҳмуд ўртасидаги муносабатларга манбалар асосида кенгроқ тўхталиш мумкин. Тарихий адабиётларда бу масала етарли даражада тадқиқ этилмаган. Ҳазрати Эшон нега Султон Маҳмудни тахт учун курашида қўллаб-қувватламади? В.В.Бартольд ёзади: «Гарчанд Самарқандда маънавий ҳаёт бутунлай

зонмади? Уларни бир-бирларидан узоклаштирган ҳолатлар нимада? — деган савол туғилади. Бу саволга манбаларда жавоб бор, албатта. Уларга ўтишдан аввал, яна «Бобурнома»га мурожаат қилсак, масалага бир қадар жавоб топамиз: «(Султон Маҳмуд) Зулм ва фисққа кўп машғул эди. Муттасил чоғир ичар эди. Чухра (бе-соқол) қалин (кўп) сақлар эди... Зулм ва фисқининг шоматидин (боисидан) ўғлонлари тамоман жувонмарг бўлдилар.

Таъби назми бор эди, девон тартиб қилиб эди, вале шеъри бисёр ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмагон яхшироқдир. Бад эътиқод киши эрди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга истихқор (беҳурматлик, таҳқир) қилур эди. Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди. Бир неча масҳара ва бек-бок (ҳаёсизлар) теграсида бор эди. Девон бошида ва халойиқ қошида зишт (хунук) ҳаракатлар қилурлар эди. Бадкамол эди. Сўзини филхол

англаб бўлмас эди».

Маълумки, Бобур мирзо Султон Маҳмудга замондош темирзода сифатида унинг ички ва ташқи қиёфаларини яхши биларди. Гўё бу тавсиф орқали Бобур Мирзо маънавиятга дахлдор бўлган хушфееллик, ахлоқий баркамоллик ҳар қандай ҳукмдор учун зарурий фазилатдур, демоқчи бўлади. Зеро, бу гўзал инсоний сифатлар унинг ўзида мужассам эди.

«Рашахот» муаллифи Фахруддин Али ас-Сафий таҳлил қилинаётган мавзуга оид ҳикоятларни алоҳида келтиради. Уша маълумотлар орасида Султон Маҳмуднинг Хожа Аҳрорга йўллаган мактуби диққатга сазовордир. Муаллиф мактуб ёзилган санани келтирмайди. Уни мактуб мазмунидан илғаб олиш мумкин.

«Илтижо ва сўровлардан сўнг, бу фақир (Султон Маҳмуд)га ҳазрат маҳдумнинг мулозимларига Самарқанднинг тасарруфини муҳофаза қилишни топшириб қўйилган улуғларидан бири айтибдики ва ёзибдиларки, Самарқандни олиш сиз (яъни, Султон Маҳмуд) томонингиздан содир бўлиши муносиб иш эмасдур. Ҳақ субхонаху таоло бунга буюрмагандир. Расулуллоҳ с.а.в.нинг шариатларида бундай воқеа йўқдур. Ўз биродарига қўлидаги тигни уриш қайси йўл (учун) муносиб туради?» Сиз жанобларининг мулозимлари бу фақирни гоёт ҳаволанган (кибри) деб ҳисоблаб, улар (ўзлари) кўлларга кўтарилиб юрадилар. Хизматкорлик вазифаларини пеш қилиб, кўп ҳаволандилар. Бундай қусур каминада ҳам бордур. Яхшилик йўлида қилинган хизматларни кишилар сўзидан хулоса қилишлик... бу вилоятни олишни қасд қилиб келган бу фақирнинг хизматини қабул қилмаслик ажаб бир ҳолатдур, деб топурмиз.

Ҳолат шуки, мен сизнинг хизматингизни қилурман. Самарқандда бизга азиз бўлган кишилар кўпдир. Бир неча йилдирки, фақир шу шаҳарда турувчи кишилар орасида ўз тарафдорлари борлигини билади. Улар бундан танг ҳолатга келадилар. Бу эса муносиб эмас. Қалби яхшилик дарди билан оғриган киши, бир неча йиллар (давомида) мўминлар (нинг) дилларидаги яхши дарди билан бемор бўлган ва ушбу фуқаронинг илтимоси — бу хизмат аризасиз ҳам равшан, беғараз ва холисдир. Шу сабабли ҳам, Ҳақ субхонаху таоло учун бизнинг сўзимизни қабул қилинг ва ёрдам беринг, унинг ризоси учун иш қилинг. Бир қалби ва бир жиҳатли бўлайлик. Ишларимизни камчиликсиз охирига етказайлик. Яқдиллик ва ҳамжихатлилик билан иш тутмаслик камчилик мақомидир. Уни тамом қилмоқлик ҳар банданинг Ҳақ субхонаху олдидидаги ишидир. Ҳақ субхона-

ху таоло эса, камоли юзасидан золимларга қарши урушаётганлар билан бирга бўлади...»

Султон Маҳмудхон мактубининг ёзилиш тарихи Абу Саиднинг Ироққа қилган юриши чоғида вафотидан сўнг (1469) унинг ўғиллари ўртасида тахт учун бошланган кураш даврига тўғри келади. Гарчанд бу мактуб хокисорлик билан ёзилган бўлиб, унда Ҳақ субхонаху таолонинг муборак номлари бир неча бор зикр қилинган бўлса-да, уни Хожа Аҳрор рад этади.

Султон Маҳмуд Ҳирот вилоятидан Султон Аҳмад билан жанг қилиш ниятида Самарқандга етиб келганида, унда кўплаб қурол-яроғ ва аскарлари бор эди. Султон Аҳмадда эса бундай аскар салоҳияти йўқ эди. Шунга қарамай, у жангга ғойиб чиқиб ҳақида ўйларди. Султон Аҳмад мирзо Эшон ҳазратлари олдига буюк бир изтироб билан келди. Ул зот (яъни Хожа Аҳрор) шаҳардаги мадрасалардан бирида эдилар.

«Хожа Аҳрор буюрдиларки, — Сиз олаверинг, Самарқанднинг ҳамма аҳолиси сизга асир тушди (сизга итоатда.) Қалбингизни кенг ва юрагингизни хотиржам қилинг, мен Сизнинг амрингизни кутиб таъзимингизда бўлурман. Агар душман енгилмаса, мени ёрдамга чақиринг. (Таъкид бизники — М.М., З.К.)» Парчадан маълум бўладики, Ҳазрати Эшон доимо шиддатда, сиёсий воқеаларнинг марказида турган. Унинг сўзларида қатъийлик, ҳаракатларида жасорат ва шиддат бўлган. Ул зот фақат маслаҳатчи эмас, балки ҳарбий-сиёсий тадбирларни изга солувчи, комил етакчи сифатида кўринади.

Ҳазрати Эшон бостириб келаётган Султон Маҳмуд мирзо лашкарларини даф қилиш учун алоҳида тадбир тайёрладилар ва уни амалга оширишга энг яқин асқобларидан Мавлоно Қосим ва Мавлоно Жаъфарларни сафарбар қилдилар. Жанг эндигина бошланган бир пайтда гўё мўъжиза — ғаройиб ҳодиса юз берди. Шаҳар аҳолиси саросимада турган бир пайтда Дашти Қипчоқ томонидан даҳшатли довул кўтарилдики, унинг ваҳшатидан жанггоҳдаги аскарлар ва жангчилар, Султон Маҳмуд лашкарлари ўтириб олдилар. Бу жойда жангчиларнинг кўз очишига имкон бўлмади. Одамлар отларнинг тизгинларини қўйиб юбориб, отлиқлари ҳам пиёдалар каби ерга ўтириб олдилар. Ҳамма қўлида бор бўлган нарсаларни, кигизми, чодирми, чопонми, бошига ёпиб, ўз муҳофазаси билан овора бўлиб қолди... Улуғ тўфон кўз-ғолиб, бутун борлик қиёмат қойим бўлганидек даҳшатга тушиб, тўс-тўполон бошланди.

Шундай ҳолатда Султон Маҳмуд мирзо ўз умароларининг кичик тои-

фасини йиғиб, яқинига ўтказиб, ер бўйлаб пасткамликлар орқали бир кенг шамолсиз жойга, деворли ерга чиқиб, отига минган ҳам эдики, ногоҳ кучли ер қимирлаб, улар турган девор отлиқлар устига қулаб шикаст етказди. Девор кучли шамол ва ғалати овоз чиқариб даҳшат билан суворийлар устига ағанади. (Натижада) бу жойда бошпана топган тўрт юз нафар киши отлари билан ўша девор соясида турганларни босиб қолди. Уларнинг кўпларини қўл-оёқлари ва отларининг боши тупроқ остидан чиқиб турса-да, улар ўзларини халос қилиш учун кучлари етмас эди. Аскарларнинг сафлари бузилиб, жанггоҳда интизом йўқолди. Ҳаммининг нигоҳи юз берган кучли шамолдан сақланишга қаратилган... Қалин девор остида қолиб, янчилик яқсон бўлган душман аҳволидан Султон Аҳмад мирзо беҳабар эди.

Бешош, бошқариб бўлмайдиган шаҳарли оломон ҳазрати Эшон олдиларига йўл олди.

Нақл қилувчи («Масмуот» муаллифи Мир Абдул-Аввал) айтадики: ундан кейин яна кўрдимки, шаҳар дарвоза минорасининг тепасида кузатиб ўтирган улуғлар ҳазрат Эшон мулозиматларига кетдилар. Ва ул ҳазрат (Хожа Аҳрор) мирзо Султон Аҳмадни ўтирган ҳужрасидан олиб чиқдилар ва (гўё) салтанат тахтини унинг олдига ташладилар. Ўзлари эса Хожа Кафшир, маҳалласига қараб кетдилар.

Демак, Хожа Аҳрор ўша пайтда Самарқанд томон келаётган ёв ва табиий офат — кучли зилзила ҳамда довул хавфини олдиндан сезиб режа тузган. У райият учун оғир ҳолатларда дабдабали саройда эмас, балки мадрасанинг мўъжазгина ҳужрасида туриб, Султон Аҳмад мирзога, ўз асқобларига, қолаверса фуқарога зарур йўл-йўриқларни берган. Эл-юрт бахтига бу офатлар тезлик билан даф бўлган қувончли дамларда Хожа Аҳрор ғалаба нашидасини суриш учун подшоҳ қошонасига эмас, балки ўз кулбасига — Хожа Кафшир қишлоғига ошиқади... Лекин у зот узоқ муддат ўз маконига тинч ва осуда ҳаёт кечириши қийин эди. Ҳазрати Эшон бир умр сиёсий можаролар, ўзаро муҳолифатлар гирдобиде бўлди. Эл-улусга бўлган меҳр-муҳаббати ҳаққи ўзини четга олмади.

¹Хожа Кафшир мавзеи Шовдор (ҳозирги Ургут) туманида бўлиб, у ерда ҳазрати Эшоннинг доимий маскани бор эди. У шоҳона саройдан узоқда — қишлоқда оддийгина яшашни ихтиёр қиларди.

Адҳамжон Матхалилов шунақа инсонларданки, унинг касби кўп, касбидан ҳам хунари кўп. У тарбиячи-мураббий, расм-чизмачилик муаллими, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, меҳмонхона мудир, тўқимачилик саноатининг билимдони, созанда ва хонанда, ошпаз ва бозорда назоратчи, аскиячи ва муқаллидчи...

Адҳамжон ака фақат Қўқондагина эмас, жуда кўп шаҳар ва туманларда, қўйинги, мамлакатимиз миқёсида номи эл орасига тарқалган инсон. Қуйида унинг аскиячилиқ санъатидан айрим намуналар билан танишасиз.



Қовун пайрови

Аския

**Йўлдошхон Носиров
Адҳамжон Матхалилов**

Адҳамжон: — Йўлдошхон, мана Ўзбекистонимизнинг ўн йиллик тўйини ҳам муносиб кутиб олаяпмиз.

Йўлдошхон: — Ҳа, баракалла!

Адҳамжон: — Энди шу хурсандчиликларга бир қовун сайлига олиб бормайсизми?

Йўлдошхон: — Албатта олиб бораман, қани бошланг.

Адҳамжон: — Йўлдошхон, Муқимий жамоа хўжалигининг 3-бригада капасида шакарпалак сўйиб берсам, бет-бетини едингизу тагигача емадингиз, шўр солинган деб.

Йўлдошхон: — Адҳамжон, сиз сўйиб берган қовун ҳаммага маъқул, лекин менинг пайкалимга экилган қовунлар ичида бир-иккитаси пирсилдоқ чиқиб қолди.

Адҳамжон: — Йўлдошхон, шаҳарга яна чиройли, ширин қовунларни жўнатиш учун раиснинг амрини кутиб ўтирибман.

Йўлдошхон: — Адҳамжон, ширин-ширин қовунларни еб деҳқонларни дуо қилиб ўтирганимизни кўролмаганлар гурс кетди. Ўзбекистонимизда ўттиздан ортиқ қовун навлари мавжуд, қани энди сиз кўкча эксангиз.

Адҳамжон: — Йўлдошхон, меҳмонбоп, меҳмонга манзур бўладиган қовунлардан борми десам, даламиздаги калхасан билади, дедингиз.

Йўлдошхон: — Адҳамжон, қовунлар камайиб кетди дедингизми? Йўқ, пайкалдаги қовунлар фарқ пишган, лекин деҳқонларимиз фўзагулини кутиб ўтиришибди.

Адҳамжон: — Йўлдошхон, пайкалингизга ҳеч ким боргани йўғу идорага йиғлаб борибсиз, босиболди деб.

Йўлдошхон: — Адҳамжон, ўзи деҳқончиликни яхши

билмас экансиз, уруғларни танлашда адашибсизми, қовунларингиз бешак чиқиб қолди.

Адҳамжон: — Йўлдошхон, пайкалларни айланиб чиқсам, менга маъқул қовун топилмади. Ҳа бугун қовун емаймиз эканда, десам кўзим оқ қовунингизга тушиб қолди.

Йўлдошхон: — Адҳамжон, бир уятли меҳмонга совға қилиб юбораман, яхшироқ қовунингиз борми, десам шакарпора бераман дедингиз.

Адҳамжон: — Йўлдошхон, мана пайкал ўртасида турибсиз, хоҳлаган қовунингиздан сўйиб бераман десам, кўзингизни жўра-қанддан узмайсиз.

Йўлдошхон: — Адҳамжон, мана қовун сайили ҳам ниҳоясига етиб қолди. Сиз ҳали ҳам қовун танлаш билан оворасиз, шунча қовунлар маъқул бўлмаса Хоразмни таккисини олиб бераман.

Адҳамжон: — Йўлдошхон, қовунларни турлари жуда кўп, лекин ҳамма қовунларни ўз мавсуми бор, Сиз хўкизкаллани еяверинг.

Йўлдошхон: — Адҳамжон, гапингиз тўғри. Мен хўкизкаллани еявераман-а, аммо сиз ёқтирадиган бўрикаллага анча вақт бор-да!

Адҳамжон: — Йўлдошхон, Сиз хўкизкалла излаб, яна кампирчопондан қуруқ қолманг.

Йўлдошхон: — Адҳамжон, сизни миришкор эканлигингизга қойилман, сув танқислигига қарамай тонг отгунча ухламай обиновотингизни сўғорибсизда, тош босади деб.

Адҳамжон: — Йўлдошхон, ҳамма гапларингиз тўғри, бу гаплардан хулоса чиқариб, Ўзбекистонимизнинг 10 йиллик тўйига ширин қовунлар экиб, халқимизни умрибоқий билан таъминлайман.

Қовун пайровни
Т.МИРЗААҲМЕДОВ ёзиб олди

Сўз ҳақиқатга қимматлар

Агар биз сўз бойлигини масаллиққа қиёс қилсак, нутқ дастурхонга тортилган таом эрур. Масаллиқ мўл бўлса, ош мазали бўлганидек лугат хазинаси бисёр одамнинг тили бийрон, нутқи равон, суҳбати жонон бўладур. Зеро, алар ила ҳамсуҳбат бўлмоқлик роҳати жон эрур.

Чала пишган ошнинг ҳазми таоми қийин кечгани каби ғализ сўзли кишининг суҳбатини тингламаклик ҳам азоби жондур.

Таомни емакка, сўзни демакка шошманг.

Эзмалиқдин ҳазар қил,
Сўзингни мухтасар қил.

Кўп сўзласанг сўзнинг қадри оз бўлур,
Ҳўб сўзласанг иззат-обрў боз бўлур.

Сўзи ночорнинг ўзи ночор.
Сўзи мухтасарнинг ўзи мўътабардир.

Ғийбат қилма, ғурбатга қоласан.

Озроқ егил, оз ухлагил, оз сўзла,
Озроқ кулгил, оз бўлсада соз сўзла.

Ширин калом ширин таомдин қимматлироқдур.

Хусн зоҳирий гўзаллик бўлса,
Етук ва равон нутқ ботиний гўзалликдир.

Тасаввуф илмидин огоҳ бўлмоқлик
Тафаккур жавҳариға сайқал бермакликдир.

Покликнинг, ифатнинг рамзи аёлдир,
Аёлга энг гўзал безак ҳаёдир.

Киши бордур ҳам зоҳирий, ҳам ботиний гўзалдир,
Киши бордир ҳар бир сўзи юз очмаган ғазалдир.
Нозик эрса боз устина, табиати, суҳбати,
Тавоб айланг, ушбу инсон маънавий баркамолдир.

Комил дўстинг бўлмаса, китоб мутолаа қил.

Тафаккур аталмиш нурафшон қасрнинг
Кулфи — илм, калити — сўздир.

Турсуной
ЗИЁДОВА

Ҳурматли редакция!

Мен «Гулистон» журналининг 1999 йил 3-сонида самарқандлик табиб Муродқул Истамқулов ҳақидаги мақолани ўқиб, жуда таъсирландим. Бир неча йилдан буён бавосир касаллиги билан оғрийман. Унинг давоси борми, иложи бўлса шуни Муродқул акадан сўраб менга ва менга ўхшаган беморларга фойдаси тегадиган маълумотни журналда чопэтишингизни сўраймиз.

Х.ИСМАТОВ
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.

Бавосир касаллигининг келиб чиқиши ва уни даволаш

Бавосир касаллиги овқат ҳазм қилиш аъзоларининг хасталиги натижасида келиб чиқадиغان асоратдир. Овқат ҳазм қилиш аъзоларига ошқозон, жигар, ўт пуфаги, ошқозон ости беши, ингичка ва йўғон ичаклар кирди. Айрим сабаблар билан одамнинг йўғон ичаги шамоллаб қолса, юқоридан овқат ҳазм қилиниши бузилади, яъни ўт пуфагидан, ошқозон ости безидан, 12-бармоқ ичакка шира томмайди, натижада ёғларнинг парчаланиши бузилади. Оқибатда организмда магний (Mg) тузи камайиб, йўғон ичакка ва ундан юқорироғида яллиғланиш пайдо бўлади. Бундан кейин одамнинг қорин дамланиши, овқат ҳазм бўлмаслиги ва ичак қотиши ҳолатлари пайдо бўлиб, азият чекади.

Бавосир куйидаги турларга бўлинади: сўгалсимон, узумсимон ва тутсимондир. Сўгалсимон бавосир энг ёмон хилдан бўлиб, ўсмалар майда сўгалларга ўхшайди. Узумсимон бавосир япалоқ ва думалоқ шаклда бўлади, тутсимон бавосир эса бўш ва қонлидир.

Бавосир касаллиги билан оғригиларнинг кўпчилигининг ранги ўзига хос кўкиш сариқ рангда бўлади.

Бавосир касаллигини даволаш усуллари азалдан маълум. Ҳозирги замон тиббиётида жарроҳлик йўли билан ва айрим дори-дармонлар, шамчалар билан даволанади. Лекин бутунлай соғайиб кетиш учун ошқозон, ичак, ўт пуфагини даволаш керак бўлади, чунки юқорида зикр этилганидек, киши танасида

ёғларнинг парчаланиши ва магний (Mg) тузлари миқдори нормал ҳолатда бўлиши керак.

Танани нормал ҳолатга келтириш учун ўт пуфагини, йўғон ичакнинг яллиғланишини даволаш зарур, бунинг учун ўзимизнинг тоғ ва боғларимизда ўсадиган тайёр дори-даво табиат гиёҳлари мавжуддир. Шу гиёҳлардан билиб туриб истеъмол қилинса бавосир (геморрой) касаллигининг олди олинади ва жарроҳликсиз даволанади.

Муродқул ИСТАМҚУЛОВ,
шифокор, табиб, тиббиёт фанлари
номзоди

Манзил: Самарқанд тумани,
Сулфакаутак қишлоғи,
Қумзор кўчаси, 168-уй

Касалхонадаги толоша

(Ҳажвия)

Бу воқеа кутилмаганда содир бўлди, аксига олиб дам олиш куни эди. Шунга қарамасдан бош врач воқеадан хабардор бўлгач зудлик билан етиб келди. Кулоқ, томоқ касалликлари бўлимида бир зумда шов-шув тарқалди. Бош врач бўйнини боғлаб олган ҳамширани тинчлантираркан аста сўради:

— Ўзингизни босинг, йиғламанг, ҳаммаси ўтиб кетади, спирт билан артдингизми?

— Ҳа, — дея жавоб берди ҳамон йиғларкан ҳамшира. — Йўқ, менга алам қиладигани шуки, ҳар доим ёнида бўлиб, парваришлаб, дориларини вақтида бериб борсам-у, келиб-келиб мени тишлайдими, а?

Ўн учинчи палатадаги Йўлбарсовга муолажа белгиланган куниёқ ҳаммасини вақтида қила бошладим, эртасига қулоғим шангиллапти, деди. Бошида шунақа бўлади, демак дорилар таъсир кўрсатаётган эканда, деб ўйладим. Индинига умуман эшитмай қолдим, деди. Касаллик аввал авж олади, сўнг аста-секин тушади, дея қичқирдим, бари бир эшитмади, имлаб тушунтирдим, англади шекилли, бошини силкитиб тасдиқлади. Уч кундан кейин эса мени кўрганда кулиб салом берадиган, бир кунда ўн марта кўрса ўн марта табассум ҳада этадиган бўлиб қолди. Аввалига муолажаларимдан мамнун бўлса керак деб ўйладим. Бугун эрталаб касалларни текшириб, керакли дориларни тарқатгач хонамга кириб ўтирсам эшикдан бошини кўрсатиб кулди-да: «Соат 10⁰⁰ да концертимизга марҳамат қилинг» деди. Ҳазиллашяпти, деб ўйладим. Кўп ўтмай йўлақда овозлар эшитилиб қолди, чиқдим. Кейин билсам Йўлбарсов бутун бўлимни концертга таклиф этган экан. Ҳа энди ҳаваскорликка қатнашган бўлса керак, дам олиш куни беморларни кўнглини кўтармоқчи эканда, деб аста мен ҳам бордим. Не кўз билан кўрайки, еттинчи палатадаги умуман эшитмайдиган Ҳожар хола савлат тўкиб ўтирибди.

— Унга концерт бўлишини қандай тушунтирибди, ахир кампир ҳечам эшитмайди-ку? — дея ажабланиб сўради бош врач.

— Менам шунга ҳайронман-да, кўр кўрни қоронғуда топибди деганларидай концертга умуман эшитмайдиган касаллар йиғилган. Роппа-роса соат 10⁰⁰ да концерт бошланди.

Йўлбарсов қўлига тарелкани олиб катта ашула айтди. Ҳожар кампир худди эшитаётгандай тебраниб ўтирди. Сўнг Йўлбарсов қўлига патнис олиб, «Оқ билак ойим анжонлик» деган яллани бошлаб юборди. Бирдан Йўлбарсов кўшиқ завқи билан ўртага тушди-да, менга яқинлашди. Мен ҳам кўшиққа маҳлиё бўлиб қолибман. Ўзим сезмаган ҳолда бошимни ликиллатиб турсам, бирдан ташланиб бўйнимдан тишлади. Шу қичқирганимни биламан ҳамма қочиб чиқиб кетди. Мен бечора Йўлбарсовнинг қўлидан зўрға қутилдим.

— Лекин ҳеч тушунолмаяман, шунча одам бўла туриб нега айнан сизни тишлади? Балким қулоғи шангиллаб асабларига таъсир кўрсатдимикан-а, муолажалани тўғри бажараётганмидингиз? — деб сўради бош шифокор.

— Ҳа, мана, айтганингиздай дафтарга ёзиб қўйганман, бир ҳафта ичида жинни бўлди-қолди. Бу касалхонамиз тарихида биринчи воқеа, — дея ҳамшира дафтарни бош врачга тутқазди.

Бош врач дафтарни кўздан кечираркан, бирдан ўзгариб кетди, шошиб ҳамширага ўгирилди-да, деди:

— Ахир кулоққа томизиши лозим бўлган дорини ичиш учун деб ёзиб қўйибсиз-ку, ичишга тавсия этилган суюқликни эса кулоққа томизишга тиркаб қўйибсиз.

— Вой ўлмасам шунақа бўлган эканми? — деди хижолат билан ҳамшира.

Шу пайт кутилмаганда эшик очилиб Ҳожар кампирнинг боши кўринди, у табассум билан бош врачга деди:

— Кеч соат 17⁰⁰ да 7-палатага концертга ташир буюринглар. «Момолардан мерос наволар» деб номланган дастуримизни томоша қиласизлар. Қизим, ялласига ўзингиз ўйнайсиз-а?..

Ҳамшира бўйнини ушлади. Эшик ёпилди. Бош врач шошиб ҳамширага ўгирилди.

— Зудлик билан Ҳожар Халилованинг касаллик варақасини олиб келинг. Кампирникини ҳам алмаштириб юборганга ўхшайсиз. Концертга таклиф этдим, тамом, бир балоси бор...

Салоҳиддин
СИРОЖИДДИНОВ

Guliston

4

2001

Учредитель:

Министерство по делам
культуры
Республики Узбекистан
На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
Асқар МАҲКАМ

Мусаҳҳих
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

Фотомуҳбир
Владимир ГРАНКИН

Таҳририят манзили:
700029, Тошкент — ГСП,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:

Бош муҳаррир — 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари — 133-08-57
Масъул котиб — 133-07-94

Босишга рухсат этилди:
17.07.2001 йил.

Қороз ҳажми 60X84 1/8
Офсет босма.

Шартли босма табоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб табоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5.
Буюртма № 2056.
1634 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар
таҳлил этилмайди ва
муаллифларга қайтарилмайди.
Таҳририят фикри муаллифлар
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
700029, Тошкент,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© “ГУЛИСТОН” 4/2001.



Хива атрофида. Мато, мойбўёқ. 1999 й.



«Мактуб» (Юлдуз). Мато, мойбўёқ. 2000 й.



Р. ХУДОЙБЕРГАНОВ. Спитамен. Мато, мойбўёқ. 1999й.